



# ЙИЛНИНГ МАЗМУНИ

"Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили"... Агар эътибор берсангиз, бу йиллар маъно-моҳиятида бир мунтазамлик, уйқашлик мавжуд: чин маънодаги гуманизм (гуманизмни ўзбекча қилиб баъзан "инсонсеварлик" деймиз, "одамгарчилик" десакмикан...)

Аваламбор бу сиёсатнинг тагида гап бор. Давлат раҳбари фуқароларга яхши кўриниш учун қиялпти десак, калтабинлик қилган бўламиз. Сабаби раҳбарнинг халққа яхши кўриниш учун бошқа йўллари кўп. Бундан ташқари бундай гуманистик шиорлар билангина оммани чалғитиш жуда қийин. Халққа бош раҳбарнинг собитқадамлиги, тўғрисиўзлиги, адолати муҳим. Чунки бу омиллар бўлмаса ҳамма нарса издан чиқади. Парокандалик бошланиб, одамларда ишонч туйғуси сўниши мумкин.

Ҳамма айтаётгани такрор уқтиргинг келмайди. Лекин бу оддий шиор эмас, сиёсат эканини эътироф этиш шарт.

Ҳар йили Президент қарори билан Республика бўйича қилинажак ишлар дастури ва режаси ишлаб чиқилади. Йил давомида у ҳаётга татбиқ этила боради. Бир жойда милён сўмлик, яна бир жойда миллиард сўмлик иш қилинади. Қайсидир ҳотамтой ўз чўнтагидан стадион, соғломлаштириш маркази, шифохона ёхуд поликлиника қуради, кимдир мактаб қуради; яна кимдир меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига, бошқаси қариялар уйига саховат кўрсатади. Албатта, ҳоким ёки бирор бошқа раҳбар мана бу етимларнинг бошини силайсан, деб унинг ёқасидан олиб судрасада, ўзи хоҳламаса, бу ярашмаган юмуш бўлар эди.

Деновда Аҳмад фермер дегани бор. Ўзбекистон Қаҳрамони. Бултур бир неча бор телевизорда кўзим тушди: бир қараганинда янги мактаб биноси қурган, яна бирида стадион, бир гал эса ўзининг ишчи-хизматчиларига шаҳарниқидан қолишмайдиган саккиз квартиралими, ўн олти квартиралими икки қаватли "дом" қуриб берибди.

Раҳбарининг исми ёдимда йўқ, Андижонда "Мустақиллик" кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси бор. Қайсидир йили "Ташаббус" кўрик-танловида Республика ғолиби бўлган эди. Айланма маблағига эътибор берсангиз миллиард-миллард деган пуллар билан гаплашади.

Яна Деновда Баҳром Дилов деган ёш фермер йигит бор. Қарамоғида мингдан зиёд қорамоли, қўй, от, туя, эчки — кавш қайтарадиган ҳамма ҳайвонлардан бор. Пахтаям, галлаям, сабзавот ҳам, мевали дарахт ҳам экади; тикувчилик, колбаса, пишлоқ, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлари мавжуд. Бир қарасанг маҳаллага, бир қарасанг ночор оилаларга ёрдам қилиб ётади. Обуна масаласида кўмак сўрасанг ҳам йўқ демайди. Нашрнинг сифатини ошириш борасида бир муддат "амри-маъруф" ҳам қилиб кўяди. Тан бермай иложинг йўқ.

**Буруннинг ҳадяси — қўй билан кўзи,**

**Бугуннинг ҳадяси — бир куйик кулча.**

Иштончан кунларда шуни қўшиқ қилиб ҳамсояларниқига рамазон айтиб борганмиз.

Кимдир кучугига талатган. Бирови қурут, майиз, туршак берган. Бирини еб ўтирган филминдисидан, кимдир

куйик кулча ҳам бергандир — қоронғи эди кўрмаганмиз — кўрмай талашиб, бўлишганмиз.

Ҳамма ўз замонасининг бойларини зиқналикда айблайти: Ҳамза — Солиҳбойни, Ойбек — Мирзакаримбойни...

Аммо ҳар замоннинг ўз хислатлари бор.

Буруннинг бойи қирқ кечаю қирқ кундуз овора бўлиб тўй қилиб ётган. "Алпомиш"да куйланишича камбағал, етим-есирларга ҳам ҳиммат қилиб, тирсагига довр мой оқизиб ош едирилган.

Эндигининг бойи пишиқроқ ҳам ўткирроқ. Борингки, саводи ҳам тузук — русча, баъзан инглизчани қийиб қўйишади: бир чўнтакда "сотка" — хоҳ тўйда, хоҳ йўлда бўлсин — уммон ортидаги шериклари билан ҳам мунтазам тиллашиб туришади; бир чўнтакда, албатта, калькулятор — ҳар сонияда фойда-зиёнини текшириб боришади — эҳтиёт шарт-да.

Бугуннинг бойи пишиқ дедик. У одамларнинг вақтини увол қилмайди: бир кунда тўкиб-сочиб совуриб тўй ўтказиб юборади. Тўйда қатнашган-қатнашмаганлар эллик минг, юз минг долларнинг бетига қарамади деб, алқашади. Ўткирлиги шундаки, бефойда одамларни тўйига чақириб ўтирмайди — нуфузли ресторанда нўмирланган стулда қоққан қозикдек ўтириб, еб-ичиб, вақтида туриб кетишинг керак.

Тунов кунини "Ташкентская неделя" газетасини варақлаб етти юз минг долларга сотиладиган ҳовлига кўзим тушди. Ишонмай рақамларни қайтадан санаб чиқдим: тўғри, етти юз минг! Бир журналист дўстимга шуни айтсам, (менсимай!) бир таниши Қибрай йўлидаги ҳовлисини бир милён икки юз минг долларга бермаганини айтди. Бу лофдир-лоф эмасдир, эллик фойизи ҳақиқат бўлгандай яхши-да. Зўр! Демак, кучайиб боряпмиз...

Лекин баъзи нарсалар одамнинг ҳафсаласини пир қилади. Биринчидан бу уйларни кўриб, суриштира-версанг, этинг жунжикади — фалон чиновникнинг отаси, тоғаси, холаваччаси, югурдаги... Демак, ўша одамнинг ўзиники. Шунинг учун ҳам улар элга ош бермайди — қўрқади; мактаб, шифохона қуриб беминнат топшириб юбормайди, қўрқади, кимсан — фалончи, хўш, қайси пулига қурибди? Бу саволга жавоб бериш керак-ку! Шу боис улар ўткир — ўзларидан бошқани ўйламасликка мажбур. Аммо, не кўз билан кўрингки, Аҳмад фермер деганларини бир чўқишда қочиради.

Бу мавзунинг тагига етиш қийин. Гапнинг гали келганда ҳангома учун айтдик. Гурунларда ҳам бу нарсаларни бемалол гаплашаверамиз-ку, тўғримасми?


Нима бўлганда ҳам бизда бош ислохотчи давлат бўлгани сингари шиорлар ҳам Президент томонидан ташланапти. У — сиёсат. Эзгу сиёсат.

"Ижтимоий ҳимоя йили" деган сиёсатнинг ортида қанчадан-қанча савоб ишлар ётибди. Етимга, ногиронга, муҳтожга, қарияга қилинган яхшиликнинг учун мўл-кўл дуо оласан. Уларнинг дуоси вожиб. Оллоҳ кўлласин, деб дуо қилади.

**Ҳар биримизни Оллоҳ қўллаб юрсин!**

# ЗАБАРЖАД

Киноқисса



Суратларни Гулнора Раҳмонова чизган.



Муқаддима

Ёз куни. Тушдан кейинги сокинлик.

Айқириб оқаётган сой ёқалаб ўттиз беш-қирқ ёшлар чамали бир киши энгил хиргойи қилиб келмоқда. Вақтичоқ, қадам олишларидан андак ширакайфлиги билинади.

Нариги томонда — куюқ дарактзор чорбоғ этагидаги тикроқ соҳилда, олдда ҳар хил қўғирчоқ, ўйинга машғул бўлиб ўтирган олти-етти яшар қизалоқ сой ёқалаб келаётган кишига кўзи тушиб шодон қийқиради:

— Дадажон! Дадажон!

У ўрнидан тураётиб олдинга мункийди ва оёғи остидаги қўғирчоқларига қўшилиб сирпана-думалай сойга тушиб кетади.

Қизалоқ сув юзасига бир қалқиб чиқади-ю, жонҳолатда типирчилай-типирчилай чўка бошлайди.

Нариги қирғоқдан ўзини сувга ташлаган ота уч-тўрт ҳамлада қизга етиб олади-да, уни боши узра баланд кўтариб соҳил томон отиб юборади. Кейин ўзи икки-уч марта талпиниб юзага чиқади-ю, бирдан кўринмай кетади.

Сув сатҳида уюрмасимон ҳалқалар ҳосил бўлади, қизалоқнинг турли-туман қўғирчоқлари ўша доира бўйлаб айлана бошлайди.

Соҳил узра эсини йўқотиб қўйган қизалоқнинг чинқириви янграйди:

— Дада-а-а! Дадажо-о-он!

\* \* \*

Забаржад деган бир... қиз деймизми энди, жувонми... оппоқ елкалари очиқ, гулдор чойшабни ичкўйлак мисоли қўлтиқлари остидан ўтказиб танғиб олган, эшик ёнбошидаги электр тугмачасини босиб, чароғон ваннахонага киради. Алақандай сирни англаб етмоқчи ё ниманидир салмоқлаб кўраётган каби қўлидаги гижимланган оқ рўжага бир нафас тикилиб туради. Кўнглидан кечгани эса бундай:

— Шугина керакмиди сизларга? Мана, тамом!

У рўжани ваннага отади-да, жўмакни очиб юборади. Шариллаб оққан сув гўё бир зум қон тусини олади — жомга тушибоқ қип-қизил қонга айланаётир!

Кўзида ёш ҳалқаланган Забаржад бир сесканиб, жомга диққат билан тикилади. Йўқ, сув! Оддийгина сув. Андак хира тортгандек, холос.

Ванна деворига ёпиштирилган зарҳал тасвирдаги яримлангоч ишвакор жонон сирдошларча кўз қисиб қўяди.

Забаржад рўпарадаги доирасимон кўзгуга солади ўзини. Сочлари бетартиб хурпайган, кўзининг сурмаси чапланган.

## Отим ориқ, манзилмга етолмайман-о...

(Кўшиқдан)

Юзини ҳар мақомда буриштириб кўради, тилини чиқариб ўзини масхара қилган бўлади.

— Кўнглингиз жойига тушдими, жоним? Баттар бўлинг!

Сўнгра кўзгу тагидаги жўмакда юзини яхшилаб ювиб, тагин аксига боқади: шўх нигоҳлар ўша-ўша, кулгичлар ўша-ўша — бирор нарса ўзгармаган!

— Ҳеч гап эмас экан-ку!

\* \* \*

Тангу тор ошхона. Дераза ёнидаги емак столига тирсақ тираб бир киши ўтирибди. Майкачан. Чекапти. Ўртаяшар. Сочига оқ оралаб қолган. Юзи кўринмайди.

Забаржад орқадан келиб уни бўйнидан кучади, сочларига юзини суйкайди.

— Дадамнинг ҳам сочлари шундай эди. "Нега бошқаларнинг сочи қоп-қора-ю, сизники бунақа?" деб сўрасам, "Мен кул сепиб олганман-да", дердилар.

Забаржад столни айланиб ўтиб, ҳалиги кишига рўбарў ўтиради. У ҳам столга тирсақлаб, суҳбатдошига тикилади.

— Пушаймон қиядсиз-а? Бўлгани бўлди энди, дўстим, ўйламанг! Бу ишда бой берган мен-ку, сизга нима? Лекин ўзим ҳечам афсус қилмаяпман. Қайтага, қушдек энгил бўлиб қолганга ўхшайман. Орзум шу эди, мана, етдим. Беш йил бўлди-я! Энди сиздан бошқа бирон эркак бу остонани кўрмайди. Забаржад сўзим! Ё келсинми, майлими? Гапирсангиз-чи, ахир! Э-э-э! — Забаржад худди ёш болага дўқ қилаётгандек бир жазава билан столга шапатилайди. Сўнг бирдан юмшаб, жилмаяди. — Тўғрисини айтинг, кутмаганминдизиз? "Қари бўлса ҳам — қиз яхши" деган гапга энди ишонгандирсиз? Э, ким ҳам ишонарди — ўттизлардан ошиб, шу вақтгача!.. Уятсизман-а? Қип-қизил шарманда! Уриб-уришадиган эринг, уяладиган боланг бўлмаганидан кейин одам бора-бора мана шундай беҳаёга айланар экан, дўстим!

Ўртада турган чинни тарвузга пичоқ санчилар-санчилмас (сўяётган кишининг фақат қўли кўринади), у пақча иккига бўлиниб кетади. Қондек қип-қизил! Забаржад тарвуз палласига чангал уриб "юраги"ни ажратиб олади-да, стол узра узалиб "дўсти"нинг оғзига мажбуран тикади.

— Қўполман-а? — дейди қилмишидан куйингандек. — Қўполман. "Сен, Забар, асли ўғил бола бўлиб туғилишинг керак эди, нимадир хато кетган-да", дердилар дадам. Ростдан ҳам, ўғил бола бўлганимда бундай юрмасдим. Ий-й, йўқ, йўқ, шундай — қиз бола бўлганим яхши! Ўғил бола бўлганимда сизни қаёқдан кўрардим, тўғримми? Ўғил бола... Мана кўрасиз — ўғил бўлади. Аниқ, а-аниқ! Ўзингизга ўхшаган: қоровой, индамас. Агар... мабодо қиз бўлиб қолса, дуч келган бирортасига шартта тегиб оламан, Забаржад сўзим! Қиз бола отасиз ўсмаслиги керак. Отасиз ўсган биттасини, мана, кўриб ўтирибсиз!

\* \* \*

Забаржад энгил-енгил ҳатлаб зинапоядан тушмоқда. Иккинчи қаватдан ўтаётганида орқадан биров товуш қилади:

— Забар, Забар, ишга кетяпсанми?

— Балиқ овига! — дейди Забаржад беписанд ўгирилиб.

Ён тарафдаги салқи занжирланган эшик тирқишидан соч-соқоли ўсиб кетган кўсқи бир башара чала кўринади.

— Мениям билла опкетсанг-чи! Сувга тушиб кетмагин деб белгинангдан кучоқлаб ўтирардим.

— Қармоқ-пармоғинг йўқ-ку, Зокир, — дейди савдони кўшнисининг бу каби шилқимликларига кўникиб кетган Забаржад беозор қулимсираб.

— Менинг қармоғимни кўрмагансан-да, ҳей қиз! — дейди Зокир очикча бетамизликка ўтиб. — Во-ей, бунинг фигурасини қаранг! Шимлар таранг, кўкраклар диркиллаган! Ўлиб қоламан, во-ей!

— Ҳе, айнамай ўл! Девона!

Ўйламай айтган гапига чув тушган Забаржад уч зинани битта қилиб пастга отилади.

— Менгайм опке балигиндан. Лаққасидан бўлсин, ҳей! — деб қолади "занжирбанд".

\* \* \*

Серсоя ҳовли ўртасидаги шийпончада доимий улфати Юра пиён билан домино ўйнаб ўтирган олтимиш ёшлардаги чуваккина одам — Зокирнинг отаси Восил амаки йўлақдан чиққан Забаржадга кўзи тушиб, ўзича яйраб кетади:

— Ҳа, Жўрабойнинг қизи! Келинчакка ўхшаб қолибсан, тўй қачон?

— Сизга ҳар куни тўй-ку, Восил амаки! — дейди Забаржад хушҳоллик билан; асли беғубор шу шўрликка раҳми келади доим.

— Йўқ, сенинг тўйингда тўйиб бир ичиб армондан чиқмоқчиман-да, қизим. Ошнам раҳматлини эслаб!

— Куёв топилмаяпти, амаки, куёв йўқ!

— Сендай нозанинга қарамаса, йигитман деганларининг кўзи қаёқда экан-а!

— Ўзингиз келин қилақолмайсизми?

— Зокиргами? Э, у сенга тўғри келмайди — туремшик!

Иккинчи қават деразасидан ҳайқирган овоз келади:

— Ким туремшик, хў пиёниста! Ўзи кўниб турибди-ку, босиш керак!

Восил амаки хира пашшани ҳайдаган каби дераза томон қўл тўлаб кўяди: бас қил!

Забаржад узун боғичли сўмқачасини елкасидан олиб, кавлай-кавлай улфатларга яқинлашади. Кафтида гижимлаган пулни билангирмасликка тиршишиб Восил амакининг чўнтагига тикиб қўяркан:

— Куёв топсангиз — суюнчисига, — дейди пичирлаб.

Восил амаки сўниқибгина ерга қарайди.

— Раҳмат, қизим. Пешонанг очилсин илоийм.

Юра пиёнининг кўзи чақнаб кетади, қизга умид ва ҳавас билан боқади. Кейин энгашиб, қўлбола стол тагидан қизғиш шишани олади.

— Давай!

Дераза тарафдан яна шанғиллаш эшитилади:

— Неча сўм экан, хў пиёниста? Бир тийинини ҳам қолдирмай менга берасан, билдинг! Энди у менинг қайлигим-ку! Кечқурун менга балиқ опкелади, ўзи айтган!

Восил амаки аста бошини кўтариб деразага қарайди. Бир лаҳзада кўзлари қизариб қолибди.

\* \* \*

Забаржад уйни айланиб ўтиб йўлкага бурилганида учинчи қават деразасидан аясининг саси келади:

— Ҳой бойвучча, анови тасқарага нега пул берасан?

Забаржад йўлидан тўхтаб, деразага юзланади:

— Кимга? Қанақа пул?

— Ҳали деразадан ўзим кўрдим-ку!

— Раҳмим келади, ая. Ичим ачийди кўрсам.

— Менга раҳминг келсин! Сен етимчаларни хорлигу зорликда боқиб катта қилган онангга ичинг ачисин!

— Яхши одам-ку, ая! Доим дадамни гапираси ўртоқлари эди.

Деразадан энгашиб олган Вазира опа баттар тутақади:

— Қанақа ўртоқ?! Бир жойда ишлаган, холос. Ҳай, ана, шунчаки бир кўшни! Яхши одамни хотини ташлаб, қизиникига бориб ўтирадими, а?! Яхши одам пуштикамаридан бўлган фарзандини занжирга солиб қўядими?! Яхши одам қизи тенги бировдан садақа оладими?! Яхши одам бўлса, эртаю кеч...

— Бўлди, бўлди, ая! Кўни-кўшни эшитади. Нима қилсин бечора? Ўзингиз биласиз-ку!

— Ана, жиннихонага элтиб топширсин!

— Ая! Ҳар ким аҳволини ўзи билади. Биттаю битта ўғил!

— Ҳали сен чиққан заҳоти Диля ўртоғинг телефон қилувди, — дейди Вазира опа негадир дарҳол шаштидан тушиб. — Ишхонангнинг олдида кутармиш. Гапи бор экан.

— Гаплари бўлса, ўзлари келиб мени опкетмайдиларми у танноз хоним! — дейди Забаржад йўлга тушаркан, нимадир нашъа қилиб. — Тағларида — "Нексия"! Диля Дубай!

— Ҳой, кирпорошок эсингдан чиқмасин-а!

\* \* \*

Микроорганизмлар тадқиқоти институти.

Сўмка-пўмқасини кўйиб, оқ халат кийиб чиққан Забаржад гез-тез юриб майдон четидаги дарактлар соясида турган "Нексия"га яқинлашади.

Ялтир-юлтир ясаниб олган Диля кимгадир "Нима ўйласангиз ўйлайверинг! Бугун келмайсиз, тамом! Тоже мне!" деб жаҳл қилади-да, қарсиллатиб телефончасини буклайди.

— Қани, гапирсинлар, — дейди мошинага кириб унинг ёнига ўтирган Забаржад.

— Ўтирибсан микробларга ем бўлиб?

— Микроб эмас, саводсиз, фойдали микроорганизмларни тадқиқ этиш институти!

— Бари — бир гўр!.. Кетяпман, ўртоқ!

— Янами? Ўша ёққа?

— Бошқа қайга бўларди! Бу сафар олти ойга!

— Етар дейман.

— Етмайди, Забар! Менга етмайди! Сенинг-ку даданг ўлган эди, мен бир қари кампирнинг қўлида тирик етим бўлиб ўсганман. Кўзим оч. Бўлса, яна кўпроқ бўлсин дейман. Шунақа. Дугонангнинг феълени биласан-ку, ўртоқ! Бола катта бўлиб қоляпти. Келажакда ўқишини ўйлашим керакми — керак! Участка қурмоқчиман. "Дом" жонга тегди — бурилолмайсан, тангу тор. Кейин — мен ҳам одамдай яшашга ҳаққим борми, йўқми?!

— Яша, яша. Рухсат бердим.

— Кулма, Забар. Анови сўтакнинг аҳволини ўзинг биласан. Уйга бир сўм топиб келолмаса! Қўлидан бир иш келмаса! Кетига тепганимга икки йил бўлди, ўртадаги ўғил баҳона, сиртига сув юқтирмайди-я! Худди ҳеч нима бўлмагандек, "Уйингнинг калитини ташлаб кет" эмиш! Ижарага кўйиб пул ишламоқчилар! "Ебсан", дедим. Эшитдинг-ку ҳали. Ижара қўядиган бўлсам, ўзим қўймасмидим! К чему это мне! Тўрт пул чиқадими, йўқми, шунча ремонтнинг дабдаласини чиқазиб ташлайди. Биладан, маржабозлик қилмоқчи бу. Ўргидим сиздай маржабоздан! Ҳолинг менга маълум-ку. Қўлингдан бирор иш келганида мен бундай сарсон бўлиб юрармидим! Калитининг биттасини сенга ташлаб кетмоқчиман, Забаржад. Лойимиз ҳар жойдан бўлгани билан эски ўртоғимсан, мактабда билла



ўқиганмиз. Ҳафтада бир-икки бор гулга сув қуйиб кетсанг бас. Гулларимни кўргансан, Арабистондан келган антиқа гуллар. Менга қара, Забар, биратўла келиб меникида яшаб турсанг-чи? Шаҳарнинг қоқ маркази, ҳамма шароит муҳайё. Ху-ув Сирғалингдан сақиллаб юргунча! У ёқдан семириброқ келсам, арзонгаров қилибми, балки бутунлай ўзингга берворарман. А, нима дейсан?

— Гул-пулингга қараб туришим мумкин, лекин уйинг ўзингга буюрсин, жоним!

— Мана шундай тантиликларингга борман-да, Забар! Са-ал менга ўхшаганингга-ку ўзим билардим нима қилишни. Сендақасини кўрса, ўлиб қолади улар! Олти ойда оғиз-бурнинггача тўлиб кетасан! Бўлди, бўлди, тумшайманг. Билдик — сиз фаришта, Вазира кеннойим ҳам ўпмаган хуру гилмонсиз! Жа-а бўлмаса, денгизларда чўмилиб келардинг!

— Сувни ёмон кўраман.

— Ёмон кўрармиш, кўрқсанг керак-да? Чўмилсанг — шундоқ мазаки, илиққина! Танангдаги бор гарду губорни ювиб кетади.

— Сени-ку ўнта денгизда чўмилтириб олса ҳам бефойдадир!

— Денгиз эмиш, океанда дегин! — Диля тан依лик билан қиқирлайди. — Ўзинг кимга асраб юрибсан бу мулкни, хайронман? Кўтарасига бервормайсанми?!

— Эгаси чиқиб қолар, — дейди Забаржад сирли жилмайиб. — Кўтарасавдони сен қиласан!

— Вой, ҳалиям анови... Бошингга урасанми уни! Ёши катта бўлса, бола-чақали, ўзиям бир хунук, тасқара! Лекин-чи, Забар, тўғрисини айтсам, ўша одамнингнинг бир балоси бор-ов. Жи-им ўтирсаям, гапирмасаям, ёнидан кетгинг келмайди-я! Бундай бир ёшроғини топсанг-чи, ўртоқ! Қачонгача юрасан қулф солиб?!

— Ёши ҳам бор. "Дипломат".

— Ҳо-о, зўр-у! Ҳаҳ, писмик, яширишини қаранг!

— Йўқ, сен ўйлагандақамас. "Дипломат" кўтариб юради, холос. Кейс бор-қу, ўшани. Кўзини лўқ қилиб, "Севаман!" дейди. Ўзи мендан беш ёш кичик! Шунисини айтсам, "Сизсиз яшаёлмайман!" дейди тирранча. Ўзича бир балоларни жаврайдими-ей! Қочиб кетгинг келади. Изимдан тентигани тентиган. Ҳозир ҳам шу атрофда юрган бўлса керак. "Дипломати"ни қўлтиқлаб!

— Да-а, биркам дунё экан-да, — дейди Диля дафъатан маъюс тортиб. — Заба-ар, бир гап сўрасам майлими? Анови "дўстим-дўстим" деганингни ростдан ҳам яхши кўрасанми? Айт, нимасини?

— Шунисини билмайман-да. Билганимда-ку... ўзим билардим!

— Мен ҳам бировни яхши кўргим келяпти, — дейди Диля кўзида ёш ҳалқаланиб. Сўнг бирдан хўнграб Забаржадни кучоқлаб олади. — Сендай. Сенга ўхшаб. Чин юракдан! Ҳавасим келади сенга, ўртоқ, ишон! Мен одам бўлмадим, Заба-ар! Юришимни қара! Шуям ҳаёт бўлдими, дугонажон? Бир тийин! Бу ҳаммаси бир тийин, ишон!

Забаржад ногоҳ жини кўзиган Диляни хурпайган сочларини тартибга солгандек бўлиб силай-силаё юпатаркан, институт дарвозаси олдида у ёқ-бу ёққа аланглаб кимнидир қидираётган ҳамкасби Донохонга кўзи тушади.

— Хафа бўлмайсан, ўртоқ, мени сўраб чиқишди шекилли.

— Майли, майли, борақол, — дейди Диля бирдан "мотами" ариб, боягидек совуқ, ўктам қиёфага кираркан. — Мениям ташвишларим бир дунё! Билет, виза-пиза дегандай. Кетишдан олдин ўзим уйларибга ўтаман. Вазира кеннойимга салом айтиб қўй, хўп?

Диля мошинасини шиддат билан орқага суриб, катта йўлга солади.

\* \* \*

Директор қабулхонаси.

Эшикни тарақлатиб ичкаридан Забаржад чиқади. Ранги ўчган. Лекин юзида аллақандай телбавор бир табассум.

Ўзи ўлгудек қаримсиқ, аммо роса ясан-тусан қотиба аёл ўрнидан туриб кетади:

— Нима гап? Тинчликми?

— Компьютер синди шекилли, — деб жавоб қилади Забаржад ғалати заҳарханда билан. — Бош ҳам ёрилгандир.

— Вой, нега синади? Нима ёрилди дейсиз?

— Сиз синдирмаганмисиз? Сиз ёрмаганмисиз?

— Вой, нега синдираман? Эсимни ебманми! Бундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи, Забаржадхон, нима гап ўзи?

— Мен эсимни едим, Хатира опа! Йод-подингиз бўлса, пахтага томизиб тез опкиринг. Дўхтир чақирсангиз ҳам бўлади.

— Вой-вой, домлага бирор нима бўлдими?

— Кирганда кўрасиз!

\* \* \*

Тажрибахона. Тўрт тараф ойнабанд жавон, ўртада узун-узун столлар. Беш-ўн чоғлиқ оқ халатли аёл узунчоқ шиша идишларни кўтариб у ёқдан-бу ёққа ивирсиб юрибди.

Ўзгача бир важоҳатда кириб келган Забаржад кўпчилигининг эътиборини тортади. Одатдаги пичир-пичир, ўзаро маъноли қарашлар.

Забаржад индамай жойига ўтиб, халати чўнтагидан ручка олади-да, бир варақ қоғозга алланима ёза бошлайди.

Бояги Донохон ҳадиксирабгина унинг бошига келади.

— Ҳимояга тегишли бирор янгилик борми дейман. Нега чақирган эканлар?

Забаржад ёзувдан бош кўтариб, атай барчага эшитарли овозда "ҳисоб" беради:

— Шанба куни чет эллик меҳмонлар билан Чорвоққа чиқарканмиз! Дам олишга. Икки кунлик. Мен домлага референт бўлиб борармишман!

Ҳар ёқдан луқма эшитилади:

— Вой, яхши-ку! Маза қилиб келасиз-да.

— Баҳонада ҳимоянгиздан гап очилиб қолар.

— Ўтган гал, баҳорда Барно боровди, эсларингдами? Биотехдан.

Забаржад ёзиб бўлгач, шалдиратиб қоғозни столдан оладию икки хатлаб, ёнбошдаги жавон ортида ёзув-чизув қилиб ўтирган лаборатория мудирининг столига элтиб ташлайди.

— Мен ишдан бўшадим, Гулноз Раҳимовна! Мана, аризам! Хайр сизларга!

У апил-тапил иш ўрнини йиғиштириб, сўмкачасини кифтига иладию чиқади-кетилади: бай-бай! Ҳамма ҳангу манг.

\* \* \*

Забаржад эшикдан чиққани ҳамона ғийбат аралаш муҳоқама бошланади:

— Шу қизнинг ажаб қилиқлари бор-да! Сал нарсага тўнини шартга тескари кияди-қўяди. Ҳай, Чорвоққа чиқиб келса нима қипти? Тем более, домла ўзлари таклиф қилибдилар. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат дегандай, ҳимояси юришиб кетармиди балки. Калит ўзингнинг қўлингга бўлса, қулфингни биров бесўроқ оча оладими, айтинг!

— Забаржадхонга ҳам осон тутиб бўлмас. Диссертацияси тайёр бўлганига бир йилдан ошди. У ёқда ана, Барнохонга ўхшаганлар ҳашар билан ишини битириб оляпти. Алам қилиб кетгандир-да. Неча йиллик меҳнат!

— Бунинг устига ёши ҳам ўтиб боряпти денг. Анови сабил мияга уради-да!

— Домласи қурғур ҳам ҳақини олмасдан кўймайдиган! Хув татар қиз ҳам шундай бир можаро билан кетиб қолувди, эсларингдами?

— Хатирани-ку қабулхонасига қамаб, қаритиб бўлди. Қоровулликдан бошқасига ярамай қолгандир энди.

\* \* \*

Забаржад иккинчи қаватга тушганида коридорнинг охиридаги дераза рафида турган таниш "дипломат"ни кўриб қолади. Бир зум иккиланиб тўхтади-ю, кейин шаҳд билан ўша ёққа қараб юради.

Мана, анови суллоҳнинг ўзи! Хушсурат, қадди-қомати расо. Рисоладагидек кийинган: қора костюм-шим, оқ кўйлагу галстук. Қўлида гул, илжайибгина турибди.

— Яна келдингизми? Сизнинг бошқа ишингиз йўқми? Мен сизга нима деган эдим ўтган гал?!

— Севган кўнгил нима қилсин, ахир? — дейди сурбет тиржайиб.

— Менга қаранг, шоир-поир эмасмисиз мабодо?

— Қанақа шоир? Нега?!

— Тўғри гапираверсангиз бўлмайдими? Э, ҳамманг жонимга тегдинг! — Забаржад жазава ичида кейсга чанг соладию уни дераза оша пастга улоқтириб юборади.

— Вой, вой, бу нима қилганингиз, Забаржадхон?

Забаржад шу заҳоти шаштидан тушиб, сўрайди:

— Ичида нима бор эди?

— Бир шиша коньяк. "Анҳор".

— Яна?

— Шоколад. Ўзингиз яхши кўрадиган аччиқ хилидан.

— Яна?

— Яна... диссертациям. Папкада эди.

— Югуринг! Тез! Э, шошманг, неча пул бўлади ҳаммаси?

Забаржад саросимада сўмқачасидан бир сиқим пул олиб жабрдийданинг чўнтагига тикадию ёв қувгандек, ундан олдин коридор бўйлаб чопиб кетади. Зинапояга етиб орқасига ўгирилади: ошиқ шўрлик мум бўлибгина қотиб қолган!

— Илмий ишларингизга муваффақият!

\* \* \*

Забаржад институт биносидан елиб чиқади-да, эшик олдида бир дам тўхтаб, ўйлаиб туради. Сўнг илдам юриб бионинг чап биқинидаги теракзорга киради. Ўт-ўланлар орасидан кейсни топиб, дастрўмоли билан у ёқ-бу ёғини артади.

Хомуш, паришон ҳолда эшикдан кўринган эгасининг қўлига уни тутқазаркан:

— Узр, жаҳлим чиқиб турувди, — дейди Забаржад.

— Қаранг-чи, кўлёмангиз хўл бўлмабдими?

— Кўлёмангиз? — дейди йигит баттар гангиб. Кейин беихтиёр қизнинг амрига бўйсуниб, тиззаси устига кўйиб кейсни очади. — Йўқ, ҳатто синмабди ҳам... Мен энди нима қилай, Забаржадхон?

Забаржад бу саволга нима дейишини билмай лаб тишлаб қолади.

— Нима қилардингиз, у ёқ-бу ёқни кўрасиз...

Соддадил йигит аланглаб ростдан ҳам икки тарафига назар солади. Бир томондан дикирлаб кўғирчоқдек бир қиз ўтади, иккинчи томонда — эрталаб Дилянинг мошинаси турган дараклар тагида "Тико"сига суянинг, қўлида кўзгуча, бир қиз ўзига оро бермоқда.

— Кўп-а? — дейди йигитга қўшилиб ўзи ҳам ўша томонларга қараган Забаржад шўхчан кулиб. — Давоси шу!

— Лекин юракка буюриб бўлмайдими-ку, Забаржадхон! — дейди бечора китобий ошиқ ҳасратли оҳангда.

Забаржад яқин бориб, опаларча бир мушфиқлик билан унинг юзини кафтлари орасига олади:

— Менинг юрагимга буюриб бўларканми, укажон?! Сиз ҳали ёшсиз, қиз дегани ана — сон мингта! Келинг, шундай бўлгани маъқул.

Омадсиз ошиқ аста буриладию, бўйни бир ёнга қийшайган, "дипломат"ини осилтириб кўчанинг нарёғига қараб йўл олади.

Ўз-ўзидан дийдаси ёшга тўлган Забаржад қимирлаёлмай жойида туриб қолади.

\* \* \*

Қатор телефон будкаларининг биридан Забаржад йиғлаудек бир алфозда "дўсти"га арз қилаётир.

Кўшни будкада икки ёш ошиқ-маъшуқ бир-бирига қапишган кўйи, гўшакни гоҳ униси, гоҳ буниси олиб ким биландир сўзлашаётир.

— Сиз тенги, сиз тенги шекилли, — дейди Забаржад хуноби ошиб. — Ҳа, профессор. "Қизим, қизим"лаб юрарди, ярамас! Йўқ, раҳбарим бошқа. Яхши одам, айтганман-ку сизга... Орқа хонасига опкириб, аланимабалони компьютерда кўчириб беришимни сўради. Ўзим ҳам сезгандай бўлдим-а. Хатираси қабулхонада сақич чайнаб ўтирибди, ўша кўчирсин эди! "Ҳимоянгизни кейинги чоракка кўймоқчимиз, Забаржадхон, шунга нима дейсиз?" деб сўради аввал. "Сиз нима десангиз шу-да, домла, раҳмат", дедим. "Мен нима десам шуми? Гапингизда турасизми? Шанба куни вақтингиз қалай?" Кейин — Чорвоқ-порвоқ, ҳали айтдим-ку! Кўчириб бўлиб ўрнимдан тураётсам, "Иш битганда қочиш экан-да!" деб ташланиб қолса бўладими! Пишиллаб! Бир сассиқ! Ҳаром! Компьютерини итариб юбориб, клавиатура билан солдим бошига!.. Тўғри, тўғри, яхши иш бўлмади. Чидаёлмадим-да. Нима, боши очик бир етимча экан деб ёпишавериш керакми? Ўзим ҳам жинниман, биласиз-ку!.. Ҳа, ҳа, ҳаммага шундай. Ҳайво-он! Директор бўлсанг — ўзингга! Кейин — бўшадим! Ҳа, ёздим аризасини... Э, билмасам. Бугун вақтингиз борми? Доим шундай — иш, иш! Ким бор? Одам? Мен-чи, одаммасманми?!

Кўшни будкадагилар энди тамомила яктан бўлиб кетган — ўпишаётир. Ҳалигина талаш гўшак эса керакисиз бўюмдек ерга осилиб ётибди.

Забаржад алам билан тескари қараб олади. Ё тавба, бу ён будкада ундан ҳам баттар манзара!

Ташқарида шовиллаб ёмғир қуймоқда.

\* \* \*

Раҳбар кишининг кабинетини.

Узунчоқ столнинг икки тарафида тўрт-беш одам маҳтал бўлиб ўтирибди. Хона эгасининг ўзи нарироқда, буларга орқа ўгириб, қўл телефонида ким биландир сўзлашмоқда. Тўғрироғи, телефонда биров бетўхтов вайсаепти, у эса яккаш кулоқ солиб турибди. Аҳён-аҳёнда узук-юлуқ бир нималарни сўраб қўяди, холос.

Ўрташар бир одам. Сочига оқ оралаб қолган. Юзи кўринмайди.

Стол ёнида бетоқат бўлиб кутаётганлар деразага қараб бош чайқаб қўяди: ёмғир!

\* \* \*

"Йиғлаётган" телефон будкаси. Ёмғир саси аралаш будка ичидан Забаржаднинг зорли овози эшитилади:

— Кўргим келяпти, ҳа-а! Жуда-жуда! Олдингизга борай, майлими? Шундоқ эшикдан бир қарайману кетаман, хўпми? Нима? Энди нима қиламан? Э, ҳаммасидан бездим! Шу шаҳрингиздан ҳам! Мана, мендан ҳам ҳамма безор-ку! Бошимни олиб кетсамми деб қолдим. Қишлоққа. Амманникига. Биргина ўша кампир тушунади мени, холос! Бошқа ҳеч кимга керак эмас эканман! Билдим — ҳе-еч кимга! Бўпти, қайтиб



сизга телефон қилмаганим бўлсин! Ҳа-а, Забаржад сўзим — шу!

Ҳўнграб йиғлаётган Забаржад будка эшигини тарақлатиб чиқиб, эгни юпун, бошяланг, ёмғир қаррига уради ўзини.

Ёмғир тўрлари оралаб бебахт, афтода бир кўйда кетиб бораркан, қўлида осилтириб олган сўмқачаси кўлмак сувларига тегай-тегай дейди.

Бу ёқда — будкада ҳалигина жонқулоқ бўлиб турган гўшак ерга осилиб ётибди. Энди нокерак, ортиқча бир буюм! Гўё у ҳам бахтсиз, у ҳам йиғлапти. Ҳамма йиғлапти! Олам кўзёши қиляпти!

\* \* \*

Кимсасиз бир боғнинг ўртасидаги кўшксимон шийпончада Забаржад ёлғиз, шумшайиб ўтирибди. Биқинида сўмқачаси, оғзи очиқ. Тиззасида кафтдеккина сурат. Дадаси. Термилгани термилган.

Кейин авайлабгина суратни сўмқачасига солади-да, ундан бир қути сигарет билан гугурт олади.

Нўноқлик билан сигарет қутисини очади, қовушмайгина бир донасини лабига қистиради, урина-урина гугурт чақади. Лаби чўччайган, афтини кулгили тарзда буриштириб бир-икки дапқир ичига тутун тортади-ю, бирдан кўзлари олайиб, ўқчиб юборади. Ўпкаси узилгудек бўлиб йўтала бошлайди.

"Кашанда" қўлидаги сигарету гугуртни алам билан бир ёққа отиб, юзини чангаллаб олади. Бармоқлари орасидан теварак-атрофни шалаббо қилиб ёғаётган ёмғирга тикилади.

Ёмғир туйқусдан таққа тиниб, қуёш чиқиб кетади. Осмонда беқасам камалак кўринади. Мўъжиза!

\* \* \*

Бежирим таъмирланган, шифти ойнабанд ҳашаматли хона. Қаёққа қараманг, Диляга кўзингиз тушади. Тўрт тараф девору жавонлар, паст-баланд тумбалар устидан Диля сизга боқиб туради. Ҳар хил кайфиятда, турли ҳолатларда, Туркия дейсизми, Ҳиндистону Арабистон дейсизми, ишқилиб, ўшандай мафтункор манзилларда олинган катта-кичик суратлар. Бари ўзига мос антиқа қасноқларга жойланган, дид билан осиб-териб чиқилган. Одам ўзини яхши кўришни мана шу Дилядан ўрганса бўлади!

Тўрдаги қўштўшакда бизга таниш ҳалиги ўртаяшар, сочига оқ оралаган киши ёстиққа бош қўйиб юзубан ётибди. Забаржад ўша-ўша "либос"ида, унинг белига миниб олган, бўйин-бошларини меҳр билан, ҳафсала билан уқалайди — массажа.

Мана, Диляхоним, кўриб қўйинг!

Тагин ўша "бир актёр театри" — Забаржаднинг лаби лабига тегмайди.

Майли, шўрлик қиз дардини тўкаверсин, сизу биз ора-орада Диляхоннинг ажиб-ажиб суратларини томоша қилиб тураемиз, демакки, ундан-да мароқли саргузаштларига шерик бўлаемиз.

— Биласизми, қачон яхши кўриб қолганман сизни? — дейди "массажи" қиз. — Бир-ринчи кўришимдаёқ! Забаржад сўзим! Ҳув, эсингиздами, Диля билан олдингизга борувдик-ку, ўшанда. Сингисини ишга жойламоқчи бўлиб. У қаердадир сиз билан танишиб олган экан. Эркаклар билан тил топишишга, айниқса, иш битиришга уста-да. Тўғри айтяпманми, Диля? — дея Забаржад шўхлик билан қўштўшак узра деворга осиглиқ ишвакор портретга қараб олади. — "Бирга юрасан" деб туриб олди. Сиз асосан Диля билан гаплашдингиз. Менга бир марта ҳам қарамадингиз. Йўқ, Диля бидир-бидир қилган, сиз нуқул ерга тикилиб жи-им ўтиргансиз. Ўшанда худди илгари-илгаридан таниш, яқин бир одамимдек бўлиб туюлгансиз менга. Хайрлашаётиб

ўрнингиздан турганингизда "Вой!" деб юборишимга сал қолган. Мен сизни негадир новчароқ киши деб ўйлаган эканман. Ўртабўйгина экансиз. Мендан сал баландроқ. Кейин ўз-ўзидан сизни кўргим келаверган. Эсингиздами, ҳар балони баҳона қилиб олдингизга бораверардим? Лекин, "Ҳой қиз, сенга нима керак ўзи, нега ҳадеб менинг олдимга келаверасан?" деб сўрамагансиз сира, жеркиб ҳам бермагансиз. Мен алланимбалоларни вайсайверардим, сиз индамайгина кулиб эшитардингиз. Бирор марта бўлсин бирор нимага шаъма қилмагансиз-а, қойи-ил! Мен эсам нуқул бўйнингизга осилиб йиғлагим келарди. Олдингиздан чиққач, йиғлаб-йиғлаб қайтардим уйга. Қўймадим-да ишқилиб! Шунга ҳам, мана, беш йил бўпти-я, қаранг! Яхшиям, эрга тегмаганим! Ҳув, ёшлигимдаёқ эр қилиб кетганимда — сизни кўрмасдим, танимасдим, даҳшат! Ўшанда роса кўп совчи келган. Келарди-ю, кейин изсиз кетарди. Сабабини менга билдирмай, аям ўтириб олиб йиғлаганлари йиғлаган эди. "Отаси йўқ экан", "Уй-жойлари юпқароқ", "Бир балоси бўлмас, шу ёшгача уйда ўтирармиди!" Бундай гапларни мен кейинроқ эшитдим. Бора-бора совчи келганда ўзим чиқиб гаплашадиган, ҳатто савдолашадиган бўлиб қолдим. Бетим қотиб кетди-да. Расво феълимни биласиз-ку. Бир-икки бор ҳайдаб ҳам юбордим совчи-повчисини. Ҳозир ҳам келиб туради баъзан. Хотини ўлган ё ажрашган, қари-қури. "Бор-э!" дейман. Аям шўрлик бўлса, "Бу кетишда Зокир жиннидан бошқаси сени хотин қилмайди!" деб ёзғирадилар. Шундай бир қўшнимиз бор, турмада ётган, савдойи. Тўғрисини айтгайми? Сизни кўргандан кейин эрга текким келмай қолган! Ўшангача дадамдан бошқа ҳеч кимни яхши кўрмаганман-да. Забаржад сўзим! Йўқ, йўқ, хаёлингизга ундай гап келмасин! — "Массажи" нозик бир эркалик билан "мижози"нинг яғринига шапатилаб қўяди. — Ҳеч нарсангиз керакмас менга! Кераклисини олдим! Энди ҳар-ҳар замонда узоқдан бир кўриб турсам ҳам майли. Майлими, айти-инг! (Яна боягидек шапати.) Очиғи, сизни яхши кўраманми ўзи, йўқми, бунисиниям билолмай қоламан гоҳида. Сиз ёши катта, баобруь бир одамсиз. Мен-чи? Ҳечам тўғри келмайди, биламан. Лекин сиздан бошқасини ўйлаёлмасам нима қилай?! (Яна шапати. Бу гал энди биқинларга, бошқа ёқларга.) Бўлди энди, туринг! Талтайиб ётишларини! Нима, мен сизнинг хотинингизманми?! Боринг, қолганини, ана, кеннойимиз қилсинлар! Туринг энди деяпман! Бу боланинг ётишини қаранг, тавба!

\* \* \*

Кечки пайт.

Забаржад ҳорғин, бўшашибгина зинапоядан чиқиб келаётир.

Иккинчи қаватдаги таниш эшикнинг занжири шикирлаб, таниш башара кўринади. Деразадан пойлаб турган шекилли.

— Қани балиқ?

— Балиқ? — дейди Забаржад паришонлик билан. — Қанақа балиқ?

— Лаққа!

— Вой-й! Эсимдан чиқибди-я, Зокир. Эртага опкеламан, эртага!

— Мен ўзингни айтяпман! Ҳозир занжир-панжирини синдириб ташлайман, кир! Турмадан ўрганиб келган шундай приёмларим борки, дод дейсан!

— До-од! — дейди шўхлиги тутиб Забаржад. — Бўлдимми?

— Бўлмади. Қармоғимни кўрсатайми сенга? — Шундай деб бу девона бежороқ бир қилиққа чоғланади.

— Қармоқ-пармоғинг бошингдан қолсин! Ҳе, жинни!

— Ким жинни? Ким жинни? Ҳе, онангни... Шал-лаб! Забаржад қочиб эшикларининг олдига чиқади.

— Шу сен айтгандақ бўлиш ҳам кўлимдан келмади, э худонинг бандаси! — дейди Забаржад ўзига ўзи ва беихтиёр пешонасини деворга тираб туриб қолади.

Ичкарида чўзиб кўнғироқ жиринглайди: пешонасини эшик ёнбошидаги тугмачага босган экан.

Эшикни аяси очади:

— Тинчликми?

Забаржад бошини баланд кўтариб тантанавор эълон қилади:

— Отпускага чиқдим!

— Порошок қани?

— Порошок... йўқ! Балиқ ҳам йўқ!

— Нима бало, мастмисан?

Ичкаридан бўғиқ, дардманд овоз эшитилади:

— Заба-ар, келдингми? Тагин қанча кутай?

— Сенга қараб ўтирибди. Мени биласан, кўлларимда жон йўқ.

— Хўп, хўп, ая. Бугун энди кеч бўпқолди-ку. Эрталаб-да.

\* \* \*

Чошгоҳ палласи.

Ваннахона. Бошқаси. Камтарин, ғариброк.

Соқол кўйган давангирдек бир йигит жом ичида энкайиб ўтирибди. Икки кўлини жомнинг икки четига тираб олган. Иштончан. Пуштиранг "футболка" билан калта лозимча кийган Забаржад ҳансираб унинг бўйнига яғринларига совун суртмоқда.

— Кўлларинг бирам юшоқ, бирам ёқимлики, Забар! — деб кўяди ногирон ука.

— Лоланики бундан ҳам яхши бўлса керак. Бармоқлари узун-узун, оппок!

— Шу қизни танимас эканман-да, а, опа?

— Кўргансан, кўргансан. Рўпарадаги "дом"дан. Эътибор бермагандирсан-да. Кунинг шөшилич сафарларда ўтарди, тақ-тақ, пақ-пақ, "Террорчи"! — дея шўхлик қилади укасига Забаржад, жўмракни баралла очаркан. — Ҳар куни сўрайди сени. Зўр қиз!

— Шунинг бир опкелмайсанми, Забар? Балки танирман ҳам.

— Аввал Москвага бориб келайлик, кейин, Суръатжон, хўпми?

— Ҳа-а, тўғри айтасан.

Ташвишманд, ғамбода Вазира опа каттакон сочиқ кўтариб киради.

— Кўлтиқларини ҳам ювдингми?

— Ҳаммаёғи чақалоқдай топ-тоза!

— дейди Забаржад сочиқни олиб укасининг бўйнига ташларкан. — Энди бир ой сувга тушмаса ҳам бўлади!

\* \* \*

Ётоқ бўлмаси. Деворда Суръатнинг ҳарбий либосдаги сурати.

Забаржад ногирон укасини кўлтиғидан кўтариб келиб тўшақка ётқизади. Худди ёш боладек бурнидан чимчилаб кўяди.

— Ана энди ётаверасан маза қилиб.

— Москвага қачон борамиз, опа?

— Куз келсин. Зўр дўхтирлар отпускадан қайтган бўлади. Ҳам салқин.

\* \* \*

Ошхона. Куйманиб юрган Вазира опа ўзича нола қилади:

— Шундай тинч замонда келиб-

келиб менинг боламга ўқ тегса-я! Мен буларни отасиз, қандоқ азоблар билан катта қилдим! — Кейин бу ёққа кирган қизидан сўрайди: — Лола, Лола дейсанлар, ким у?

— Бордир-да бирорта Лола, ким билсин, — дейди Забаржад яхна чойни банкаси билан кўтариб ичаркан. — Унингизга айтиб кўйинг, ая, эт-бетини ўзи тозаласин!

\* \* \*

Забаржаднинг хонаси. Тўрда ёзув столи, стул. Стол тақалган девор бўйлаб шифтгача осма китоб жавонлари. Бир ён деворга одмироқ гилам осилган, рўпарадагисила — ота-онанинг бахтиёр келин-куёвлик сурати.

Ёзув столининг бир бурчагида отанинг кейинроқ олинган яна бир сурати жажжи қасноққа солиб кўйилган. Хонанинг бериги қисми тикув-бичувга мосланган — чеварлик. Бурчақдаги тикроқ хонтахта устида тикув мошинаси. Унинг ён-вериди турли-туман газмолу матолар уйилиб ётибди; ҳар хил мода журналлари.

Эшикка яқин тошойна олдида бойвуччароқ бир жувон ҳозиргина қўлдан чиққан аломат либосини кийиб ўзини у ён-бу ён кўз-кўз қилмоқда. Забаржад, бўйнида ўлчов анжоми, жувоннинг атрофида гирдикапалак.

— Маъқулми? Менимча, ёмонмас. Чоклари яна бир дазмолланса, гулдек бўлади-қолади.

— Гул — сизнинг кўлингиз, Забаржадхон! — дейди







жувон уни кучоқлаб. — Эгнимдан чиқаргим келмайди-я! Ё шундоқ кетаверсаммикан?

Эшик кўнғироғи жиринглаб, бир зумдан сўнг Вазира опа бош суқади.

— Вой, муборак бўлсин! — дейди у ясама жилмайиб. — Бирам ярашганки! Забар, сени чақириб кепти.

— Ким?

— Кўшни, — деб қўяди Вазира опа совуққина.

\* \* \*

Зинапоя майдончаси.

— Ассаломалайкум, Восил амаки. Келинг.

Ўзи пачоққина бу одам одатдагидек — ширакайфроқ. Аммо бир вақтлардаги олимун зиёлигини охиригача бой бермаган. Бўйнида аллақачон урфдан қолган энсиз галстук, бошида — гижимланган бўлса ҳам шляпа. Алланечук тантанавор. Оғзи кулоғида.

— Ишинг беш, Жўрабойнинг қизи! Гаплашиб қўйдим. Кечкурун уйда кутадиган бўлди иккаламизни. Олой бозорининг орқасида дангиллама квартираси бор. Танишув, зиёфат! Усма-сурма дегандай, ҳозирлигингни кўравер.

— Қаёққа борамиз ўзи? Нега?

— Куёвқўрарга! — дейди Восил амаки астойдил ажабланиб. — Ўзинг айтувдинг-ку топинг, деб!

— Ким экан у киши?

— Роса бадавлат! Бойвучча бўлиб кетасан! Институтимизда замдиректор эди. "Жигули"сиям бор. Минасан. Дадангни танирди. "Жўрабой раҳматлининг қизи бўлса майли", деди. Шу, хотини ўлиб, бир оз яккаланиб қолган-да.

— Бўпти, борганимиз бўлсин! — деб юборди Забаржад ўзи ҳам кутмаганда. — Буям бир вариант! Ё чикка, ё пукка, нима дедингиз?

— Чикка бўлади, ишонавер, чикка! — дейди Восил амаки тамшаниб. Кейин эшик сасини эшитиб саросимада зинапоя томон йўрғалайди. — Соат иккиларда пастда кутаман!

\* \* \*

Эшикдан тўрва-халтасини кўтариб янги либосда бояги жувон чиқади.

— Узр, Забаржадхон, вақтим зикроқ эди. Пастда хўжайиннинг мошиналари пойлаб турибди. Тагин иккита заказим бор сизга. Кейинги сафар қўшнилариمنىям опкеламан. Ановини столингизнинг устига қўйдим. Раҳмат.

\* \* \*

У билан хайрлашгач, Забаржад даҳлизда алланечук тиришиброқ турган онасига дуч келади.

— Нимага кепти? Яна пул сўрабми?

— Ая! — Забаржад зарда билан хонасига киради. Кирадио столига кўз югуртириб, беихтиёр чийиллаб юборди: — Қани?!

— Олиб анови пулга қўшиб қўйдим, қизим. Москва учун, — дейди орқасидан келган Вазира опа айбдорона оҳангда. — Сенинг қўлингга тушса, дарров ҳар ёққа сочасан.

Бир лаҳза гезариб турган Забаржад шартта бурилади-да, ғаму ғурбатлардан кичрайиб, бир бурда бўлиб қолган онасини кучоқлаб олади.

— Аяжон!

\* \* \*

Абдулазиз аканинг уйи.

Каттакон меҳмонхона. Восил амаки таърифлаганидан ҳам зиёда: гиламлардан тортиб қандилгача, дивандан тортиб стол-стулларгача — ҳаммагинаси асл, ноёб, бу яқин юртларнинг мол-матоҳи эмас.

Абдулазиз ака деганимизнинг ўзи — лунжлари шишинқираганнамо, олтимши ёшлар чамали барваста киши — бир зум дастурхон бошида тиниб ўтирмайди. Ўз уйида ўзини алланечук ноқулай сезаётгандек гоҳ уни, гоҳ бунга баҳона қилиб ошхонасига чиқиб келаверади. Саранжом-сарийштали одам кўринади.

Лоф бўлса ҳам беш-ўн меҳмонга мўлжаллаб роса дид билан тузалган узун дастурхоннинг тўрида "вакил ота" — Восил амаки. Келганидан буён оғзи ҳам, қўли ҳам тингани йўқ. Коньякни ароққа қўшиб симирипти. Ўзини хўжайиндек тутуди: Абдулазиз, ул йўқми, Абдулазиз, бул йўқми.

Асли шўх-шаддод Забаржад, қўлида вино қуйилган биллур қадаҳни айлантириб, столнинг бир четида "бирам иболи-ҳаёли келинчак" мисоли қимтинибгина ўтирибди. Ёши улуғ мезбон ҳар қўзғалганида хижолат чекканидан у ҳам ўрнидан туриб кетаёзди.

— Жўрабой раҳматлининг қизиман денг, — деб гапни узоқдан бошлайди Абдулазиз ака ниҳоят. — Кўп қобилиятли одам эди дадангиз. Ҳаёт бўлганида ҳозир каттакон олим бўлиб кетарди.

— Докторлиги ҳам тайёр бўлиб қолувди-да ўзи! — дея луқма ташлайди Восил амаки навбатдаги қадаҳни симириб.

— Ўзингиз нима иш қиласиз, қизим?

— Микробиологман, — дейди Забаржад сиполик билан ерга қараб. — Лабораторияда ишлайман.

— Ҳа-а, дуруст. Илмий иш ҳам қилаётгандирсиз?

"Вакил ота" бу гал ҳам бўш келмайди:

— Эрта-индин ҳимояга тайёр турибди-ку!

— Шунақа де-енг? Муваффақият тилаймиз!

Жойида тиниб ўтиролмайдиган бу одам тагин кўзғалиб:

— Восилжон, дамлайверайми? — деб сўрайди меҳмонидан.

— Ошинг қочиб кетармиди? Ўтирибмиз-да!

Забаржадга хижолатомуз жилмайиб қўйиб, Абдулазиз ака ошхонаси томон чиқади.

— Қачон келади энди? — деб сўрайди Забаржад Восил амакидан.

— Ким?

— Айтган одамингиз.

— Мана шу-да! — дейди санчқи уриб тарвуздан газак қилаётган Восил амаки. — Ўзи яхши бола аммо, кўряпсан-ку!

— Вой, ростданми? — дея беихтиёр хандон отиб юборди Забаржад, бояги сиполигидан асар ҳам қолмай. — Зўр-у!

Кайфи ошиб қолган Восил амаки ёнбошига ташлаб, фитначимонанд пичирлайди:

— Кўнаверсанг-чи, лодон қиз! Икки ўгли ҳовлижой қилиб кетган. Ўзини кўриб турибсан — бир грамм ҳам ичолмайди! Жигари чатоқ. Ҳаммаси ўзингга қолади!

Шу маҳал даҳлизда тапир-тупуру гўнғир-гўнғир эшитилиб, хонага ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги қадди-қоматли, бойваччасифат бир йигит кириб келади.

— Ия, Восил амакимиз-ку! Ассаломайкум, — дея келиб у билан қўшқўллаб кўришади. Сўнгра Забаржад томон ўтирилади-да, кўз узолмай қолади. Ўзи амаки билан ҳол-аҳвол сўрашаёттир-у, нигоҳи қизда. Суқланиб тикилгани тикилган.

— Жўрабойнинг қизи, — дейди таништириб Восил амаки. — Мен олиб келдим. Меҳмонга. Аданг учаламиз ўртоқ эдик. Сен эслаёлмасанг керак, Зафар, ёш бола эдинг унда.

— Аданги кўндириб берсангиз-чи, Восил амаки, — дея Зафар шартта муддаосига кўчади. — Ҳовлига опкетмоқчиман. Оёқ тираб туриб олганлар: ўламан, саттор — ҳеч қаёққа бормайман! Битта ўзлари, кекса одам, нима қиладилар бу ерда, ўзингиз айтинг!

— Адангинг ўрнида бўлганимда мен ҳам шундай дердим. Ўз уйим — ўлан-тўшагим. Бунча мол-мулкни ташлаб қаёққа кетсин?!

— Буними? Сотамиз ё ижарага кўямиз, вассалом!

— Менга қара, Зафарбек, — дейди алжираброқ қолган Восил амаки ўзича насиҳатга тушиб, — ёш бошингга ғалва орттириб нима фойда сенга?! Бунинг турган-битгани дардисар-ку! Айшингни суриб ўзинг яшайвермайсанми ҳовлида! Ке, яхшиси, мен билан миллиграммдан қилсанг-чи, лодон!

— Мошинадаман, — дейди Зафар ҳафсаласи пир бўлиб, совуққина.

Бехосдан Восил амакининг жини кўзиб кетади:

— Ич деса ичмасанг, бир гапга унамасанг, мошинадаман деб осмондан келсанг — тур, кет! Нима қилсан катталарнинг ишига аралашиб?!

— Ие, ие! — деб қаҳр билан ўрнидан туради Зафар. Анови суқсурдан кўнгил узолмай базўр эшик сари юраркан, лаган кўтарган отасига дуч келади.

— Ҳи? Ошга ўтирмайсанми? — дейди бўлган гапдан беҳабар Абдулазиз ака.

— Ошингизни анови одам есин! Мен кетдим!

Эшик тарақлаб ёпилгани эшитилади.

\* \* \*

Зинапоя майдончаси. Восил амаки панжарага осилиб аранг тушиб борапти.

Абдулазиз ака Забаржаднинг елкасига кафтини кўйган, хижолатомуз узроҳлик қилади:

— Кўнглингизга келмасин, қизим. Восилжоннинг одатини билсангиз керак. Ҳафта— ўн кунда бирров келиб эшик-деразамнинг чангини артиб кетадиган одам бўлсамиди, дегандай гап қилувдим, холос. Эрталаб кўнғироқ қилди, йўқ деёлмадим. Майли, баҳонада мана танишиб олдик. Лозим топсангиз, келиб туринг. Аянгизни ҳам олиб келинг. Эшигим очиқ сизларга. У кишига мендан салом айтиб кўясиз, хўпми? Дуо қиламан — муносибингиз учрасин!

\* \* \*

Забаржад Восил амакини трамвайдан зўрга ортмоқлаб тушади.

Бекатдан жилаётган трамвай ойнасидан йўловчилар уларга таажжуб билан қараб кўяди.

Мана, улар йўлка бўйлаб узун-қисқа бўлиб келишаётир. Восил амакининг тиззалари майишиб-майишиб кетади, Забаржад унинг қўлтиғига кириб олган.

Ҳовлиларига яқинлашганда Восил амаки бир силтаниб қизнинг ҳимоясидан чиқади.

— Ичгингиз келганда айтарсиз, Восил амаки, — дейди Забаржад мутлақо гина-кудуратсиз, самимий жилмайиб. — Яна борамиз. Яхши киши эканлар.

— Қизим! Қизим! — дея кўзи ёшга тўлиб ҳиқилламоққа тушади Восил амаки. Қўлларини кўксига чалиштирган, эгила-эгила таъзим қила бошлайди. — Сени қизимдан ҳам ортиқ кўраман, ишон! Болалигингда мана шу ҳовлида ўзим кўтариб юрардим сени. Ў-ў, қандоқ даврлар эди! Ҳамма ёш, ҳамма хурсанд! Энди-чи? Ҳе-еч ким йўқ! Биргина Зокир! Зокирни биласан ўзинг... Уф-ф! Даданг қандай йигит эди-я! Жўравой эмас, мировой эди у, мировой!

Восил амаки шартта бурилади-да, той-той қилаётган бола мисоли тап-тап босиб шийпончаси томон юради.

Забаржад сўмқачасини кифтига ташлаб уй йўлагига кириб кетади.

\* \* \*

Деразада Зокирнинг телба қиёфаси намоён бўлади.

— Ҳаҳ, шал-лаб! Отанг тенги одам билан падрушка қилиб юрасан-у, менга балиқ опкелмайсан! Лаққасидан бўлсин менга, лаққасидан!

\* \* \*

Забаржад нимқоронғи даҳлизда туфлисини ечиб, одатланганидек, девордаги ойнага назар ташлайди: алвастига ўхшаган бир бало!

Ошхона тарафдан Вазира опанинг овози эшитилади:

— Забар, ўзингми? Аммажонингдан хат келди!

Забаржад шоша-пиша ошхонага киради.

— Нима дебдилар? Қани?

Вазира опа халати чўнтагидан олиб берган мактубни у деразага тутиб ўқий бошлайди:

— Ёзувининг чиройлигини! Нуқта-вергуллари ҳам жой-жойида. Адолат келин ёзган. Мактабда аълочи бўлган-да. Қани, нима гап экан? Унга салом, бунга салом. Фалончи ҳам қолмасин, салом, салом. "Азбаройи жигарғушалик, раҳматли инигинамнинг арвоҳини кўриқлаб шунча йилдан бери чорбоғида унинг чиройини ёқиб ўтирибман. Энди бас, чарчадим, бу ёғи қариб ҳам қолдим. Файзибой мени туманга кўчириб кетмоқчи. Келиб мулкларингга энди ўзларинг эгалик қилинглар".

Кўшни бўлмадан ногирон Суръатнинг товуши келади:

— Забар, бугун ҳам кўрдингми? Нима деди?

— Ҳовли тарафга ўтганим йўқ бугун. Эрта-перта кўрарман, — деб жавоб қилади Забаржад паришонлик билан. Сўнг тепасида турган Вазира опага юзланади: — Хўш, аяжон, бориб мулкимизга эгалик қиламизми? Оиламизнинг тўнғичи Шўҳратбекингиз нима дерканлар бунга?

— Боя кўнғироқ қилувдим. "Шу кунда роса ишим кўп, чиқолмайман. Забаржад бориб сотиб келақолсин", деяпти. Бизнесига кўшмоқчи шекилли.

Бети қотиб кетган шаддод қариқиз бирдан аччиқланиб, беҳаёлик билан муштани чучвара қилади:

— Мана! Дадагинамдан қолган мулкни-я?! Бизнес баҳона, Шоирахонининг бўйнига яна бир тилла занжир осмоқчидир-да! Бекоргинанинг бештасини ебди! Сотсак сотармиз, лекин у эркатойингизга бир тийин ҳам йўқ! Москвага қанча пул кетади, биласизми?! Эртагаёқ жўнаймиз, хўпми, ая?

— Ёсинг жойидами ўзи? Суръатни кимга ташлаб кетасан? — Ногаҳон лаблари гезариб, Вазира опа жазавага тушади: — Билсанг, ўша ташландиқ мазористонингга қадам ҳам босгим йўқ! Бордим дегунча, эски дардим янгилашиб, яна мотамага ботаман! Сен бор, сен бор! Сен қотил бор! Даданг сени деб, сенинг ўрнингга!.. Даданг чўжкунча сен чўкиб ўлсанг бўлмасмиди ўшанда! Бадбахт! Шумоёқ! Адо қилдинг мени, шарманда!

Вазира опа увиллаганча ошхонадан чиқиб кетади.

— Ая! Ая! Нима бўлди сизга?! — дея чинқиради Забаржад юзини чангаллаб.

Ҳаял ўтмай кўшни хонадан Вазира опанинг таҳликали чорлови эшитилади:

— Забаржа-ад! Буни қара!

Забаржад чопиб чиқса — Суръат, ногирон укаси, ҳеч нима бўлмагандек, деразага осилиб турибди!

— Вой! Нима қиляпсан, жинни?!

— Ўзим, — дея аянчли илжади Суръат.

— Қандай бординг у ерга?

— Оёғим сал қимирлагандек бўлди. Ҳовлига бир қарамоқчи эдим.

— Вой, худойим-эй! Вой, тавба-а! — дейди суюнишини ҳам, куюнишини ҳам билолмай қолган шўрлик Вазира опа ёқасини чангаллаб.

Кейин хангу манг она-бола бу бебош ногиронни суяб келиб ўрнига ётқизадилар.

\* \* \*

Автовокзал. Телефон будкаси. Бўғиқ шовқин ичида Забаржад эркалик аралаш бир зарда билан гапирмоқда:



— Ҳа, кетаётувдим. Қишлоққа. Аммамниқига. Сизни бир кўрай девдим-да. Ўзим, шундай. Нима-а? Иложи йўқ? Узоқдамисиз? Қаерда, қаерда? Доим шундай! Бўпти, энди телефон қилмайман! Ҳеч қачон! Мени энди қайтиб кўрмайсиз, ҳа! Забаржад сўзим! Ўша ёқда ўзимни Қизилсойга ташлаб, чўкиб кетаман! Аям шундай деб қаргадилар мени. Тўғри-да, бундай сарсон бўлиб юргандан кўра чўкиб ўлганим афзал! Сиз билмайсиз менинг ҳаётимни! Нима-а? Баландроқ гапиринг!

\* \* \*

Шаҳар ташқарисидаги далаҳовли. Чошгоҳ пайти. Каттакон ўрик соясидаги чорпоёда тотув оила аҳли хушвақтлик билан чойхўрлик қилиб ўтирибди.

Хонадон эгаси — бизга таниш ўртаяшар одам, қўл телефонини қулоғига маҳкам босган, тош йўлка бўйлаб дарактзор боғ томон кетмоқда.

Бу гал ҳам у бизга орқа ўтирган. Бу гал ҳам биз у кишининг юзини кўролмаймиз.

\* \* \*

Бояги телефон будкаси.

— Ҳар ёз дам олгани борардик. Чорбоқ ўзимизники эди-да, бувамдан қолган. Роса маза қилардик: олма, ўрик, узум дейсизми! Чорбоғимизнинг этагидан Қизилсой деган тезоқар бир анҳор ўтган. Бир куни ўшанинг бўйида ўйнаб юриб, нимадир бўладию думалаб кетиб, сувга чўка бошлабман. Буни қарангки, худди шу маҳал дадам сой ёқалаб ошхўрлик зиёфатидан қайтаётган эканлар. Шартта сувга ташлаб, мени қирғоққа отиб юборибдилар-у, ўзлари чўкиб кетибдилар. Аммамнинг айтишларича, сузишга роса уста эканлар. Лекин ўшанда нима ҳодиса юз бергани номаълум. Шундай қилиб, отасиз бир етимчага айланиб қолганмиз, дўстим! Энди билгандирсиз менинг кимлигимни?! Ана шундай касофат, шумқадан қиз бу! Балки шунинг учун толей келмай, шўрпешона бўлиб юргандир? Ўзингиз ўйланг, отасига қотил бўлган ана шундай бир бадбахтнинг бу дунёда тирик юришга ҳаққи борми?! Йўқ! Йўқ!.. Ўлсам, мени эслаб-эслаб кўярсиз-а? Айти-инг!

Худкушликни хоҳлаётган қизнинг кейинги гапларини йўлга чоғланаётган автобусларнинг шовқин-сурони босиб кетади.

\* \* \*

Ҳалиги киши боғнинг хилват бир бурчагига бориб, тўнкага ўтиради. Чека бошлайди. Боши ҳам. Юзини яна кўриб бўлмайди.

\* \* \*

Туман марказидаги гавжумроқ бекатда орқа ўриндиқни эгаллаб келган икки бозорчи аёлни қолдириб, чанг босганидан тусини аниқлаб бўлмайдиган "Тико" пилдирабгина ўрнидан кўзгалади.

— Кетдикми, Забаржад опа? — дейди нимдош олачипор ҳарбий либос кийган ҳайдовчи йигит — Азамат. — Бунингиз иссиқда эриб қолмайдимми?

— Эриса эрир, — деб қўяди Забаржад тиззасидаги баркашдек келадиган тортга эринчоқлик билан назар ташлаб. — Таъми қолади-ку. Аммам яхши кўрадилар.

— Катталигини! Бутун Қизиллолмага етади-ёв!

Мошина сал юргач, йўл бўйидаги "Қизиллолма" деб ёзилган фариб, омонат тахтачадан сўлга бурилиб, тепалик томон ўрлайди.

Олисдан кўкиш-қорамтир тоғ тизмалари кўринади. Таниш манзаралар.

Товуши пастлагиб қўйилган магнитофондан ҳофиз нола қилаётгир:

### Тушимда кўрса-ам эди-и-и...

— Ҳар куни қатнайсанми шаҳарга?  
— Икки мартадан. Баъзан уч марта.  
— Намунча?  
— Мошинани сал туртиб қўйиб, қарздор бўлиб қолганман, Забаржад опа!

— Ия, ўзингники эмасми бу?  
— Қаёқда! Ижарага олганман, ижарага!  
— Эгаси ким? Нима иш қилади хўжайининг?  
— Хўжайин — хўжайин-да! Мана шундай тўртта "Тико"си, икки "Дамас"и эртаю кеч шаҳарга қатнаб турибди — ишлаб нима зарил унга?!

— Қишлоқда қўшни эканмиз, Азаматжон, сўрайверсам бўлар — уйланганмисан?

— Қаёқда! Шу йил бўлмоқчи эди тўй. Янаги йилга қолади энди. Тўнғичман. Дадамиз камхаржроқ одам. Жамила кутади, йўқми — бу ёғиям ишқал. Отаси директор-да.

— Кутади! Яхши қиз бўлса — кутади. Кутмаса...  
— Тўйга айтсам келасизми, Забаржад опа?  
— Чорбоғни сотмасам, келарман балки, — деб қўяди Забаржад хаёлчан.

— Қайси чорбоғни? Нега сотасиз? Мулк-ку у! — дейди ажабланиб Азамат. — "Эр киши ер сотмас, ер сотган — эр саналмас", дейдилар дадам.

— Даданг тўғри айтибдилар. Лекин мен эр эмасман-ку, Азамат?

— Эр бўлмасангиз ҳам, эркакка ўхшайсиз! — дейди Азамат ийманиброқ.

"Тико" навбатдаги дўнгликдан ошиб бир шўнғийдию сердарахт қишлоқча оралаб кетади ва сой бўйида жойлашган ҳовлилардан бирининг дарвозаси олдига келиб тўхтади.

Азамат чаққонлик билан тушиб, машинанинг орқасидаги иккита катта-катта тўрвани олиб ерга қўяди.

— Қачон қайтмоқчисиз, Забаржад опа? — деб сўрайди кейин. — Қачон десангиз, мана, мошина тайёр!

— Ҳозирча ўзим ҳам билмайман, Азаматжон, — дейди Забаржад сўмқачасидан пул чиқариб узатаркан.

Азамат бир қалқиб, орқага тисарилади.

— Уриб ўлдирсангиз ҳам сиздан пул олган — номард!  
— Вой, нега?

— Тўйимга келиб ўйнаб берасиз! — дейди Азамат савдога чек қўйиб. — Бизникида ҳам меҳмон бўлинг, Забаржад опа. Ана, тол тагидаги кўк дарвоза!

— Раҳмат, Азаматжон. Жамиланга салом!

\* \* \*

Мастура амма истиқомат қиладиган чорбоғ.

Дарвозадан кирганда — эскичароқ андозада, аммо пишиқ-пухта қурилган ихчамгина уй-жой. Иморотга туташ ишқомдан нарёғи озроқ резаворлигун қолгани — сой бўйигача ўрмонга ўхшаш қуюқ дарактзор.

Боғ бирмунча қаровсиз, ёввойироқ. Балки шуниси маъқулдир — эски хотираларни ёдга солади. Дарвоқе, бундай каттакон жойни эплаб туриш ҳам осон эмас.

Ишқом остидаги сўрида шу яқин атроф жамоати жам деса бўлар. Ўринойнинг ташрифини эшитиб, уни кўргани келган қўшни келин-кепчагу бола-бақра — бари шу ерда. Барининг оғзида — Ўриной: Ўриной кептилар, Ўриной опкептилар, Ўриной опам бердилар, айтдилар, куддилар...

Ўринойнинг ўзи тўрда — муштдеккина бўлиб қолган, бироқ ҳамон тетик-бардам, кўзлари тийрак боқувчи аймажонининг пинжиги суқилиб, эркаланиб ўтирибди. Амма ҳам жувон дегулик бу кап-катта қизни худди тантик қизалоқдек тинмай ялаб-юлқайди, силаб-сийпайди:

— Инигинамдан қолган ёдгорим! Укагинамнинг

ўрнига — Ҷринойим! Ҳаҳ, амманг кўзларингдан! Ҳаҳ, амманг қошларингдан!

Кўшни хотин-халаж бир-бирига меҳрибон бу амма-жиянга, аниқроғи, шаҳардан келган жиянга ҳавас билан термилади.

Жайдари мева-чевага тўла дастурхоннинг ўртасидаги баркашдек торт, четлари "емирилавериб", ликобчадек бўлиб қолган. Бола-бақранинг оғиз-бурни, дасту панжаси шира-шарбат.

Боягина хонаки кийимда ичкари кириб кетган Адолат келин бир маҳал қимтиниброқ, лекин шаҳарбоп аломат либосда чиқиб келади. Энди ҳамманинг эътибори ўша ёқда. Қўйиб берсангиз — сўридаги ҳар бир қиз-жувон шу тобда Адолат келиннинг ўрнида бўлиб қолса!

— Вой, мунча чиройли!

— Ярашганини қаранг-а!

— Худди анови телевизорда кўрсатадиган артист аёлга ўхшадилар-қолдилар!

Мастура кампир ҳам кафтини пешонасига тутиб ўша ёққа тикилади.

— Ҳа-а, ўхшабди. Бу кишиям шаҳарлик бўлмоқчи ўзи!

— Аммажон, — дейди Ҷриной — Забаржад унинг қулоғига пичирлаб, — сўмкамда кўп бунақаси! Мана буларгаям берсак, хафа бўлишмасмикан? Бир-икки мартагина кийилган, холос.

— Нимага хафа бўлар экан, айланай? Жон дейди! Кўзига суртиб-суртиб кияди-я! — Амма уни тагин таърифлашу алқашга тушиб кетади: — Ҳаммасини ўзгинаси тиккан! Ҳаҳ, чевар жиянимдан! Аммасига меҳрибон жиянимдан! Бир қўлгинаси доим шу ёқда! Топган-туганини юбориб туради. Ана, дадагинасининг қабриниям шу қиз обод қилиб қўйибди! Ҳаҳ, бўйларингдан амманг!

— Бўлди, томоша тамом! Кир уйга!

Бу овозни эшитиб, "кўрғазмада турган манекен" — Адолат келин зипиллаб ичкарига уриб кетади.

Эркак кишининг нафасидан ҳуркиб қўшни хотин-халаж ҳам аста кўзгала бошлайди.

Елкасида кетмон, девдек қариб боғ тарафдан чиқиб келган Фозилбой онасининг қаршисида тўхтайди:

— Эна, бу булоқ деганингиз мени сарсон қиладиган! Вақирлаб қайнагани қайнаган-а! Ахийри, сой томонга буриб юбордимиз кўнглим жойига тушгандай бўлди. — Сўнгра Забаржадга юзланиб: — Жажад, — дейди, — чорбоғингдан сув чиққан, эшитгандирсан? Булоқ! Шифобахш!

Мастура кампир ўглининг оғзига ёпишади:

— Ҳой бола, бу нима деганинг? Бу қизнинг аммаси атаган ойдаи оти бор — Ҷриной!

— Қўяверинг, аммажон. Болаликдан мени шундай деб ўрганган. Исминни эплаб айтолмайди-да. Мен ҳам бунингизни "қишлоқи", "Қўполбек" дейман-ку, кўнглига олмайди сира. Ҷзиям ҳар гапида "биз энди бир қишлоқи-да" дегани деган.

— Болалигинг хув сойнинг бўйида қолиб кетган, болам! Энди айб бўлади.

Бу дашномни эшитмагандек, Фозилбой "Жадад, Жадад" дея эрмак қилганча уйи томон юради.

— Ҷзимиз қолдик, энди сўрасам бўлар, — дейди Мастура кампир овозини пасайтириб. — Укагинанг Суръатбек оёққа туриб кетдими? Нима қилган ўзи унга?

— Э, операция пайти ўқни олаётганда бир томирига тегиб кетганми... Кузда Москвага олиб бормоқчиман.

— Умргинангдан барака топ, қизим! Отагиналаринг йўқ, бир-бирларингга ана шундай меҳрибон бўлинглар доим.

— Аммажон, борақолайлик, — дейди Забаржад безовта бўлиб.

— Энди кеч бўлдими дейман-да, қизим.

— Йўқ! Йўқ! — дея тажанглик билан оёқ тираб олади Забаржад. — Ҳозир боргим келяпти! Соғинибман. Ана, шундоқ сойнинг нарёғида-ку. Икки қадамгина!

— Мен бир таҳорат қилай бўлмаса, — дейди Мастура кампир малолли кўзгалиб. — Сен ҳам туриб юз-қўлингни чайиб ол, қизим.

\* \* \*

Қабристон.

Ободгина бир қабрнинг бошида амма-жиян шумшайбигина ўтирибди. Забаржаднинг эғнида Адолат келиннинг ҳалпиллаган одми кўйлаги, бошида рўмол. Мастура кампир пичирлаб оят ўқимоқда.

У дуога қўл очганида Забаржад худди ногаҳон ҳушдан кетгандек гуп этиб қабрнинг устига ўзини ташлайди-да, фарёд чекиб юборади:

— Дада! Дадажоним! Нега бизни ташлаб кетдингиз, нега? Қўйинг эди, мен чўкиб кетай эди ўшанда! Мен ўлиб кетай эди! Бирга чўксак ҳам майли эди! Бирга ўлсак ҳам майли эди! Жонингизга зомин бўлиб, сизга бадал қолиб мен нима қилдим бу дунёда, дадажон?! Шунча йилдан бери бу касофатингизни нега ер ютмайди, дада?! Дадажо-он!

Ўзини йўқотиб қўйган Мастура кампир саросимада жиянининг бошига келиб, елкасидан торта-торта уни ўрнидан кўзгатмоқчи бўлади. Аммо мадори етмай, ёнбошига чўккалай тушади.

Ажабо, ҳар қандай одамни эзиб юборадиган бу фиғону нолалардан кейин ҳам унинг дийдаси қуп-қуруқ — ёш қолмаган-да!

— Ҳой, жинни бўлдингми, Ҷрин? Эсингни йиғиб ол, болам! Шунча йил ўтиб ҳалиям кўнглингдаги доғ аримаган экан-а, тавба-а! Дадагинангнинг арвоҳини безовта қилма, қизим. Сен норасиданинг бирор гуноҳинг бўлса, арвоҳ кечиргандир энди. Бу дунёда кимни қолдириб, кимни олиб кетиш — худойимнинг измида. Мана, мен бир шумкампир, юрибман-ку тирик! Инигинамнинг бўлса, суяклари қора тупроққа қоришиб ётибди!..

Мастура кампир ногаҳон бир қалқиб, жиянининг устига таппа тушадио ув тортиб юборади.

\* \* \*

Ҳовли. Оқшом. Аълочи келин ҳаммаёқни супуриб-сидириб, чиннидек қилиб қўйган; ўзи ҳозир ўчоқбошида куйманиб юрибди. Фозилбой негадир кўринмайди.

Забаржад сўрида — расмонасига ўрин-тўшак қилиб ётибди. Бошини танғиб олган. Тепасида ўтирган Мастура кампир ичида алланималарни пичирлаб, қўлидаги косадан унинг юзига сув сепади.

— Кўз текканми ё биров-яримнинг суқи кирганми, учиниброқ қолибсан-да, болам. Ҳечқиси йўқ, ўзи келган — ўзи кетади. Ма, қолганини ичиб юбор. Ич! Ҷзингнинг булоғингдан! Эрталаб, худо хоҳласа, отдай бўлиб турасан! Зора, йўлларинг ҳам очилиб кетса!..

\* \* \*

Чошгоҳ. Чет-четига райҳону жамбил экилган гулзор бўйида курси қўйиб, амма-жиян гурунглашиб ўтирибди.

— Кеча ўтакамни ёрдинг-а, қизим! Худога шукр, бугун чехранг равшан. Рангинг бир тиниқ, бир тиниққи! — Мастура кампир Забаржаднинг яноқларини силаб қўяди. — Сувнинг иши бу. Бир хосияти борми дейман, униси-буниси келиб хуму кўзасини тўлдириб кетяпти — билмасам. Ичса, одамнинг дили ёришиб, ўзини бардам сезармиш. Яшарганга ҳам ўхшаб қолармиш. Бўлса бордир — азиз-авлиёлар ўтган жойлар! Ҷзим лекин татиб бўлганим йўқ. — Амма секин уҳ тортиб, ҳафсаласиз қўл кўлтайди: — Энди буни ичдим нимаю ичмадим нима — бу ёғи яқин қолган бўлса!



— Аммажон, шу кеча бирам маза қилиб ухлабманки! Ўз-ўзидан хурса-анд бўлиб турдим эрталаб. Хув болалик вақтларимдагина шундай бўларди.

— Томирингга яқин турибсан-да, болам. Суякларинг жой-жойига тушиб, хотиржам ухлагансан. Мана, йўқлаб келдинг, бориб зиёрат қилдинг — дадагинангнинг руҳи шод бўлган чиқар.

— Амма, эсингиздами, тўпланишиб келардиг-а: дадам, аям, Шуҳрат, мен. Бир сафар келганимизда, баҳормиди, ўриқлар гуллаб, ҳаммаёқ чаман бўлиб ётган экан. Анови айвонда кўп одам йиғилган. Ҳамма хурсанд. Гулдор дўппи, беқасам чопонча кийган Шуҳрат додлаб боққа қараб қочган. Хатна тўйи бўлса керак-да... Аммажон, доим қалампирмуноқ ҳиди келарди сиздан. Шундоқ яхши кўрардим шу ҳидни!

— Ҳаммагинаси эсида турибди-я!

— Йўқ, амма, ҳаммаси эмас! — дейди Забаржад бирдан маҳзун тортиб. — Анови кунни эслаёлмайман. Ҳарчанд уринмайин — сира-сира эсимда йўқ. Фақат сиз айтган гаплар ёдимда қолган. Хув анови жойда, олманинг тагида лойсупамиз бўларди. Ўша ерда нима учундир йиғлаб ўтирганимда айтгансиз: "Энди Қизилсойга яқин борсанг, ўлдираман, жувонмарг! Даданг сени қидириб кетиб, мана, ҳалиям қайтгани йўқ". Кеча бир туш кўрибман, аммажон. Ҳалиям туш. Дадам ўшанда ўлмай қолган эмишлар. Иккаламиз ҳам чўкишга чўкибмиз-у, бир киши бизни қутқариб қолибди. Учаламиз қирғоқда турганимиз. Бундай қарасам, дадам билан ҳалиги киши бир одамга айланиб қолибди... Мен ўша одамни биланман, амма.

— Ким экан у?

— Сиз танимайсиз. Тошкентда у.

— Ҳе, туш-да, қизим, туш.

— Ажойиб туш, — деб кўяди Забаржад ўйчан.

Кечаги шаҳарбоп либосни эгнига илиб қаёққадир отланган Адолат келин уларнинг олдига келади.

— Нимани кийсангиз ҳам сизга ярашади-я, опа! — дейди у Забаржаднинг эгнидаги ўзининг одми кўйлагига ҳавас билан қараб. — Эна, мен ота-оналар мажлисига кетдим. Ўглингиз келсалар, овқат ана, қозонда.

— Ҳай, бор, бор, — дейди Мастура кампир энсаси қотиб, тиззаларини чангаллаганча ўрнидан кўзгаларкан. — Мен ҳам кириб бирпас бошимни қўй, Уриной. Кеча сенга алағда бўлиб, уйқум қочган эди. Ётсам, пешин намозигача ётарман. Сен ҳам туриб чорбоғингни бир айланиб кел, қизим. Бориб анови булоқни кўр. Биласан-а қаердалигини?

— Тоғиб оларман, — дейди Забаржад жойидан туриб.

— Шифобахш экан-ку! Бирдан яшариб кетсам-а!

— Бундан ортиқ яшариб қайга борардинг, болам?!

\* \* \*

Чорбоғнинг хилват бир бурчагидаги кекса ўрик тагида кўз очган чашма. Гирдига доирасимон шаклда бир текис қилиб кулранг тош терилган. Бир четгинасидан ариқча очилиб, этак томонга буриб юборилган. Теварак-атрофи нам.

Булоқ бўйидаги тўнқадан ясалган қўлбола курсида ўтирган Забаржад, кафтига ияк тираб, хаёлчан нигоҳини сувдан узмайди.

Зилол сув остидаги майда тошчалар орасидан сизиб чиққан тутунсимон нимадир юзада аввал пуфакчалар ҳосил қилиб айланади. Сўнгра бу ҳол тезлашиб, вижир-вижир мавж пайдо бўлади. Бир маҳал қарасангиз — атрофга зарра сочиб, расмонасига вақир-вукур қайнай бошлайди.

Бу ҳолат ҳар ўн-ўн беш дақиқа орасида такрорланиб туради. Забаржад шу манзарага термилиб ўтираркан, чашма сатҳи тинчиб, сув тиниққанда кўз ўнгида таниш бир қиёфа намоён бўлади. "Дўстим"!

Бир вақт бўйнига оғир бир нима текканини сезиб,

у сапчиб тушади. Қараса — ишшайиб орқасида Фозилбой турибди, шунинг кетмондек кафти экан.

— Ия, одамни кўрқитиб юбординг-ку, Кўполбек!

— Биз энди бир қишлоқи-да, Жадад, падхўдди билмаймиз. Ҳа, булогингни томоша қиляпсанми? Зўр булоқ бу!

— Ёшбулоқ де! Ичган одам яшарармиш-ку!

— Нима, сен қариб қопсанми?! Қариган деб, ана, Адолни айтса бўлар. Ҳозирданоқ афтига қарагинг келмайди — ҳаммаёғи бужмайган. Бўлмаса, сендан тўрт-беш ёшлар кичик у!

— Кўйсанг-чи! Хотининг биппа-бинойи! Сен билан яшасам эди, мен ундан бешбаттар бўлардим. Кўпол! Қишлоқи!

— Жада-ад, — дейди Фозилбой кутилмаганда кўзлари ғалати йилтиллаб, — бир нарса сўрасам майлими? Бир мартагина ўпгир, Жадад!

— Ия, бу нима деганинг, Кўполбек? — дейди қиқирлаб Забаржад. Кейин шўхлиги келиб, чаккасини тутди: — Ма, ўп!

Фозилбойнинг тус-авзойи ўзгаради:

— Бор-э, ёш бола бўлдимми мен сенга?!

— Ёш боланинг гапини қиляпсан-да ўзинг!

— Нима, бирор жойинг камайиб қолармиди? Шаҳарлик-ку сен!

— Вой-вой, бунинг гапини қара-анг! Энди билдим: сен қишлоқи эмас, қип-қизил тўпори экансан! Ундан ҳам баттари — ёввойи!

— Бўлди, бўлди, Жадад! Шаҳарлик экан деб, нима, ҳазиллашиб ҳам бўлмайди сенларга?! — Фозилбой кейин бирдан паст тушиб ўтинади: — Амманга гуллаб юрмагин тагин! Шунчаки бир ҳавасим кепкетди-да сенга...

— Ҳўп, хўп. Айтмайман ҳеч кимга. Туманга кўчмоқчи эмишсан, ростми? — деб сўрайди Забаржад мавзунни ўзгартириш мақсадида.

— Ҳа, шундай ният бор. Бир-икки йил у ерда яшаб, кейин Тошкентга, Самарқандга кетаман кўчиб!

— Воҳ, воҳ, сизга кўзи учиб турган экан-да шаҳарнинг!

— Ўзинг биласан-ку, Жадад, ҳозир ҳамма нарса шаҳарда — пул ҳам, бошқасиям!

— Бошқаси — нима у? — дейди шаддоқ Забаржад бу дўлвор аммаваччасини тагин калака қилмоқчидек.

— Э, бор-э! Сен ўзи азалдан шундай — устимдан кулганинг кулган! Биз энди бир қишлоқи-да.

— Сен кетсанг, ким қолади бу ерда? Қишлоқ яхшимасми, Фозил?

— Сен қол! Қол! Ҳамманг "қишлоқ, қишлоқ" деб оҳ-воҳ қиласан-у, шаҳарга қочасан! Қишлоқда фақат Фозилбой яшасинми?!

\* \* \*

Аммаваччалар ёнма-ён, дарахтзор оралаб келяпти. — Сиз ҳам бир ажаб ҳазил қилдингиз-да боя, Фозилбой? — дейди кулиб Забаржад.

— Йўқ, Забаржад, — дейди Фозил таққа тўхтаб, қизга тик қарайди, — ҳазил эмас эди!

— Бор-э! — дея кўлидаги бутоқни силкиб пўписа қилади Забаржад.

Фозил шартта буриладию айиқдек лапанглаб уй томон кетади.

Ҳалиги бутоғини кўндаланг тишлаб Забаржад унинг ортидан қараб қолади.

\* \* \*

"Тико" қишлоқ оралаб ўтиб, дўнгликка ўрлайди. Забаржад шаҳарга қайтаётир. Тиззасида каттакон бир шиша идиш.

— Нима бу, Забаржад опа? — деб сўрайди Азамат. — Сувми?

— Сув.  
 — Шундан ўша ёққа сув кўтариб борасизми?!  
 Қишлоқнинг суви бошқача-да, а?  
 — Йўқ, булоқ суви бу. Чорбоғимиздаги булоқдан. Таркибини текширтиргани опкетяпман. Бирор натижа чиқиб қолса, кейин балки...  
 — Дейлик, чиқиб қолгудек бўлса-чи? Нима қиласиз?  
 — Унда сен билан маслаҳатлашиб бирор қарорга келармиз-да, Азаматжон, — дейди хаёлчан жилмайиб Забаржад.  
 — Айтмоқчи, тунов куни Жамила сизни кўрибди. Дўкончанинг олдида турган экансиз. Танишлигимизни айтсам, қани ишонса!  
 — Тўйдан гапир, Азамат!  
 — Бўлади! Келгуси йил. Сиз ваъдангизни унутмасангиз — ба!  
 Бу сафар ҳам магнитофондан нола қилади ҳофиз:  
 Тушимда кўрса-ам эди-и-и...

\* \* \*

Таниш чароғон ваннахона. Эшиги ланг очик. Шовиллаб жомга сув тушаётир. Жомни номахрам кўздан тўсиб турган хира-шаффоф "чимилдик" ортида эса, сув остида чарх уриб бир малак чўмилаётир. Парда ортидан унинг фақат мафтункор қадди-қомати кўринади, холос! Гоҳо сув билан шодон қийқириб ўйнашгани, бир нималар деб арзи ҳол қилганлари эшитилади, холос!  
 Ул малакнинг бор ҳусну малоҳатидан баҳраманд бўлиш, ажабки, жом деворидан боқиб турган анови ишвакор жононга насиб этган! Малак у ёнга қайрилса ҳам кўз қисади, бу ёнга қайрилса ҳам кўз қисади. Нима демоқчи бу фитнакор?

— Ҳа, ҳавасинг келяптими? Қуйиб ўл!  
 Ваннахонанинг эшиги мўъжазгина ойнабанд айвончага рўбарў. Айвонча эшиги ҳам ланг очик. У ерда бизга чала таниш (юз-кўзини кўрмаганмиз-да ҳали), сочига оқ оралаган ўрташар киши деразага қараб чекиб турибди. Ваннахонадан келаётган узук-юлуқ сас-садоларга, нолаю адоларга диққат билан қулоқ тутган.  
 — Эндими? Бизнес қиламан. "Шифобахш сув бекаси"! "Париси" деса нокамтаринлик бўлар-а, тўғрими? Майли, майли. Бир врач йигит билан келишиб кўйдим. Йўқ, асли ўша ерлик. Хусусий профилакторий очаман. "Ёшбулоқ" дам олиш маскани! Сиз бориб дам оласиз. Сувларидан ичиб сочларингиз қораяди. Хув, Туркманбошига ўхшаб! Ҳазил, ҳазил. Яшара бошлайсиз. Яшарасиз, яшарасиз, яна йигит бўласиз! Иннайкейин...  
 Вой, унда мен ҳам яшара-яшара, чақалоққа айланиб қоламан-ку?! Чақалоқ бўлгим келмаяпти сира! Қайта-бошдан бола бўламанми? Яна Қизилсойга чўкаманми? Яна дадам!.. Йўқ, йўқ, асло! Барининг жой-жойида қолгани маъқул, нима дедингиз? Ақллимани-а? Аммажоним ҳам шундай дейдилар. У киши тагин нима дедилар, айтими? "Сен икки кишининг ўрнига, икки кишининг умрини яшайсан", дедилар. Дадамнинг, ҳам ўзимнинг! Ана, билиб кўйинг! Ҳа, роса доно кампир!.. Энди нима қилардим — ўғлим билан яшайвераман! Бошқа ҳеч нарса керак эмас менга, билдингиз! Ўғлингизни кўргани келарсиз? А? Айти-инг!

Кутилмаганда телефон чўзиб-чўзиб жиринглайди. Забаржад бир дақиқа таажжубда тек қотади: эгасиз уйга ким кўнғироқ қилиши мумкин?  
 Кейин дароз таккурсида турган жимжима телефон гўшагига аста қўл узатади. Дилбар!  
 — Забар?! Сен нима қилиб ўтирибсан у ерда?  
 Забаржад айб иш устида қўлга тушгандек довдираб, тугилиб қолади:  
 — Ўзинг... ўзинг айтувдинг-ку гулга сув қуй, деб!

— Қуйдингми?  
 — Қуйганман. Қуйиб турибман.  
 — Қалай, ётоқдаги жаннатгул очилдими?  
 — Очилган, очилган. Гуллаб ётибди.  
 — Раҳмат, шукрия, мерси... Забар, қовун чиқдими?  
 — Қанақа қовун?  
 — Ейдиган-да, жинни!  
 — Ҳа, бор. Бозорда. Кўп.  
 — Бундай қиласан, ўртоқ! Ҳозир бориб битта котасини оласан. Ҳей, хонпатир эсингдан чиқмасин! Қип-қизил, сингил пишганидан ол.  
 — Нечта бўлсин? Қанақа қилиб жўнатаман сенга?  
 — Жўнатмайсан, лох! Уйга опкеласан, қовунни сўясан, хув яхши кўрган тебранма креслом бор-ку, ўшанга ўтириб олиб маза қилиб ейсан. Охиригача! Тушундинг?  
 — Нимага? Унақасини битта ўзим қандай еб битираман?  
 — Битта ўзинг бўлмаса, анови дўстингни чақирарсан. Сенга рухсат.

— Кейин-чи, нима қилай?  
 — Кейин — ўзинг биласан. Намунча тупойсан-а!  
 — Диля, тушунмаяпман гапингга: қовун, патир...  
 — Мен учун ейсан, ўртоқжон! Мени эсла!  
 — Хўп, хўп. Айтганингдай бўлади. Менинг бу ердалигимни қаёқдан билдинг, Дилбар?  
 — Деярли ҳар куни телефон қиламан. Қиламан-у, индамай қулоқ тутиб туравераман. Уйимнинг, гулларимнинг ҳиди келгандай бўлади. Соғиндим, дугон, шундоқ соғиндимки!..  
 Гўшакдан Дилбарнинг пиқиллаб йиғлагани эшитилади. Забаржад "Вой-вой, нима бўлди сенга, Дилбар?" деганича қолади, алоқа узилади.

\* \* \*

Кийим-кечаги жойланган сафар халтаси елкасида, суви идишни кўшқўллаб кўкрагига босган Забаржад ҳовлиларига бурилади-ю, юраги така-пука бўлиб, турган жойида таққа тўхтайди.  
 Йўлақларининг оғзида бир тўп одам! Икки қатор курси қўйиб рўбарў ўтиришибди. Айримлари таниш — кўни-кўшни. Юра пиён дўпли кийиб олган. Нима гап экан? Нима гап?!  
 Улар орасидан бир киши туриб, Забаржад томон кела бошлайди. Абдулазиз ака! Бу ерда нима қилиб юрибди у киши?  
 — Ассаломалайкум, — дейди қалтираб Забаржад.  
 — Яхши юрибсизми, Забаржадхон? Беҳабар кўринасиз, қизим. Бандачилик экан. Восил амакингиздан айрилиб қолдик. Ўғли пичоқлаб қўйди. Кеча чиқарганмиз.  
 — Вай-й-й!  
 Забаржаднинг қўлидаги салмоқлигина шиша идиш ерга тушиб кетиб, паққа ёрилади. Оёқ остига сув сачрайди. Ҳаммаёқ ҳўл!  
 Забаржад шоша-пиша чўнқайиб йирикроқ шиша бўлақларини йиғиб олади-да, бетон ариқ бўйидаги ахлат қутисига ташлаб келади. Қолган майда синиқларни Абдулазиз ака бошмоғи билан тўплай-тўплай, ариқ томон суриб қўяди.  
 — Спиртмиди? — деб сўрайди алланечук хижолатомуз.  
 — Сув эди. Қишлоқдан.  
 — Сув?!  
 — Булоқ суви-да. У ёқда кўп. Яна опкеламан, ўйламанг.  
 — Шундай бўлиб қолди, қизим, — дея Абдулазиз ака боғи мавзуга қайтади тагин. — Бир вақтлар туппатузук олим эди. Беғубор, дали-гули одам. Кишининг ҳаётига бир дарз кетса, кейин уни ямаб олиш қийин бўлар экан-да. Бунинг устига, биласиз, анови сабилга ҳам ружу қўйган



эди... Ҳай, сиз энди кираверинг уйингизга. Ўтинг. Анови ёқдан айланиб ўтиб кетаверинг. Ҳечқиси йўқ.

Забаржад қўлини кўксига қўйиб Абдулазиз акага таъзия изҳор этган бўлади-да, кейин у киши кўрсатганидек, девор ёқалай бориб, боши хам, аста сирғалибгина йўлакка киради.

\* \* \*

Иккинчи қаватга чиққач, таниш эшик қаршисида бир зум тўхтади. Эшик ланг очик. Ичкаридан хотин-халажнинг паст, бўғиқ овози эшитилаётир.

\* \* \*

Негадир ўзларининг эшиги ҳам очик! Забаржад хайрон бўлиб даҳлизга қадам босади-ю, серрайганча қотиб қолади.

Рўпарасида — Суръат, оёқлари шол бўлиб ётган укаси, худди ҳеч нима кўрмагандек, қўлларини кўксига чалиштирганча деворга суяниб турибди!

— Во-ой!

Агар қишлоқдан кўтариб келган шиша идиши боя синиб қолмаганида, ҳозир ерга тушиб чил-чил бўлмоғи муқаррар эди!

Ошхона тарафдан қўлини сочиққа арта-арта Вазира опа чиқади.

— Ие, Забар, келдингми? Эшитгандирсан? Кўргилик-да, қара! Бечора Восил ака!

— Ая, бунингиз?!

— Ўшандан бери сал-пал қадам босадиган бўпқолди, опаси! Худога шукр! Мен шўрликнинг оху зорим худойимга етдими дейман... Лекин, таъзияга тушиб чиқаман, деб ҳалитдан бери ҳол-жонимга қўймайди-я! Эндигина оёққа турган одам! Ўзинг тушунтир бунга.

Аяси билан наридан-бери кўришиб-омонлашган Забаржад укасини маҳкам қучоқлаб олган, юз-кўзларидан чўлпилаб ўпгани ўпган.

— Ростданми? Вой, ростданми?! Худога шукр-э! Укажоним! Мен сенга шундай бир мўъжиза сув опкелдимки! Ичдинг — эртасиёқ тойчоқдай дикирлаб кетасан! Ана, биттаси сўмкамда. Ҳали қўйиб бераман, кўрасан! Таъзияга эса эртага билла тушиб чиқамиз, хўпми? Бугун энди кеч бўлди, ноқулай.

Забаржад Суръатни тирсагидан тутиб ётоқ жойига олиб киради-да, ўзи оёқ томонига ўтиради.

— Лола...

— Э, Лола ҳам, Райҳону Бинафша, Раъноу Наргис, Нилуфару Жасмингача — ҳамма-ҳаммаси энди сеники, Суръатбек! Ишонавер!

— Йўқ, Лола...

— Буларнинг бари — бир гулу гиёҳ, укагинам! Меҳр қўймасанг, парвариш қилмасанг — ҳаммасиям қуриб, қовжираб, хашаки бир ўтга айланиб қолади. Кейин бир куни оёқости ҳам бўлиб кетиши мумкин!

Суръат Забаржадга бақрайиб қолган: "Бу қизнинг эси жойидами ўзи? Ё қишлоққа бориб жин-пинга чалиниб келдими, нима балло?!"

— Мен манови ҳовлидаги Лолани айтяпман, опа!

— Мен ҳам шуни, шуларни гапиряпман-да, укам!

\* \* \*

Намозшом чоғи. Она-бола ошхонада чойхўрлик қилмоқда.

— Бошқа яна нима гаплар, ая?

— Келиб ўзинг кўрган-билганинг — шу! Айтгандай, Диля ўртоғинг келиб, калитини ташлаб кетди. Гулларига сув қўйиб турармишсан. Бир ясанган, бир ясанган! Бунча пулни қаёқдан оларкан-а бу қиз? Кейин — ишхонангдан Гулноз Раҳимовна деганинг кўнғироқ қилди. Икки марта. Аризангни кимгадир бермаганмишми-ей, директорларинг қайгадир кўтарилиб кетганмишми-ей! Ишқилиб, гапларига унчалик тушунмадим шу хотиннинг. Борганинга ўзинг билиб оларсан. Ҳай, қани, гапир! Чорбоғни нима қилдинг? Сотдингми? Кимга? Неча пулга?

— Чорбоғ сотилмайдиган бўлди, ая!

— Сотилмайди?! Нега?

— У — мулк! Бувамдан, ладамдан қолган мулк! Уни ҳар кимга сотиб бўлмас экан. Аммам айтдилар. Қайдам, балки бутунлай сотилмас. Сабабини яқин орада биласиз.

— Тавба-а!

— "Эр киши ер сотмас, ер сотган — эр саналмас".

Эшитганмисиз?

— Буниям аммажонинг айтгандир?

— Йўқ, Азаматнинг даласи айтган!

— Азаматинг ким, вой?

— Халқ айтган бу гапни, аяжон!

— Халқ?!

Вазира опа эси оғудек бир ҳолатда Забаржадга тикилиб қолади: "Бу қизга ё бир бало бўлган, ё анови ёсуман кампир роса ўқитиб жўнатган! Энди нима қилдим-а, худойим! Шўрлик бошимга бу савдо ҳам бормиди?!"

\* \* \*

Эгнида халат, бошига каттакон сочиқни салла қилиб ўраган бир малак айвонча деразасидан ҳовлига тикилиб турибди. Ҳовли қоронғи, шивалаб ёмғир ёғаётир.

— Энди учрашмаймиз! — дейди малак алам билан деразадан пастга қараб кимгадир. — Ҳеч қачон!

Шу заҳоти тўсатдан чақмоқ чақнайдию мошинага ўтираётган одамнинг юзини бир зум ёритиб ўтади. Ниҳоят, биз у зотнинг дийдорини кўрмоққа муваффақ бўлаемиз.

Аmmo у — ким? Кимга ўхшайди у? Нега шу чоққача юзини яшириб келди? У — сизми? Ё — бизми? Бу — суйган кўнғилнинг ўзигагина аён! Буни суйган кўнғилдан бошқа ҳеч ким билмайди!

Тиллакурт мисоли чўгланиб турган алланима (сигарет!) қоронғилик қаърига учиб кетадию мошина эшиги қарсиллаб ёпилади.

Суйган кўнғил нидо қилиб қолади:

— Мен сизни яхши кўраман! Яхши кўрама-а-ан!

Қоронғи бир тунда ёмғир шовқини аро янграган йиғи аралаш бу нидо чақмоғу момақалди роқ садоларига қўшилиб кетади.

**TAMOM**



Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

# ОШИҚ ОҶИ

Достон

## ҚАЛБ ЧАМАНИГА САЁХАТ

Шеърпарвар халқимиз шоирларимиз ижодидан ҳар лаҳза баҳраманд бўлиб келаётирлар. Айни чоғда гўзал адабиётимизнинг бисоти янги ижод намуналари билан бойиб бормоқда. Бу гоётада масъулиятли ва шарафли юмушни истеъдод ҳамда қизгин меҳнат билан адо этаётган пешқадам шоирларимиздан бири Маҳмуд Тоирдир.

Маҳмуджон истиқлолимиз йилларида тўла шаклланиб етган ижодкор. Шоиримиз истиқлол гоёларини тараннум этгучи бир қатор шеърий туркумлар ва достонлари билан тилга тушди, ўқувчилар эътиборини қозонди. Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди. Албатта, замонавийлик шоирдан қанчалик машаққат ва масъулиятни талаб қилмасин, у инсон қалби билан боғлиқ нозик, инжа мавзуларни ўзидан ҳеч қачон истисно қилган эмас. Куйида Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган шоирнинг янги достонини айнан қалб чаманига саёхатдир деб биламан.

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири



Кўлимга бир дафтар тушди. Кўнглимга бир оқ тушди. Бу дафтар битикларининг ҳар сатрида сим-сим дард бор эди. Нолалари жонбахш эди. Дафтар эгаси севган дил, севилган дил эди. Аммо бахтсиз эди. У бахтсизлигидан шикоят қилмас эди. У Оллоҳни танирди...

Ушбу дафтарни варақлаб мен бу ошиқнинг оҳига эргашдим. Ўтлигим, оловлигим ёдимга тушди. Куйганлар, куйдирганлар ҳақида куйлагим келди. Зеро, ухлаган булбул, ўлган булбул, деди ичимдаги оҳим...

*Тонгда шабнам шарбатин ичиб,  
Булбул сархуш гунчани қучиб,  
Менинг ҳам бир куйлагим келди,  
Соғинчимнинг кўкида учиб.*

*Осмон яқин келади тонгда,  
Кўзда чақин кулади тонгда,  
Ошиқ оқин, бечора оқин,  
Куйламаса ўлади тонгда.*

*Севиб қолсанг гулдайсан, укам,  
Тўкиласан, тўлмайсан, укам,  
Алтомшидек Барчининг бўлса,  
Номардга эл бўлмайсан, укам.*

*Кел, қаламнинг қонин тўкамиз,  
Тош дилларнинг жонин тўкамиз,  
Куйган кўнгли дафтари тўла,  
Биттасининг чокин сўкамиз.*

*Бўзлайверсин кейин ўзлари,  
Сўзлайверсин кейин ўзлари.  
Бизни ногоҳ соғиниб қолса,  
Излайверсин кейин ўзлари.*

Севгим... Соғинч қўрғонида самовот султонига саловат айтиб, дунёнинг бевафолигидан ўкинган севгим. Сени соғиндим. Сени ахтаргим келди. Айт, кимдан, қайлардан сўроқлайин сени?!

Бевафо ёрга деб узган гулларимнинг уволлариданми?..

Ёлғон орзуларга ёлворган кўнглимнинг жавобсиз саволлариданми?

Булбуллар баётидан ийманган гунчалар юзидан тўкилгучи шабнамлар айтинг...

Райҳонлар бисотидан ҳар тонг сочилгучи атри насимлар айтинг, айтинг қайлардан сўроқлай?

Умидим уммонида сузиб бораётган оқ кемам, хаёлим кўкида булутлар кўксини тилиб қанот қоқаётган оққушларим, оқар сувларга орзуларини кокил қилиб ташлаб қўйган маъсума мажнунтоллар айтинг, муножотларим сизга етиб боргайми?

Дунёда жавобсиз қолган сўроқдан оғирроқ тош йўқ. Мен кўксимдаги шу тошни гуллатгим келади. Гуллаган тошлар... Нақадар гўзал...

Эй, бевафо дунёнинг қўргуликларидан зериккан юлдузлар... Чимдим нурингизни адашган ошиқдан дариф тутманг. Агар билсангиз, тун кўксини куйдиргучи бир оқ бор. Бу ошиқлар оҳи...

*Бир оқ бор тотли бирам,  
Чеккувчидан жон олган.  
Бу оқ асли дунёга,  
Мажнундан мерос қолган.*

Менинг севгим, сен қандай оқ урадирсан? Ҳар оҳингдан бир гул очилгайми? Кўнглим вафо гулининг расмини чизишни истайди. Агар қўрқсанг севишни билмаган одамлардан қўрқ, кўнглим. Сен эса севишни биласан!





*Гул нима, гулзор нима,  
Кўзига илмаганга.  
Севги совуқ сўз эрур,  
Севишни билмаганга.*

*Мажнун ким, кимдир Лайли,  
Улар нур ишқ туфайли.  
Ачинсанг ачин, майли,  
Севишни билмаганга.*

*Шабнамларда шакл йўқ,  
Капалакда жаҳл йўқ,  
Чумолида ақл йўқ,  
Севишни билмаганга.*

*Гулнинг иши пардоздир,  
Булбуллар ишратбоздир,  
Тўрт фасл бирдай ёздир,  
Севишни билмаганга.*

*Ёмғирларда йиғи йўқ,  
Майсаларнинг тиғи йўқ,  
Кўнгилнинг ҳеч чўғи йўқ,  
Севишни билмаганга.*

*Ой нима, бир парча доғ,  
Кўёшми, битта чироқ,  
Юлдузлар биздан йироқ,  
Севишни билмаганга.*

*Дийдор нима, тўқнашув,  
Ишқ нима, ишратлашув,  
Кўз ёшми, юздаги сув,  
Севишни билмаганга.*

Мен йиғлаяпман, севгим. Йиғлашни билмаганлар учун йиғлаяпман. Агар билсанг, менга йиғлашни шабнамлар ўргатган. Шабнамлар...улар ердаги поклик туморлари. Шабнамлар қандай ҳосил бўлади, кузатганлар бормикан? Бўлса улар бахтли одамлар. Одамзот қилган гуноҳларини ювишни тонгда шабнамлар бошлаб беради. Улар муҳаббатдан йироқ, оқибатдан йироқ каслар учун тонггача йиғлаб чиқадилар. Кейин... кейин қуёш чиқади. Агар қуёшнинг тилини биладиган одам бўлса, унинг илк хитоби «Шабнамларимга тегманг», деган сўздан бошланса керак. Чунки қуёшнинг ер юзида қилган биринчи иши ҳам шабнамларни битта-битта териб олишдан бошланади.

Мен йиғлаяпман, севгим, менга йиғлашни шабнамлар ўргатган. Дунёни севги асрайди дейдилар. Севгини ким асрайди? Севгини нима асрайди? «Поклик, поклик», деган ҳайқириқ отилиб чиқади дилимдан. Шабнамлардек поклик...

Аслида ҳам пок одам гуноҳ қилишдан қўрқади. Ҳар битта майсанинг, ҳар битта гулнинг, ҳар битта япроқнинг юзини ювиш...Нақадар гўзал, нақадар илоҳий ҳикмат бор шабнамларнинг қисқа умрида. Қанийди, кирланган дилларни ҳам майсаларнинг юзларини ювган каби ювиб бўлса. Ҳар тонг одамлар кўчага тозариб, ёшариб чиқардилар. Тозахаёл инсонлар муҳаббатга хиёнат қилмайдилар. Севгига садоқат кўнгилдаги тоза тилакдан бошланади.

Мен оламни, одамларни ана шундай тоза, беғубор тасаввур қилишим биланоқ, кўксимда гуллар чапак чаладилар. Кўзларимдан шабнамлар томчилай бошлайди. Аммо, Худойимга йиғлаш аламданми у, қувончданми у, кўнгилни тозартиради. Менга Худойимга йиғлашни шабнамлар ўргатган, севгим! Билсанг, шабнамларда шифо бор.

*Инсон кўксин тоғ қилган,  
Дилнинг дилга вафоси.*

*Кўнгилларни чоғ қилган,  
Шабнамларнинг шифоси.*

*Тонгнинг тоза маржони,  
Ишқ аҳлининг дармони,  
Ишқсизларнинг армони,  
Шабнамларнинг шифоси.*

*Тўкилса булбул бўзи,  
Гулчанинг хуммор кўзи,  
Дийдамдаги дур ўзи,  
Шабнамларнинг шифоси.*

*Гул юзида зийнати,  
Тонгнинг тоза шарбати,  
Худойимнинг ҳиммати,  
Шабнамларнинг шифоси.*

*Самовий салом берар,  
Маст дилларга жом берар,  
Ошиққа ором берар,  
Шабнамларнинг шифоси.*

Ҳамманинг қўли ҳам осмонга етмайди. Жуда ғалати-ку, кимнинг қўли етади ўзи осмонга? Ҳеч кимнинг десам юрагим қинидан чиқиб кетадигандек. Йўқ, йўқ! Ошиқлар осмонга кўнгил билан етадилар. Кўнгил кўзи етган манзил эса гўзал бўлади. Чунки, ошиққа харобада жой йўқ. Хароба—зоғларники. Дунёда зоғлар борлигини эшлаш ҳам товонида тикан билан юрган одамдек кишини безовта қилади.

Одамлар тимсолидаги зоғлар ағёрлардир. Ўйлаб қоласан, қайси замонда ошиққа осон бўлган. Наздимда бундай замон энди келмасе, шундек замонда яшадим деб кўкрагига урган ошиқни топиб бўлмас. Зеро, тўртта қарға бир жойга жам бўлса, булбулнинг ҳазин ноласини ютиб юбориши тайин.

Булбул бўлиб туғилиш ва булбул бўлиб ўлиш Оллоҳ хуш кўрган ошиқликнинг олий мақомидир.

*Севмоқ гўзал, севилмоқлик хуш,  
Севмаган дил осмон бўлмаган.  
Эй сен кўнгил, осмонингдан туши,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

*Тарих гувоҳ, тақдирлар гувоҳ,  
Ҳар ошиққа тутмаслар чироқ,  
Оллоҳ ўзи бўлгунча паноҳ,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

*Қайс қайғуси қаримайди ҳеч,  
Лайли дарди аримайди ҳеч,  
Ағёр дейди: бир-бирингдан кеч,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

*Кўнгил кўзи қўл етмас чироқ,  
Фақат уни сўндирур фиरोқ,  
Ошиқ охи кўкдаги чақмоқ,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

*Ловуллаган лолалар айтар,  
Кўзлардаги жолалар айтар,  
Юлдуз бўлган нолалар айтар,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

*Болиш бахтдин балқиб ётгунча,  
Икки кўнгил қалқиб ётгунча,  
Дийдори дур тонглар отгунча,  
Ошиқларга осон бўлмаган.*

Айт, шоир, кимга осон бўлган ўзи бу дунёда яшаш?  
Бунча ловуллайсан, оҳимда олов бор дейсан... Севгининг

гўзал суврати сукунатда эмасми? Қанча кўп шанғиллаган одам шунча самимиятдан йироқ эмасмикан... Ҳеч кимдан сукут сабогини олганинг йўқми?..

Дарвоқе, раҳматли падари бузрукворингни бирор марта бўлса ҳам севги, садоқат, муҳаббат ҳақида жўш уриб гапирганини эшитганмисан?.. Наздингда волидангни, сиз ўғил-қизларини сукути ичра сен жунбушга келганингдан кўра ортиқроқ севмасмиди.

Зотан, кўздаги муҳаббат, дилдаги муҳаббат шовқинли сўзларга сиғадими ўзи? Севишни, севилишни ўргатадиган муаллим бормикан, бу дунёда аслида? Айтишларича, Парвардигор инояти ила ёғаётган ёмғирнинг ҳар бир томчиси шакли нуқтаи назардан бир-бирини такрорламас экан. Хўш, бир қалбнинг севгиси ўзининг қувончу ташвишлари, аламу армонлари билан ўзга инсон қалбида такрорланиши мумкинми?..

Савол бериб жавобини ўзи топган одамга Тангрининг назари тушган бўлса ажабмас. Севаман деб аюҳаннос солмасдан туриб ҳам севишга журъятинг етадими ўзи?.. Айт-чи, майсалар бировдан сўраб ниш урадиларми, гунчалар кимнинг руҳсати ила лаб очадилар?.. Сув сўраб оқмайди, шамол сўраб эсмайди. Ахир қалдирғочлар сенинг изнингсиз айвонинг пештоқига ин қўймадиларми?

Сен севишни одамлардан эмас, қалдирғочлардан ўргансанг яхши бўлар. Чимдим лойдан бешик белаётган қалдирғочлар балки бир-бирларини сендан кам севмаслар. Уларни Момо ерга, Яратганга бўлган муҳаббати ҳам балки сеникидан зиёдрокдир.

*Биз севишни ўргансак арзир,  
Қайтиб келган қалдирғочлардан.  
Муҳаббатнинг кўҳна қўшигин,  
Айтиб келган қалдирғочлардан.*

*Момо ер ҳам бир малак асли,  
Унга ошиқ бу фодак асли,  
Сабот ўрган одамзот насли,  
Қоядек чўнг қайрағочлардан.*

*Илдизини увол қилмаган,  
Миннатини савол қилмаган,  
Бир-биридан сира кулмаган,  
Ҳурмат ўрган гул, оғочлардан.*

*Вафо жоми тўкилар, тўлмас,  
Ишқли уйда чечаклар сўлмас,  
Лек севишни ўрганиб бўлмас,  
Ўзи тўқ-у, кўзи очлардан.*

Чўққига чиқмаган одам улуғликни хаёлида кашф этади. Чўққига чиққач эса ундан-да юксакроқ парвоз қилиш орзуси жўш уради, қалбида. Чунки тирик одамнинг орзуси аримайди. Шунингдек, муҳаббат гулшанига кирган одамнинг ҳайрати чексиз. Ошиқ дилга олам бениҳоя гўзал кўринади. Гўёки, хасда ҳам ҳаёт бордек, хазонлар хиргойисиди бахтнинг баётини туяди, ошиқ. Унинг кўзига тошлар ҳам тиловат қилаётгандек...

Ошиқ хаёлида юз очган санамнинг оқ ҳарир рўмоли ҳаёдан тўқилган бўлади. Ошиқ дил суқликдан йироқ юради. Мажнун учун Лайлидан, Фарҳод учун Шириндан, Тоҳир учун Зухродан бўлак дилдор йўқ, дунёда. Ошиқнинг кирган боғи Вафо, суянган тоғи Садоқат. Чин ошиқни ёрдан айиришдан кўра жонидан айириш осон.

Ошиқ Оллоҳ хуш кўрган банда. Севган одамни яшагиси келади. Севилган кўнгил бахтдан балқиб кетади. Ёрига гул кўтариб кетаётган йигитнинг кўзларига қаранг. Ишқ майдан, қутилаётган дийдор майдан сархуш бу кўзлар. Уни шу тобда йўлини тўсиб, дунёнинг бойлигини ваъда қилинг, бойликка қўшиб дунёсига ўт қўйиб юборади ошиқ. Ошиқ кўнгил озода кўнгил. Ошиқ кўнгил— дунёдаги энг бой кўнгил. Асил ошиқ ўзини олам

хоқонлари тахтидан баландроқда ҳис қилади. Уни фақат ҳижрон тушириши мумкин, бу тахтдан.

*Аё дўст, гар кўнглинг озода эрур,  
Ўзга дил учун ҳам андоза эрур.*

Эй дўст, ошиқ бўл, ошиққа ҳавас қил. Ёшариб яшайсан, яшнаб яшайсан! Қалбингда тотли дард юз очади. Бу дарднинг дармони—ширин дийдор. Икки дил дийдоридан тўқилган нур қадларни қалқитади, қалбларни балқитади. Дийдор остонаси бу бахтнинг остонасидир. Бахтли ошиқ бўлиш—садоқат кўрғонига бек бўлишдир. Ерга садоқат— Ҳаққа садоқатдир.

*Севиб яшаганлар султондек яшар,  
Юлдузларнинг гули Чўлпондек яшар.*

*Тун кўксин ёрурлар бўлиб нур талаб,  
Ой доғин терурлар битта-битталаб.*

*Оромни осмонга отиб яшарлар,  
Хаёлида бахтга ботиб яшарлар.*

*Ўз кўксини ўзи этар лозазор,  
Жонини чимчилар бир ширин озор.*

*Ёмғирлар уларнинг ёдига ёғар,  
Дийдор тилаганда додига ёғар.*

*Келар оҳларини тошга ўйгиси,  
Зоғлар забонига шакар қўйгиси.*

*Куртаклар кўзидан кулгу терарлар,  
Шабнамлар юзидан ёғду терарлар.*

*Севиб яшаганлар шундек яшарлар,  
Осмонга сизмаган кундек яшарлар.*

*Яшар, келар бахтнинг боғбони бўлиб,  
Ўн саккиз минг олам султони бўлиб.*

*Ошиқлар қандайин ёш тўқар деманг,  
Ошиқлар қандайин оҳ чекар деманг.*

*Ошиқлар Оллоҳни олқишлаб яшар,  
Ошиқлар тилида гул тишлаб яшар.*

\*\*\*

*Ўлсанг арзир дунёда бир бор,  
Ўз еринга кўмилмоқ учун.  
Лекин аввал яшайлик дилдор,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

*Мажнунтоллар ўсар мулоим,  
Сув қошида эгилмоқ учун.  
Умр берган бизга Худойим,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

*Кўшиқдан ҳам қон оқар экан,  
Дил тубига қўйилмоқ учун.  
Ошиқ қалба ўт ёқар экан,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

*Биз ағёрни инкор этмаймиз,  
Яшар кўрни кул қилмоқ учун.  
Биз кўнгилни кўкда тутгаймиз,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

*Аввал дилни тозалаб олинг,  
Шабнамларда юз ювмоқ учун.  
Қалбингизни кўзгуга солинг,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*



*Узилган гул эгасин топсин,  
Хазонлар кўп ўқинмоқ учун.  
Хиёнатнинг эшигин ёпсин,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

*Яхшиларнинг ёди ҳам чироқ,  
Шахди етар тош тилмоқ учун.  
Эй дўст, бўлсин жонимиз чақмоқ,  
Севмоқ учун, севилмоқ учун.*

Севгим... менинг қорақош, қоракўз, оқ атиргуллардан ҳам оппоқ севгим. Мен сени соғиндим... Айт, мен сукутга, сукунатга сиғмасам не қилай? Насиҳатларга, надоматларга сиғмасам не қилай? Мажнунликдан ор қилган ошиқ тулпор туёғидаги хасдан ҳам пастдир. Муҳаббатин яширган ошиқ, гуноҳини яширган бандадан ҳам гуноҳқорроқдир.

Севгим... Дилим йиғла деса, гурурим йигит киши ҳам йиғлайдими дея осмондан келади. Худойимдан висол тилаб, Худойимга йиғлай билган ошиқдан ҳам бахтли инсон бормикан ўзи? Тутдек тўкилган юрагимга кафтларимни тутгандим қон томди... Шу қон билан оппоқ дафтарга оҳларимни битмоқ истадим, севгим.

Атиргулларга тикилсам, тиконларини ори келди... Райҳонга бармоқларимни теккизсам, саболар силтаб ташлади. Бу дунёда ҳамма нарсанинг, ҳатто хаснинг ҳам, хазонларнинг ҳам ўз эгаси бор, севгим. Менинг сендан бошқа кимим бор? Куйган кўнглим ва куйдирган севгим. Сени соғиндим... Сенинг исмингни бу тун тонггача кўксимга босиб ётдим. Куйди кўксим, кул бўлди кўксим...

Агар билсанг ошиқлар тонгдан уялади, Оллоҳдан уялгандек. Одамзот гуноҳқор кўз билан шабнамларга, майсаларга, гулларнинг юзига қандоқ қараркин? Гуноҳқорлигини билса тоғлар ҳам қалқиб кетса керак, нечундир айрим кимсалар телса ҳам тебранмайдилар. Чунки улар севгидан йироқ, муҳаббатдан, вафодан йироқ... Сен дилбарсан, сен дилдорсан, менинг севгим. Сени соғиндим...

*Яқин келма, майли узоқ юр,  
Олислардан кўрсат буйингни.  
Кеча менга мақтади бир сур,  
Отанг қилиб берган тўйингни.*

*Бўйнинг тўла оппоқ маржонлар,  
Жисму жонинг оқ ҳарир экан.  
Билармикан сендек жононлар,  
Одам рашқдин тез ҳарир экан.*

*Юзларингга сиғмаган кулгу,  
Бугун энди кимларга тортиқ.  
Қақшар дилда тош теккан туйғу,  
Нега севдим жонимдан ортиқ?*

*Оҳ, бағримда баҳордек балқиб,  
Турганларинг ой кўрган эди.  
Шамшод қаддинг кетганда қалқиб,  
Тошлар титраб сой кўрган эди.*

*Чехрамдаги шодлик шодасин,  
Маржон қилиб таққан кунларинг.  
Лабингдаги лаззат бодасин,  
Ёдингдами тутган тунларинг.*

*Бугун энди гуноҳинг қучиб,  
Қандоқ кирдинг ўза оғушга.  
Жоним кетди қошинга учиб,  
Виждонимдан қолиб қарғишга.*

*Қандоқ сенга бахтли бўл дейман,  
Бахт тиламай қайтиб яшайман.  
Гуноҳини ҳеч юволмаган,  
Сувда ётган тошга ўхшайман.*

Севгим... Менинг ғарибгина севгим... агар билсанг шу тошлар ҳам бизлардан бахтлига ўхшайди. Тошда бахт нима қилади, дейсанми?.. Бахт нима ўзи? Бировни бахтли қилишми? Ўзгани бахтини тортиб олиш-чи? Тошлар нима учун бахтли? Уларга ўзганинг бахти керакмас, ҳеч кимга озор етказмайди. Фақат уларга қоқилиб кетмасанг, беозор тошни олиб ўзгага отмасанг бўлди... уларнинг сен билан иши йўқ.

Биласанми, тошлар яна нима учун бахтли. Одамлар ҳақиқий ошиқларни ўлдириб қўядилар-да, кейин қабрларига тошлардан ҳайкаллар қўядилар. Ағёрлар гунларни, соқовларни яхши кўрадилар. Шу боис улар тошлардан ОШИҚ ясайдилар.

*Оқ тошлардан, қора тошлардан,  
Кўк тошлардан, ошиқ ясарлар.  
Тош ҳайкаллар пойига чўкиб,  
Кўз ёшлардан ошиқ ясарлар.*

*Ғапирмаса, бўламаса бас,  
Қучоқ-қучоқ гуллар тўшарлар.  
Ошиқ тошни, ошиқ ҳайкални,  
Муҳаббатга кўмиб ташарлар.*

Тошларни қўй, менинг севгим. Улар билганича яшашсин. Бизлар тили, дили бор ошиқлармиз. Бизнинг оҳимиз уларни куйдиради, кул қилади. Қачон зоғлар булбулнинг ноласини хуш кўрибди? Майли, биз зоғларни тошларга, тошларни зоғларга бердик. Бизлар забонимиздан олов сачратиб оҳ чекамиз. Бу бир оҳки, унда бизнинг муродимиз бор. Бу бир оҳки, унинг оловида гуллар очилгай. Бу оҳ тошларни ҳам одам қилса ажабмас.

*Бир оҳки оздир ўзгага тегмас,  
Бир оҳки қаддини номардга эгмас.*

*Бу оҳнинг нурлари дил қатин очар,  
Юраклар юзига бойчечак сочар.*

*Бир оҳки бодомлар гулидайин хуш,  
Тош юрак касни ҳам қилади сархуш.*

*Бир оҳки тил билан қилмайди жанглар,  
Банда англамас Худойим англар.*

*Бу оҳнинг розлари меҳробга етгай,  
Тунда ой, кундузи офтобга етгай.*

*Бир оҳки хиёнат ҳукмидан йироқ,  
Ишқ аҳлин қўлига тутди чироқ.*

*Бир оҳки юз карра тотиб тўймайсан,  
Бир чексанг дилингда сира қўймайсан.*

*Бу оҳни гадо ҳам, султон ҳам суяр,  
Бу оҳнинг ороми ўлдириб қўяр.*

\*\*\*

*Ўн тўрт кунлик ой эдинг сен,  
Мен минг йиллик ошиқ эдим.  
Мингта булбул минг оҳ чекиб,  
Куйлолмаган қўшиқ эдим.*

*Асрларнинг ори яшар,  
Ҳақиқатнинг ҳикматида.  
Қалампирнинг гули бўлдинг,  
Бевафолар бекатида.*

*Бошим олиб кетай десам,  
Тирикларга борар жой йўқ.  
Ер қағрида оташ бўлсам,  
Майитлардан чиқмайди чўғ.*

*Осмонларда яшаймиз биз,  
Севгимизнинг охи билан.  
Бунда тошлар яшайверсин,  
Ернинг сендек моҳи билан.*

*Ерга тушсак гул экурмиз,  
Ошиқларнинг мазорига.  
Руҳимиз ҳам қиё боқмас,  
Муҳаббатнинг бозорига.*

Менинг севгим... Сен кўнглим қулоғига шивирладинг: «Жаҳл қилма, унинг исмини айтма, биз унинг ўзини асролмадик, энди исмини ёмон кўзлардан асрайлик», дединг. Эҳ севгим, шунчалар пок хаёллар оғушидасанки, сени ранжитиш гуноҳ. Ушбу битикларимни ўқиб туриб бизга хаёлан «унинг исми ким?» дея сўроқлаётганларга жавобимиз шу:

*Унинг исми тилни гул қилар,  
Биз исмидан ифор тергаймиз.  
Ҳатто исми ўзга қул қилар,  
Биз исмини елга бермаймиз.*

*Унинг исми келмаган баҳор,  
Йўлларида қаҳратон қоя.  
Ёт тилларда топмасин озор,  
Ҳасад, ивво солмасин соя.*

*Унинг исми кўнгли қатида,  
Соғинганда бир жилмайса бас.  
Оҳлар олов бўлган пайтида,  
Исмин айтиб оламиз нафас.*

*Унинг исмин Худойим кўйган,  
Оятлардай ороми бордир.  
Бизга ётдир ёмонга йўйган,  
Унинг исми дилдаги ордир.*

*Унинг исми юракка кўчган,  
У жонимиз жамолидек хуш.  
У кўксимиз кўкидан учган,  
Энди сира қайтиб келмас қуш.*

Менинг дарё кўнглим, билсанг, муҳаббат осмонининг фаришталари, вафо маликалари Лайли, Ширинларнинг исмларидан ҳам нур таралиб туради. Улар асрлар оша покиза исмлари билан юракларда яшайдилар. Аёл зотини садоқатга, вафога чорлайдилар. Бу исмларни дилда, тилда такрорлаган ошиқнинг кўнглида вафо юз очади. Йигитки бор, ўз ёрларидан шундай диёнат, садоқат кўришни истайди. Вале бахтнинг офтоби ҳамманинг бошига бирдай тушмаганидек, вафо кўрсатиб яшаш, вафо кўриб яшаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермас экан.

Биз исми гўзал ёрдан вафо кўрмадик. Айб кимда?! Ким кимни асролмади? Биз рашкнинг қули бўлдик, биз гумоннинг қули бўлдик, севгим... Билмадикки, жаҳл ақлдан, гумон иймондан айирмиш. Бизнинг қалбларга гумон солган, қаролик истаган қора ботирлар аллақачон Яратгандан ўз жазоларини олиб, юзлари ҳам қаро бўлган. Биз-чи, кеч очилган кўзлар, кўнглимиз кўкидан қайтмас бўлиб учиб кетган оққушларимизни соғиниб яшамоқдамиз, ўртаниб яшамоқдамиз. Ишқ аҳлининг йўллари, диллари ҳаммиша тузоқ ташлагувчи қора ботирларга ҳам умр тилагувчилар бормикин, севгим?!

Бировга ўлим тиламоқ гуноҳ. Аммо қора ниятли қора ботирларга умр ҳам тилаб бўлмайди...

*Ишқ боғида унган тиконлар,  
Товонингни пойлаб ётурлар.  
Улар абад озори жонлар,  
Қора юрак, қора ботирлар.*

*Бахти борни кўролмаганлар,  
Тош отмайин туролмаганлар,  
Ёмонликсиз юролмаганлар,  
Қора юрак, қора ботирлар.*

*Қўлларида тушмайди тузоқ,  
Икки дилнинг аросинда тоғ,  
Гул шохида қишлайдиган зоғ,  
Қора юрак, қора ботирлар.*

*Юзларининг қароси кетмас,  
Кўчасидан илон ҳам ўтмас,  
Кўнглида ҳеч оппоқ тонг отмас,  
Қора юрак, қора ботирлар.*

*Кўзга тушган чўндайин ёмон,  
Бошга теккан тошдир ҳар гумон,  
Айтинг, қандоқ юрурсиз омон,  
Қора юрак, қора ботирлар.*

Севгим... мени соғинтирган, мени соғинган севгим. Биз кимдан гина қилаяпмиз ўзи? Айт-чи, биз кинлардан, гиналардан, ҳасадлардан устун эмасмизми? Биз ошиқмиз, биз Оллоҳ бандаси. Оллоҳ ошиқларни хуш кўрур. Демак биз Оллоҳники, Оллоҳ бизники. Бизга ярашгани ошиқ қилиб яратгани учун Худойимга шукрона айтиш. Зеро, ошиқлик гўзал қалбга соҳиб бўлиш. Бундай соҳиблар вафога султондир. Бизнинг оҳимизни ҳурлар эшитмас, парилар тингламас, гулоиймлар қарамаса... уларнинг барчасини яратиб кўйган эшитувчи, тинглаувчи, назар қилувчи Оллоҳ бор. Биз бахтлигимиз. Ошиқ бўлганимиз учун бахтлигимиз. Тош эмасмиз, тупроқ эмасмиз. Биз инсонмиз! Биз нон тилаб, бол сўраб қорнимиз қайғусида оҳ чекаётганимиз йўқ!

Биз кўнглимиз боғидаги гуллар сўлишини истамаймиз. Биз уларни дийдамитиз шабнамлари билан жонлантирамитиз. Зеро, ошиқ тирик экан, оҳ чекиб ором олади.

*Достон битдим, билгунча ёздим,  
Кўнглим чимдим тўлгунча ёздим.*

*Йўқдан сира бор қилганим йўқ,  
Ошиқликдан ор қилганим йўқ.*

*Ойдан тушмас ошиқлар ўзи,  
Ошиқ оҳи—кўнглининг бўзи.*

*Шабнамлардан шифо тиладим,  
Мен тошлардан вафо тиладим.*

*Тиконларнинг тиғида ўсдим,  
Қалдирғочлар—минг йиллик дўстим.*

*Мен оҳимни бир моҳга айтдим,  
У билмади, Оллоҳга айтдим.*

*Ҳар бандага Ҳақнинг ҳукми бор,  
Ошиқларга ўзи бўлсин ёр!*





Сувон МЕЛИЕВ,  
филология фанлари номзоди

## БАДИИЙ ОБРАЗ – МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Адабиётшунос А.Холмуродовнинг "Қиссада бадий образ яратиш маҳорати" номли рисолаи адабиётимиздаги фаол жанр - қиссалар таҳлил этилиб, эътиборга лойиқ илмий-ижодий фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Дарҳақиқат, бу жанр имкониятлари ўзининг кўлами билан ажралиб туради.

XX аср сўнги чораги ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган адибларимиз қиссачиликда баракали ижод қилишди. Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, Ғ.Ҳотамов, Х.Дўстмуҳаммад, Э.Аъзамов, Х.Султонов, Х.Даврон, Баҳодир Мурод Али, Ш.Бўтаев каби ёзувчилар ўзбек қиссачилиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишди. Шундай экан, ўзбек қиссачилиги муаммолари мавзуида тадқиқот ишлари олиб бориш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Рисолада ўз услубига эга бўлган истеъдодли ёзувчиларимизнинг асарлари таҳлил этилган. Т.Муроднинг "Давра", "От кишнаган оқшом", Ш.Холмирзаевнинг "Чўлоқ турна", "Букри тол" асарлари таҳлили асосида адабиётимизнинг яқин тарихга айланган 70-80-йиллар қиссачилигида эришилган ютуқлари ўзбек насрининг тараққиётини таъминлаётган омиллардан бири бўлгани ойдинлаштирилган. Шунингдек, унда 80-йиллар адабий танқидчилигида эътироф этилган ёзувчи Ғаффор Ҳотамовнинг "Қудуқ тепасидаги ой" қиссасида тасвирланган давр ва қаҳрамонлар маънавий дунёси қай тарзда кашф этилгани тадқиқ этилган.

Э.Аъзамовнинг "Отойининг туғилган йили" қиссасида Асқар Шодибеков каби қаҳрамонларга адабиётимизда доимо эҳтиёж сезилади. Адибнинг "Байрамдан бошқа кунлар" қиссасидаги етакчи образлар орқали таназулга юз тутаётган кимсалар қиёфаси маҳорат билан ёритиб берилганлиги муаллиф томонидан пухта таҳлил қилинган. Дарвоқе, мураккаб характерли образларга хос хусусиятлар

ҳақида таниқли рус адабиётшунос олими Л.Гинзбург шундай ёзади: "Бадий асарда ахлоқий мезонлар ва қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар бутун мураккаблиги билан тасвирланади. Ижобий қаҳрамонни ҳамиша кишиларга яхшилик қилувчи қаҳрамон билан аралаштириб юбормаслик лозим. (Ҳатто энг идеал қаҳрамонлар ҳам ўзларини белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга мувофиқ тутмайдилар.) Адабиёт учун, хусусан, уйғониш давридан эътиборан — конфликт, ҳаракат, қураш, бинобарин, белгилаб қўйилган нормадан четга чиқадиган, эҳтирос ва ҳиссиётларга берилувчан қаҳрамон зарур".

А.Холмуродовнинг монографиясидаги Ч.Айтматовнинг "Жамила" қиссасидаги қаҳрамонлар билан П.Қодировнинг "Эрк" қиссасидаги Саттор, Ойша, Розия каби образлар қиёсий таҳлилида муҳаббат ва оила мавзуининг ёритилиши эътиборда тутилса, В.Распутиннинг "Ёнғин" асарида тасвирланган давр фожеасининг М.Муҳаммаддўст қаламига мансуб "Истеъфо" қиссасидаги воқеаларга муштараклиги ҳам тадқиқотда ўзининг асосли талқинини топган.

Шунингдек, грузин адиби Нодар Думбадзенинг "Кўкарача" асаридаги Муртало, Инга, Тўкарага образларига хос хусусиятлар, уларнинг ўзига хос руҳий дунёси муаллиф томонидан аниқ далиллар воситасида кузатишган.

Тадқиқотда Миркарим Осимнинг "Тўмарис", "Ибн Сино қиссаси", Баҳодир Мурод Алининг "Кўктўнликлар", Х.Давроннинг "Бибиҳоним қиссаси ёки тугамаган дoston", "Соҳибқирон набираси" каби тарихий қиссалари бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

"Қиссада бадий образ яратиш маҳорати" рисолаи янги бадий тафаккурнинг шаклланиши жараёнлари изчил кузатишган ва асосли ёритилган тадқиқот сифатида муҳим аҳамиятга эга.





# Бораянман юрагим сари

## ҚИШ РУҲИАТИ

1

Қиш...  
Чаён каби чақар совуқ  
Сирпаниб юраман йўл,  
Манзил олис.  
Атрофда тўзғийди қор.  
Қиш сарҳади бепоён,  
музлайди бир тутам кун.

2

Айвонимда совуқ захридан  
қунишади мунис мусича.  
Дўстим қахридан увишар юрак.

3

Учишга шайланар  
Бир гала чумчуқ.  
Кучаяди қорбўрон.

4

Қор қанотин ёзади —  
учаёттир капалак.  
Юракка санчилар оппоқ изғирин.

5

Терак учидаги қарғалар  
Кўнглим тубига сочди  
қишнинг қуюнларини.

6

Туман қуршовида ёлғиз қайрағоч,  
тақир новдаларин қоплаган қиров.  
Шамоллар қўлида бетин,  
Тебранади қақшаган оғоч.  
Э воҳ,  
Уни кўриб —  
Кўрмас биров.

7

Совуқ кеча...  
Бағоят музлаган қўлларинг.

Бироқ,  
Кўзларингда ёнаётган олов  
Менинг вужудимни куйдирар.

8

Мастона тикилиб, юлдузларга мен  
Ётгим келар қорга бурканиб.  
Ва лекин  
Шоир юрагимни  
От каби жиловлайман.

9

Қиш...  
Энди йўллар яхлар,  
Яхлар кўнгил,  
Йўл юраман  
Таяниб ҳассага.  
Мени хаёл босар:  
"Ишонч йўқ —  
ёғоч ҳассага..."

## ХАБАР

Қишлоқ  
Қалин ёғди қор  
Марҳум укам уйин  
Томи босди водариг  
Уч сағир  
Мунглиғ аёли  
Қолди бўлиб янада Мунглуғ

\* \* \*

Йўлим қор  
Қадамларим остида  
Ўлур қора сукунат.

\* \* \*

Дўрмон.  
Кўнглимни эзар қоп-қора ғашлик,  
Китоблар ҳам беролмас юпанч,  
Ўқдай отиламан ташқарига  
Тепамда фаришта — ой ҳам  
Рўҳимга бўлолмас тасалли.  
Сочлари юлинган ваҳший дарахтлар  
Ўзга томонларга келади кетгиси.

Шаббодадай кезаман — тун оғушида,  
қулоғимга киргай жозиб бир наво.

Сеҳрлаб,  
Эркалаб,  
Домига тортади мени тобора...

\* \* \*

Жуда зерикдим мен,  
қани  
болалигимдаги букри толлар?  
Ҳозир бўлса  
Шохларида ўйнардим  
қушлардай.  
Қийқирар эдим мен—  
болалик каби.

\* \* \*

Еллар қанотида ялангоёқ  
Чопаянман қишлоғим томон.  
Кўз очсам,  
Ёстиғим хўл  
Тўлғониб ётурман,  
Тун оғушида.

\* \* \*

Томи ёпилмаган чала,  
Иморат ёнидан ўтсам,  
Дуч келаман озғин,  
Кўзлари толғин  
қариган итга.  
Ит менинг кўзимга тикилар эжим-эжит.

\* \* \*

У йўлин йўқотди,  
Ўзга йўллар аро қолди мўлтираб.  
Бироқ,  
Юрагидан ўтган йўл  
Уни бошлаб кетди ўз-ўзи томон.

\* \* \*

Шеърларим сатрига қўнади,  
Тумишуқлари бигиз қарғалар.  
Қағиллаб,  
патларин тўзғитиб,  
чўқимоқ бўлар  
тош қотган сўзларни улар.

\* \* \*

Муштини йўқ, унга эмас,  
Ўз юрагин мўлжаллаб,  
Бахтиёр яшар у.



\* \* \*

Шаббода,  
Силама, ёрим сочларин.  
Тортқилама кўйлақларин.  
Юз-  
Кўзларидан ўлма,  
Шаббода,  
Ахир менинг кўнглим  
Гулдан-да нозик!..

**БЕН**

Сенинг қора кўзларинг ичра  
Ўзимни  
Йўқотиб қўйдим мен.

Сенинг бармоқларинг  
Шу қадар гўзал  
Юрагимни тирнаб кетди у.

Хаёл арқонига бойлаб,  
Сени олиб кетяпман.  
Кўнглимнинг улкан қасрига.

**Шавкат Раҳмон**

Англадим дунёни  
Ҳар куним  
Ҳар туним  
Янги замон  
Энди мен  
Ҳар лаҳзам учун  
Курашмоғим зарур  
Зотан Озодлик —  
"Ўз қалбига  
Ўзидир ҳоқон".

\* \* \*

"Тўлиб кетди қарғага осмон"  
Менинг кўнглим каби  
Яхшиям чеки йўқ  
Дўқи йўқ  
Бечора Осмоннинг

\* \* \*

У  
Сенми,  
Ё менми?..  
Ўлиб ўлмаган  
Ўлик одам.

**ТУШКУНЛИК**

Ҳозир осмон чўқар бошимга  
Ҳозир қулар устимга дарахт  
Ер ёрилар — кетар бешафқат  
Дунё бўлар о, кунпаякун...  
Худо  
Мени асрай олмайсан  
Оҳ нечун?..

\* \* \*

Сукунатнинг кўрпасида мен  
Жуда узоқ ётдим ётсираб  
Ахир қуёш  
Ўткир найзаларини  
Кўзларимга қадаган эди.

\* \* \*

Қилич ғилофида сақлайди сукут  
Гар тегинсанг  
Янграр акс-садо  
Қинидан чиқарар кўзларни  
Илондек ўралиб ухлаб ётган сукунат.

\* \* \*

Шитирлаган сасдан уйғондим,  
Ойнинг шуъласида ҳазон япроғи  
Қақшаган шохчада юққинар  
Баланд осмон сари —  
Бўйинини чўзиб.

\* \* \*

Ҳижрон — тутандириқ:  
Ёндирдим сени  
Шамолларга сочдим кулингни  
Энди қайдан топай  
Мен ўзимни

\* \* \*

Мен йўқлигинг сўрайман десам,  
Юрагим уйда сен йўқсан.  
Сен йўқсан,  
Сен йўқсан севгилим.

Унутилган жараҳат каби  
Мен сени унутдим, севгилим.  
Сен йўқсан,  
Сен йўқсан хотиротим салтанатида.

**ИНАНГУ**

1

Кундуз жуда чўзилди  
Осмон сари узайди бўйи  
Номозиомгул очолмас юзин

2

Шафтолининг барглари аро  
Сарғайган нигоҳим кезинар  
Бўғзимда тўнади ОВОЗИМ

3

Гарчи атрофимда Баҳор  
Бироқ сенсиз руҳимда  
Кезинар замҳарир қиш

4

Сени кутавериб толди кўзларим  
Тоқатим дарахтин барглари  
Сил сингари сарғаймоқдадир

5

Сигмаяпман заминга  
Сен-чи  
Нечун бунча йироқсан Осмон

6

Ўлим сари боряпманми мен  
Ёхуд ўлим мен сари  
Қабристонга тикиламан жим

7

Қорнинг нафасин туйиб  
Мен елкамни осмонга тутдим  
Ялтироқ табассум бахи этди Осмон

8

Сенинг қора кўзларинг ичра  
Куппа-кундузи  
Мен ўзимни йўқотиб қўйдим

9

Ёмғир тинди ёришиди осмон  
Камалакдек чиқиб бораман  
Уфқларга овозим билан.

\* \* \*

Мен ўзимга ишонмаяпман  
Сенга қандай ишонай ахир?..

\* \* \*

У бугуни билан яшайди.

\* \* \*

Мен ўзимни енгиб яшайман,

\* \* \*

Мен юрагим сари боряпман.



Мирзо АҲАД

# Ҳаживей ҳикоялар



## ЖУЖАХҲҶРОЗ

Иномжон ўрта мактабни зўрға битирганига ўн йилча бўлди чамамда. У шу йиллар давомида ўз ёшидан кўпроқ ишхона эшигига бош суқиб, қош кўйиб чиқди. Лекин бирон жойда уч-тўрт ой сабр қилиб фаолият кўрсатмади. Унинг бахтига мендек холаваччаси бор экан. Каминанинг қўли узун-да, бўлмаса ҳолига маймун обидийда қиларди унинг. Холамга ачинаман. Иномжон бечоранинг ёлғиз ўғли. Бироқ қўнимсиз чиқиб қолди. Холамнинг эри ўлганида, Иномжон саккиз-тўққиз ёшларда эди. Холам унга отасизликни сездирмади. Қўлини совуқ сувга ҳам урдирмади. Кўз очиб юмгунча Иномжон улғайди. Зориқиш нималигини билмади. Холамнинг орзуси уни ўқимишли қилиш эди. Бўлмади. Иномжон на институтга кириб ўқиди, на бир ҳунар эгаллади. Қари онасига боқиманда бўлиб юраверди.

Бир куни холам бечора олдимга келиб арзи-ҳол қилди.

— Ходикул, болам, шу Иномжонни қанотинг остига ол. Менинг сендан бошқа суянадиган тоғим йўқ.

— Холажон, ўглингиз ўқимаган бўлса, мен уни қандай қилиб ишга жойлаштирай, — дедим ўйланиб.

— Ўқимаган бўлсаям, ишга жойлаштириш қўлингдан келади. Ахир қўл чўзсанг ойда етади-ку, болам. Атиги битта-ю битта жиянинг-а.

Рози бўлишдан бошқа иложим қолмади. Йўлини қилиб, мактабга ишга жойлаштирдим. Ўйлаб қарасам, соғ бошимга сақич ёпиштирган эканман. Жиян бўлса қўнимсиз. "Дарс бермаган" фани, ишламаган мактаби қолмади, ҳисоб.

Холам яна кўз ёши қилиб олдимга келди.

— Охирги марта ёрдам қил. Зора мустаҳкам ўрнашиб қолса, — деди.

Холамнинг йиғиси юрагимни анор донасидай эзиб юборди.

Жиянга эмас, холам учун ёрдам қўлини чўздим.

— Эртага олдимга юборинг, ўша жўжахўрозни, — дедим. Исмини айтишга эса тилим бормади.

Холам бечора уфф тортиб, изига қайтди.

Шундай қилиб жўжахўроз холаваччамни тумандаги чекка бир саккиз йиллик мактабга директор этиб тайинлатдим. Зора масъул вазифали бўлса, ўзгарар деган

мақсад дилимда туғилди. Йўқ! У бунда ҳам ёлчителиб ишлай олмади. Мен ўйлаган мақсад амалга ошмади. Ўша мактабнинг олдинги директори юқорига хат ёзиб, гафго кўзгади. Мактабда текшир-текшир бошланди. Орадан уч-тўрт ой эмас, балки уч-тўрт кун ўтди, холос. Жўжахўрозни қандай қисмат кутди, билмадим, аммо каминанинг думи туғилди.

## ТУҒИЛТАН КУН

Акахонимиз Алимбек Салимийнинг туғилган куни бугун. Биз бу улуг санани бозор ичига жойлашган ошхонада "кўримсизгина" дастурхон атрофида нишонлаётган эдик. Дастурхонда ноз-неъмат мўл-кўл. Очиқ жойнинг ўзи йўқ. "Мўйсафид"лар бирин-кетин "обрўй"сизлана бошлади. Охирида, кимгадир бир қултум камлик қилди. Яна эллик-эллик қўшиб, бир "мўйсафид"нинг "салласини" олдик. Ҳамманинг бурни қалампирдек қип-қизил. Бирданига...

Ҳа, гўё кинодагидек даҳшатли портлаш овози қулоққа чалинди. Кимдир курсидан ағдарилди, кимдир умбалоқ ошди. Энди ўша булуттешар бурунлар совуқ орган бақалажонга ўхшаб кетди. Ҳушимиз ўзимизда эмас. Ён-атрофга олазарақ қараймиз. Ҳамма бинойидек, фақат биз...

Улфатлардан бири гандираклар кўчага чиқди. Шимини янгилаш лозим бўлибди.

Узоқдан бир болакай иржайиб-иржайиб бизга бақрайиб турарди. Бундоқ қарасак, Алимбек Салимий акахонимизнинг кенжатоғи... "Пақ-пақ" деб аталадиган ўйинчоқ сотиб олиб, битта-яримтанинг оёғи остига ташла, кула-кула ўламиз", деб ҳар биримиз юз сўмдан пул тутқазган эдик. У эса шуни ўзимизга қўллаб юборган экан. Туғилган кунга салют ҳам отиш керак эмиш. Топқирлигини қаранг, азаматнинг! Акахонимиз Алимбек Салимий сир бой бермадилар. Мийиғида жилмайдилар, холос. Ҳолсизликлари шундоқ кўриниб турарди. Бир пиёла совуқ сув сўрадилар. Эркатой физиллаб "газировка"га кетди. Ўша воқеага бугун қирқ биринчи кун. Акахонимиз сал очилгандай...

## РАҲМАТ

Одамлар қандай қилиб машина олишаркан-а? Мўминжон Қобилович еб-ичишдан, кийишдан иқтисод





қилиб, узоқ йиллар энгил автомобил харид қилиш учун пул жамғарди. Бироз юрган бўлса ҳам яхши сақланган "Жигули" сотиб олди. Гаражга пули қолмагач, ноилож машинасига замонавий сигнализация ўрнатди. Кўнгли хотиржам бўлиб машинасини уй олдида қолдирадиган бўлди. Бир ҳафта давомида ҳеч бир кўнглисизлик юз бермади.

Аммо кейинги ҳафтанинг ўрталарида лифтга кирса, елим билан ёпиштирилган қоғозга кўзи тушди. "Хурматли фалон давлат рақамли "Жигули" эгаси! Машинангизнинг сигнализацияси жонимга тегиб кетди. Унинг дастидан қаттиқроқ йўталиб ҳам бўлмайди. Ишлаб кетиб қулоқни қоматга келтиради. На уйқимизда ҳаловат бор, на дам олишимизда. Бирор чорасини кўринг. Бўлмаса ўзингиздан ўпқаланг. Сизга чуқур эҳтиром ила пастки қаватларда истиқомат қилувчилар", деб ёзиб қўйилганди унда.

Мўминжон Қобилович бошидан дўпписини олиб ўйлаб кўрди. Бундай олганда сигнализациянинг унга фойдаси ҳам йўқ, ҳисоби. Чунки у тўққизинчи қаватда туради. У ерда деярли сигнализация эшитилмайди. Шуларни ҳисобга олган Мўминжон Қобилович, машинасининг сигнализациясини ўчириб қўйди.

Эрталаб лифтга кирса бошқа қоғоз осиглиқ:  
"Фалон рақамли машина эгасига раҳмат!"

Мўминжон Қобилович ўзидан хурсанд бўлиб, биринчи қаватга тушди. Афсуски машинасини жойида кўрмади...

### ХАТДОРИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Қайси шофёрга қараманг, фигонидан тутун чиқади: бир литр бензин фалон пул.

Битгаси машинасига сув солишни маслаҳат берди. Йўғ-эй, ақл бовар қилмайди, дейсизми? Ишонаверинг, сиздан нима кетди, бир челақ сув-да! Бир хапдори билан бирга.

Октябр ойининг ўрталари эди ўшанда. Маҳалламиздаги чойхона олдида яп-янги "Нексия"нинг мотори ўчиб қолди. Ҳайдовчи машинадан тушиб қўлига бир идиш олиб у ёққа юрди-бу ёққа юрди.

— Барака топкурлар, икки литр бензин топиб беринглар, нархини зиёдаси билан тўлайман.

— Ўзимиз ҳам тўрт ойдан бери машина минганимиз йўқ, — дедик унга кўзимизни лўқ қилиб.

— Ҳа, майли, — қўл силатди "Нексия" эгаси. — Бўларича бўлди. Бир челақ сув топиладими?

Биз ҳайрон. Нима: у машинасини ювмоқчимиз? Қизиқиб қолиб, бир челақ сув келтириб бердик.

Нотаниш шофёр нима қилаётганини яхши биладигандай сувни бакка қўйди-да, чўнтагидан бир дона хапдори олиб бакка ташлади. Биз бир-биримизга ҳайрон термулиб қолдик. У хотиржам машинасига ўтирди. Бир-икки "гинг-гинг"дан сўнг мотор ўт олди! Ё тавба! "Нексия" мотори сувда ишларди-я! Биз дарров машина атрофини ўраб олдик.

— Огайни, дорингизнинг сирини айтинг, — илтимос қилдим мен.

— Унинг бир донаси ўн литр сувни бензинга айлантиради. Япониядан олиб келишган.

Ялиниб-ёлвориб, 200 дона дори сотиб олдик. Донасига 2 минг сўмдан тўладик. "Нексия" кетгач, ҳаммамиз ўз гаражимизга ошиқдик. Машинанинг бакига

сув қуйиб, устидан мўъжизакор дорини ташлаб калитини бурадим. Аммо мотор ўт олмади. Яна ва яна уриниб кўрдим. Йўқ, барибир мотор ўт олмади. Бошим қотди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир кун кечки таомдан сўнг аччиқ чой ичиб, газета ўқигим келди. Газетада "Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!" сарлавҳали мақолага ва таниш суратга кўзим тушиб, электр токи ургандек қотиб қолдим. Ўзимни қўлга олиб, мақолани ўқишга киришдим. Ўқиганим сайин тепа сочим тикка бўла бошлади. Мен сотиб олган дори оддий йўтал дори экан. Бизни роса лақиллатибди, занғар.

Унинг "Нексия"си газ билан юраркан. Оббо, учаре, бир дунё хапдорисини пуллаб юборди-я?! Балки ўшанда икки литргина бензин топиб берганимизда бундай чув тушиб қолмасмидик, а?

### ЗУЛУК

— Ака, бу охиргиси, шуниям Тўра Жўраевичникига ташлаб келинг, — деб қолди муҳандисимиз Норматжон.

— Бу охиргисими? — дедим унга ишонқирамай.

— Ўғил бола гап, — деди у қатъий.

Йўлда кетяпман, ўз-ўзимга алам қилади. Тўра Жўраевичникига шағал, қум, тахта, гишт, цемент ташяпман. Ҳар сафар уй эгаси бўлмагани учун хотини дарвозани очади, юкни ағдариб қайтаман. Пул-мулдан оғиз очиш йўқ. Бундан ташқари муҳандисимиз у-бу сўраб ўтирманг деган. Бу менга қаттиқ ботади, албатта. Чунки машинанинг ёқилғисини ўзим олсам, ремонтини ўзим қилсам. Ҳатто тушлик ҳам киссамдан. Бундай бўлгандан сўнг...

Бу сафар бахтимга Тўра Жўраевичнинг хотини эмас, ўғли дарвозани очди. Олиб келган юкимни бўшатиб бўлгач, хўжайиннинг ўғлидан ҳаққимни талаб қилдим:

— Онанга айт, беш минг сўм берсин, Норматжон тайинлади.

Болакай уйга кириб кетди. Бошдаги дўппини бир айлантиргунча вақт ўтмай орқасига қайтди.

— Тогойи, отамга бориб айтинг, онамда пул йўқ экан.

Бу гапни эшитиб қотиб қолдим. Ахир бир ҳафтадан бери Тўра Жўраевичникига деб ташиётган нарсам, уникага эмас, муҳандисимиз Норматжон аканикига келаётган экан-да! Вой зулук-эй...

### МУКОФОТ

Байрам баҳона бошлиқ бизларни ўз хонасига йиғди. У салмоқлаб ўрнидан турди-да, яна чаққонгина ўтирди. Бу ҳол бизларни анча ташвишга солди. "Бирон хатолик иш қилибмизми?" дея бир-биримизга қараб қўйдик. Ҳаяжондамиз, юрагимизни ҳовучлай бошладик.

— Ўртоқлар, — ниҳоят бошлиқ курсисига яхшилаб ўрнашиб олди. — Бугун байрамимиз. Жамоамизга битта мукофот бор. Бизлар эса тўққиз ходимимиз, шунга бошим қотяпти.

— Бош қотирадиган жойи йўқ, — деди каттаконнинг ўринбосари дадил, — у сизга аталган экан. Чунки сиз бизнинг паноҳимизсиз!

— Ҳа, шундайликка шундайку-я, аммо "Бошлиққа берилмасин" дейилган.

— Бунинг йўли осон. Касаба уюшма қарор чиқаради. — ўринбосар бошлиққа яхши кўриниш мақсадида яна мукофот унга берилишини тарафдорлигини билдирди.

Лекин бошлиқ:

— Бир овоздан Диялга берсак-чи? — деб котибага қаради. — Бунга арзимайдими?

— Арзийди. Котиба яхши қиз. Унинг қўли ҳам ширин. Аччиқ-аччиқ чой дамлаганларини айтмайсизми? — кесатиб гапирди ўринбосар.

— Бўлмайди, — деди бироз фурсат ўтгач бошлиқ. Сўнг хонанинг у четидан бу четига юра бошлади.

— Бухгалтер Жамила Эшпўлат қизига берсак-чи? — деб қолди у туйқус.

— Бу гапингиз маъқул. Чунки бошлиқ котибасига мукофот берибди, деган гап-сўз тарқалади. Бу гап, Худо кўрсатмасин, янганинг қулоғига етса борми?

— Бас қилинг! Сиздан хотинимнинг қулоғини эмас, мукофотни сўраяпман, — ўшқирди бошлиқ.

— Жамила Эшпўлат қизига маъқул. Унинг мутахассислиги тўғри келади.

— Бўлмайди. Оқсоқолимиз бор. Соч-соқоли шу ерда оқарган. У кишига берсак-чи?

Ҳамма орқа ўриндикда ўтирган Маҳкам отага қаради. Маҳкам ота қизарганидан ерга кириб кетгудек бўлди. Ҳатто ўрнидан туриб раҳмат айтишни ҳам унутди. Афтидан, шу сабаб бу мукофот унга ҳам nasib қилмади. Охири навбат каминага тақалди. Ўринбосар аввалгидек булбулигўё эди. Каттаконнинг сабри чидамади. Ўринбосарга бўкириб берди.

— Абдуқўзи Қулоқович! Сиз қанақа бетайин одамсиз. Уни айтсам, мақтайсиз, буни айтсам тўн кийгизасиз. Мукофотни ўзингизга берсак бўлмайдими?

Ўринбосар мийиғида кулди.

— Шундай қилсангиз ҳам бўлади. Бари бир мукофот менга аталган. Бундан уч ой олдин тасдиқдан ўтиб келган эдим. Яна...

Ўринбосарнинг бу қилиғига бошлиқнинг оғзи очилиб қолди. Лекин мукофотдаги рангли телевизор бари бир ўринбосарга nasib этмади. Кимга nasib этди дейсизми? Майли, сазангиз ўлмасин, сизга айтаман. Қани қулоқни яқинроқ олиб келинг-чи: мукофот каминага ёзилди-ю, бошлиққа nasib этди. Шунақа гаплар.



Абдуазим ҚОБИЛОВ

НАЗМ

# Ҳаёт шаробин тутид

...ҒА

Тақдирнинг дарёси кўрсатди ўйин,  
Суздик долғаларга ҳиссиз қорилиб.  
Қисмат чалганида айрилиқ куйин,  
Ўнгу сўл қирғоққа кетдик бурилиб.

Ойу кунлар ўтди, ошишиб доvon,  
Бир-бирин шиддатли, аёвсиз қувиб.  
Иккита манзилда турибмиз ҳайрон,  
Армон деб аталмиш ёмғирда ивиб.

Ҳижрон синовига беролмасдан тоб,  
Баъзан талпинаман висолинг томон.  
Билмасман, бу ишим гуноҳми-савоб?  
Кўнглимни орзуси яхшими, ёмон?

Сўнгсиз саволларга тополмай жавоб,  
Васлингни соғиниб яшайман ҳар он.  
Сени эсламоқлик мен учун азоб,  
Сенга интилмоқлик истагим ҳамон!

Чорак аср ўтди, бир кундек гўё,  
Шунча йил яшадим сени соғиниб.  
Шунча йил соҳилда кезаман танҳо,  
Армон ёмғирида тинимсиз ивиб.

ҚИЗИМ УМИДАГА ТИЛАКЛАР

Биринчи кўнғироқ, жонажон мактаб,  
Улкан орзуларинг қаноти бўлсин.  
Бепоён ватанинг, юртингни мақтаб,  
Келажак ҳаётинг шодликка тўлсин.

Меҳрибон устозлар ўргатган билим,  
Офтобдек ёритиб турсин йўлингни.  
Гулласин она-юрт, бор бўлсин элинг,  
Бахту-омад ҳамиша тутсин  
қўлингни!

\* \* \*

Кўзларингда икки томчи ёш,  
Чехранг узра армоннинг изи.

Наҳот сенга ғам бўлди йўлдош,  
Юрагимнинг танҳо, ёлғизи.

Айрилиқ гоҳ қалбингни эзиб,  
Дилгинангни айладими тор?  
Юзларингга ажинлар чизиб,  
Хафа қилиб, бердимиз озор?

Ҳаёт аччиқ шаробин тутиб,  
Кўзларингни намлайди ҳамон.  
Кўнглим эса бир садо кутиб,  
Талпинади доим сен томон.

Давом этар тақдирнинг иши,  
Синар бизни ҳар соат, ҳар кун.  
Баъзан оғжиз қолади киши,  
Азобларга тополмай яқун.

Дунё ўзи аслида бир кам,  
Йиғламагин, дарёдек тошиб.  
Ёшларингни артиш-чун эркам,  
Киприklarим бормоқда шошиб!





Юсуф ХУДОЙҚУЛ



# Кўзинг қароғида кўёшининг тафти

## ЭВРИЛИШ

Юрагимга сизмаяпти шеър,  
Улкан тоғлар кифтимда гўё.  
Ҳаёт мени этади таҳқир,  
Бир каромат кўрсатар дунё.  
Шу жуссага шунчалик ташвиш,  
Ўйлаяпман, қадамларим суст.  
Бари бекор, бекорчи бир иш,  
Юрагимга ўзинг бўйла, дўст,  
Кел, шаробни кўрайлик баҳам.  
Тоғлар ғариб осмон олдида,  
Ўртамизда мўъжаз сойлик ҳам.  
Бир пиёла шароб қолди-да...  
Капалакка ўхшайди кунлар,  
Ҳеч юракка тутқич бермайди.  
Кўзлар кўкка ўрганган тунлар,  
Эҳ, муқаддас ерни кўрмайди.  
Ана кўклам, бўй чўзди яна,  
Куйлаяпти боғда зарғалдоқ.  
Наҳот ҳаёт қиз яноғига  
Кўниб олган битта қизғалдоқ.  
Юрагимга сизмаяпти шеър,  
Улкан тоғлар кифтимда гўё...

\* \* \*

Кўзинг қароғида кўёшининг тафти,  
Сен ўтдан яралган  
малаксан, жоним.  
Елкамга тушдим  
фалакнинг кафти,  
Ўтли нигоҳингга боғланди жоним.  
Кўзимга оловдек кўринди дунё,  
Чирсиллаб ёнмоқда яшил ўт-ўлан.  
Қақнус нафаси-ла чўғ сочар, илло,  
Келдим ёнаётган юрагим билан.  
Кафтимни узатдим  
кафтинг ахтариб,  
Қовушсин бармоқлар,  
қовушсин вужуд,  
Ногоҳ пайдо бўлди юпун ва ғариб,  
Нотаниш бир кимса, чала туриб уд.  
Қанча узун бўлса аланга тили,  
Шунчалик тез сўнар,  
қолмайди тафти,  
Чақмоқ умри каби муҳаббат йўли,  
Бир ёниб, бир сўнар  
куйдириб кафтинг.

\* \* \*

Боролмадим, чорладинг  
Малак тунлар қошингга.  
Арзирманми, билмадим,  
Кўзда томчи ёшингга.  
Сочлари тарам-тарам,  
Кокили жингалак қиз.  
Юракдан жой олади,  
Ойдан оппоқ билак қиз.  
Дилга чўкар хавотир,  
Уйқу келмас кўзимга.  
Тун кўриқчи қошида,  
Ухшайдиган ўзимга.  
Сочлари тарам-тарам,  
Кокили жингалак қиз.  
Бўлгаймисан ижобат,  
Қилсак тунлар тилак, қиз.  
Оёғимда занжир бор,  
Кетолмайман кўшилиб.  
Томчи ёши кўксимда,  
Куйдирар бағрим тилиб.  
Сочлари тарам-тарам,  
Кокили жингалак қиз.  
Қирмиз тусли юракка  
Сизмас сиздан бўлак, қиз.

\* \* \*

- Ватан нима?
- Кўнгилларда оқаётган меҳр суви.
- Ватан нима?
- Момоннинг, ҳув, адирдаги оқ ўтов.
- Ватан нима?
- Ой синглимининг кифтидаги соч пупаги.
- Ватан нима?
- Чўпон бобом бошидаги сур телпаги.
- Ватан нима?
- Шўх боланинг кенг кўчада одимлари.

- Ватан нима?
- Миллатимнинг яшнаётган удумлари.
- Ватан нима?
- Суринсанг гар суянгувчи устунингдир,
- Ватан нима?
- Кўзда ёшинг аритгувчи бутунингдир.
- Ватан нима?
- Очиққанда туз тотгувчи тузлигингдир.
- Ватан нима?
- Бу дунёда борлигингу ўзлигингдир.





Носир БОЙМИРЗАЕВ

# ПОВВОНЧА РАҚС

Ҳикоя

Тўйчи полвон йиқилди. Даврадагилар бир қалқиб тушди.

— Ҳалол! Нормўмин полвонники ҳалол! Полвоннинг зотини берин!

Буларни Тўйчи полвон эшитмади. У бутунлай ўзини йўқотиб кўйганди.

"Энди элнинг кўзига қандай кўринаман?!" — Тўйчи полвоннинг миясига гурзидай келиб тушган нарса шу бўлди. У шахт билан даврандан чиқиб кетди. Шу пайтда унга қашқир йўлиққанда ҳам бу важоҳатни кўриб думини қисганча қочиб қолган бўларди. У айбни Нормўминдан қидирмади. Чиндан ҳам у ҳалол енгганди. Ҳаммасига ўша қанжик сабабчи, дея бўралиб сўкинди. Тавба, шу тобда у қандай қилиб эсига тушиб қолди экан, ўзи ҳам ҳайрон. Ҳа, ёдига тушди. Нормўмин полвон Шўрчидан келиб эди. Тўйчи полвон у билан авваллари салом-алиқ қилмаган бўлса-да, унинг олишини уч-тўрт тўйда кўрган. Ўшанда у Тўйчидан йиқилган полвонларга чиқиб юрарди. Гоҳ йиқитиб, гоҳ йиқиларди.

Турдикул раис анчадан бери йигиб юрганларини бугун тўкиб-сочди. Тўйидаги курашга кўп-кўп номдор полвонларни чақирди. Кураш қизигандан қизиди. Анчадан буён бундай курашни кўрмаган каттаю кичик полвонлар уйларига хурсанд қайтадиган бўлди, ишқилиб, "бир нималик" бўлиб қолишди.

Курашнинг "таги кўринай" деганда, давранинг баковули Ҳазрат полвон ўртага чиқди.

— Халойиқ! — Унинг овозидан ҳамма тин олди. — Эшитинглар, энг сўнгги зот, "товоқ"ни эълон қилаяпман. Товоққа мана шу тўй эгаси Турдикул раис бир туя, бир кўчқор атабди. Хуллас, ким олса — бир тўн, бир кўчқор! Юрагимда ўтим бор, деган полвонлар бўлса, чиқаверсин.

Ҳазрат полвон қўлидаги товоқни давранинг ўртасига кўяр экан, зотдаги пулдан битта беш юзталикни олиб, товоқнинг тагига бостириб қўйди. Бу "хамир учидан патири" дегани бўлди.

Даврада гала-говур бошланди. Биров "Тўйчидан бошқа ким ҳам оларди" деса, бошқа биров "Сурхондарёдан ҳам полвонлар келганмиш, даврадаги курашда кўринмади, балким "товоқ"ни кутиб ўтиргандир", дея баҳслашарди.

Тўйчи полвон шошилмади. "Қани, менга ким рақиб бўларкан", деган ўйда даврандан кўз узмади. Давра бир мунча совиб қолди. Бу пайтга келиб, Тўйчи полвоннинг полвонлик гурури ва ғайрати шу даражага етган эдики, энди даврага чиқмай иложи қолмаганди. Уни қандайдир куч даврага чорларди. Ахир, фалончининг тўйига Тўйчи полвон келармиш деса, чекка-чекка худудлардаги қишлоқ аҳли ҳам юмушини ташлаб, томошага отланади. Қолаверса даврадаги бу ҳайқириқларнинг аксарияти унга

таниш, булар унинг ҳамқишлоқлари. Чекка қишлоқларда қаердансиз, деб сўраганларга "хув-в Тўйчи полвонни эшитганмисиз, ўшанинг қишлоғиданмиш", дейдиганлар ҳам мана шулар. Тўйчи полвонни даврага судраётган қандайдир куч ана шу эди. Тўйчи полвон бошини эгганча камтарона "товоқ" томон борар экан, буларни ич-ичидан ҳис қилиб турарди. Мана, у зотни олди. Баковул уни енгидан тутганча давра бўйлаб айлантирмоқда:

— "Товоқ"ни Макриддан Тўйчи полвон олди. Шу полвонга талабгорлар борми-и-и, даврага чиқси-и-и!

Тўйчи полвон атрофдагиларга зимдан бургут қараш қилиб кўйяпти. Бу билан у қани, мардинг борми ичингда, дегандай бўлади. Давра яна совий бошлади. Полвон зотида ор кучли-да, чидаб туролмайди. Шу пайт даврага Тўйчига қараганда анча ёшроқ, қорувлигина йигит чиқиб келди. Келиб баковулнинг сўл қанотидан жой олди. Ҳамманинг нигоҳи шу икки полвонга қаратилди. Яна Ҳазрат полвоннинг овози янгради.

— Халойиқ, эшитинглар! Ҳей, болаларди орқароққа олинглар, давра кенгроқ бўлсин! — У ёрдамчи баковулларга танбех берди-да гапида давом этди: — Товоқни Китоб — Макриддан Тўйчи полвон олиб эди, унга Сурхандайранинг Шўрчисидан Нормўмин полвон талаб соб чиқди. Бу иккала полвонди зотиға Турдикул раисни укаси Ризокул ҳам ўн минг сўм қўшдим, деяпти. Энди бу полвонларди зоти бир туя, бир кўчқор, ўн минг пул бўлди. Қани, полвонлар, шўх-шўх олишиб, ўртада йиқитиб, зотларингизни ҳалоллаб олингизлар!

Полвонлар ҳар галгидек кураш даврасини завқ билан кузатиб турган чолларнинг қаршисига боришди. Кекса полвонлар: "Йигит пири қўлласин!", "Пирлар мададор бўлсин!", "Елканг ер кўрмасин!" дея дуо бердилар. Шундан сўнг полвонлар ризқ улашаётган тупроққа, йиқилса кўтариб суягувчи Она заминга таъзим қилишди, ер ўпиб, Тангридан мадад сўрашди. Тўйчи полвон бошини сарак-сарак қилди. Кенг елкаларини тез-тез қимирлатди. Сўнг қўлларини кўкка чўзиб, бармоқларини жазавага тушган одамга ўхшаб силкита бошлади. Шу аснода дик-дик сакраб ҳам турди.

Тўйчи полвоннинг кўнгли тўқ. Рақибини "мендан йиқилган полвонлар билан олишиб юрган полвон-да", деб ўйлади. Менсимасдан, бемалол олиша бошлади. Бир-икки марта Нормўмин полвоннинг елкаси ер кўришига оз қолди. Ҳатто атрофдагиларнинг баъзилари "Ҳалол!" деб қийқариб юборишди ҳам. Бу Тўйчи полвонни анча ҳаволангирди. Фолиблик ҳидини туя бошлади. Бироқ, Нормўмин полвон ҳам ҳадеганда бўш келай демасди. Балки, бутун кучини бир жойга тўплаш учун пешқадамликни кейинга суриб тургандир, ким билсин, яна? Хуллас, нонини қулоғига емаганлиги кўриниб турибди. Икки номдор полвон курашидаги худди мана



шу сусткашлик Тўйчи полвоннинг хаёлини ўғирлади. Ёки хаёли унга хиёнат қилди. Шу тобда биринчи хотини Гулсанам ёдига тушди, у ҳам унга хиёнат қилиб, бир ўғли билан бошқага тегиб кетган эди. Ушанда Тўйчи полвон "бу укагарнинг зоти тоза чиқмади, қони бузуқ экан", деб жавобини берганди. Ахир, Тўйчи полвоннинг хотини "ўйинчи" эмиш, деган гапни кўтаргандан кўра, анов пурвиқор Пайғамбарсупа тоғини елкасига ортмоқлаб юргани минг карра осон. Тунов куни жўраси Холбозор бир гапни топиб келди: "Гулсанамлар ҳозир Шўрчида яшаётган экан. Ўғли ҳам катта йигит бўлиб қолибди. Сурхондарёдаги қайси бир тўйда учратиб қолганмиш". Ҳозир олишайтган рақибининг ҳам Сурхондарёдан эканлиги ёдига тушди.

Тўйчи полвоннинг чалғиши панд берди. Рақибининг ўнгини олиб, ўзига қулай чилни қўлаганини сезганида кеч бўлганди. Уни ҳеч бир усул билан қайтариб қолиш имкони йўқ, энди ўзининг ярим, нари борса бир дақиқадан сўнг "юлдуз санаш"ини ҳис этишдан ўзга чораси қолмаганди. Шундай бўлди ҳам.

Бу кеча Тўйчи полвоннинг кўзи уйқуга илинмади. Мағлубият алами бир дақиқа ҳам ором бермади. Овқат кўтариб кирган хотинини ҳам сўкиб-сўкиб, Гулмат носфурушникига носга чиқарворди.

Тонг пайти, хўрозлар ҳали қичқиришга улгурмасдан Тўйчи полвон далага йўл олди. Отининг хуржунига кетмон, белкурақларини солволди. Эрта баҳор Пайғамбарсупанинг қунчиқар томонидан ер олиб эди. Ўзича ерига ишлов берган бўлди.

Тушга яқин кун қитзигандан қизиди. Тўйчи полвоннинг томоғи қурди. Хуржунини елкага олиб, яқин атрофдаги дўлананинг тагидан чордона курди.

"Ойсулувим ақли хотин, — кўнглидан ўтказди у. — Менга билдирмасдан хуржунга бир косада қатиқ, иккита нон, бидончада сув солиб қўйибди".

Тўйчи полвон тушдан сўнг яна ишида давом этди. Қош қорайиши билан от жиловини уйи томон бурди. Бу кунларда Тўйчига отидан бўлак маҳрами-дўст йўқ эди. Шу тахлит бир неча кун элнинг кўзига кўринмади. Бу орада полвоннинг ҳовури бирмунча босилди. Аламлари унутилгандай бўлди. Энди у интиқлик билан навбатдаги курашни кутарди. Нормўминни халқнинг кўз ўнгида йиқитиб, юзи ёруғ бўлиши керак. Ахир давраларнинг тўри, ош бетидаги иликнинг зўри ўзиники бўлган. Тўйчи полвон қирқ кундириқ, бировга катта гапиролмайди. Одамлар "Аввал Нормўминни енггин-да, кейин кўкрагингни кер", дегандай бўлаверади. Ҳа, ушанда Тўйчи полвон кураги билан йиқилмади, юраги билан йиқилди.

Тўйчи полвон кутган кун келди. Тўрт-беш полвон оғайнилари билан Шўрчидаги тўйга йўл олди. Кураш бошланишидан бир кун олдин келиб, шу атрофдаги ҳовлиларнинг бирида қўноқ бўлишди.

Улар етиб келганларида даврада болакайлар навбати тугаб, гал ўсмир-йигитчаларга етганди. Давра атрофи тумонат одам. Улар бир-бирларининг елкаси оша бўйлашиб даврадан кўз узишмас, полвонларнинг курашишини катта бир завқ билан кузатишмоқда. Аста-секин кураш "катталаша" борди. Бирин-кетин номдорроқ полвонлар кураша бошлади. Тўйчи полвоннинг шерикларидан Найим полвон даврага чиқди. Даврадагилар унинг қашқадарёлик эканини эшитгач, полвонга нописандлик билан қичқиришди.

— Ҳа, Файзулла, бўш келма, шуни йиқитолмасанг, нима қилиб юрибсан, — дея ўз ҳамқишлоқларини олқишлай бошладилар.

Бу бақир-чақирлардан руҳи тушдимиз, ё рақибини ростдан ҳам зўр эканми — бу Найим полвонга аён. Ҳар қалай, томошабинларнинг билгани — даврада Найим полвоннинг елкаси "ер искади". Найим полвоннинг орига

Тўйчи полвон ёнидаги Пўлат полвонни турғизиб юборди. Пўлат полвон ёнида Файзулла полвоннинг кучи бир оз тенг келди шекилли, уларнинг олишишидан даврадагилар зерикди. Баковул иккала полвоннинг кучи тенг экан, деб натижани дуранг қилмоқчи бўлди. Яна даврани оломоннинг бақир-чақири тутди. "Индаманг, олишсин, Файзулла ўлар-қолар жойда эмас, полвоннинг шаштини қайтарманг!".

Бу қий-чувлардан куч олган Файзулла полвон "Ё, Али!" дея кўққисдан Пўлат полвонни "қўшша"га олди. Пўлат полвон "гурс" этиб ўнг ёни билан тушди. Ҳамма шуни кутиб турган шекилли, бирваракайига "Ҳалол!" деб юборишди.

Пўлат полвон баковулга ҳар қанча эътироз билдирмасин, давра раиси ҳамкорларига қарши боролмади. "Файзулла полвон, зотингизни олинг!" дея эълон қилди. Шу пайт тишини-тишига босиб ўтирган Тўйчи полвон отилиб чиқди. Тўйчи полвоннинг ваҳожати шу қадар ваҳимали эдики, ҳозир у ўн-ўн беш чоғли одам билан дўппослашганда ҳам уларнинг барини ерга кўрпачадай "тўшаб" қўйишга кўзи етарди. Тўйчи полвон баковулга ёпишди:

— Нега гирром айтасан? Кимни алдамоқчи бўлаёпсан! Бу ўйинингни бориб энанга қил!..

Тўйчини шериклари зўрға ушлаб қолишди. Шунда даврадагилар буниси ҳам олишсин, армонда кетмасин, дея Тўйчи полвонни масхара қилди. Тўйчи полвон қараса, ростдан ҳам ўзининг гали келганга ўхшайди. Қолган икки-уч шеригидан умид йўқ. Уларни Файзуллага қўйиш — булутсиз осмондан ёмғир кутгандай бир гап. Файзулла полвон устма-уст ғалабадан анча ўзини босиб олди, қишлоқдошлари олдида ҳаволандими, ишқилиб, баковулга қарата: "Майли, чиқаман", деди. Бу Тўйчи полвоннинг ғазабини баттар оширди. Баковул бир ёнида Файзулла полвон, бир ёнида Тўйчи полвонни етаклаб давранинг ўртасига чиқди.

— Ўнг томонимда турган Шўрчидан Файзулла полвон, чап томонимдаги қашқадарёлик Тўйчи полвон. Тўйчи полвон ошналарининг орига Файзулла полвонга талаб солиб чиқяпти, бу иккала полвоннинг зоти — бир кўчқор, бир така!..

Файзулла полвон рақибига тезроқ чиқсанг-чи, дегандай давра айланиб турди. Тўйчи полвон яктагини қийиб чиқаркан, йўл-йўлакай белбоғини боғлаб олди. Рақибининг кенг кўкрақларига, чайир мушакларига кўзи тушгач Файзулла полвоннинг ичидан қиринди ўтди. Лекин буни билдирмасликка уринди. Полвонлар даврага чиқишди. Даврада энди иккаласидан бошқа ҳеч ким олишайтгани йўқ. Ҳамманинг кўзи шу иккала полвонда. Тўйчи полвон рақибига яқинлашди. Эпчиллик билан Файзулла полвоннинг ичига кириб белбоғидан тугди-ю, белига миндириб, "Ё, пирим!" дея ҳайқирди. Ҳайқирик тинганда Файзулла полвон бор бўйи билан давра ўртасида чўзилиб ётарди. Кўз очиб, юмгунча бўлиб ўтган бу ҳол шармандалиги Файзулла полвон учун йилларга татирди. Файзулла полвон Файзулла полвон бўлибдики, ҳали бундай кучли рақибга сира йўлиқмаган эди. У ёмон йиқилди шекилли, зўрға ўрнидан туриб даврани тарк этди. Шу пайт қаердан пайдо бўлди, даврада Нормўмин полвон кўринди. Ғала-ғовур бошланди.

— Ана энди курашнинг зўри бўлади, — дейишарди томошабинлар. — Чунки Нормўмин полвоннинг кейинги пайтда роса куни туққан, унинг олдини кесиб ўтадиган полвон йўқ ҳозир.

Баковул полвонларни таништириб, зотини овоза қилди. Давра четида рақибини кутиб тураркан, Тўйчи полвон бутун кучини билакларига тўплади. Кураш бошланди. Биринчи ушлашишдаёқ Нормўмин полвонни тиззалатиб қўйди. Кейинги ушлашувларда ҳам Тўйчи полвон Нормўминни анча довлдиратиб қўйди. Нормўмин полвон ўқтин-ўқтин давра айланиб юриди, бу ўзини олиб

қочаётгани бўлди. У баковулни дуранг билан тутатиб беришини кутарди. Баковул уларга охирги икки "қафас"ни эълон қилди. Бу иккита ушлашувдан сўнг, ҳеч қайси томон йиқитмаса, кураш дуранг билан ажрим топади, дегани эди.

Тўйчи полвон безовталанди. У Нормўминни йиқитаман, деб неча кунлар оромидан айрилди. Энди имкон бўлди, деганда эса... Шуларни хаёлидан ўтказаркан, рақибига янада синчковроқ қаради. Шу пайт бир нарсани сезиб қолди: Нормўмин полвон оғирлигини кўпроқ чап ёнига ташлаб турибди. Тўйчи полвон вақтни бой бермай дея, шахд билан рақибининг, чап товонига "қоқма" берди. Рақиб бутун кураш давомида шунини қутаётган эди, оғирлигини чап оёғига ташлаб, Тўйчи полвоннинг ўнг оёғидан кўзини узмасди. Бу унинг тузоғи эди. Тўйчи полвоннинг бор кучи билан тепган "қоқма"си бекор кетди. Рақиб чап оёғини олиб қочишга улгурди ва эпчиллик билан мувозанати қочган Тўйчининг ўзига ўша усулни қайтарма қилди. Тўйчи полвоннинг иккала оёғи ҳам ердан узилиб, бор бўйи билан ағнади. Тўйчи полвоннинг кўзига бу дунёлар қоронғи бўлди. Бу гал унинг жаҳли чиқмади, аввалгидай кўзларига қон қуйилмади, бўғзига нимадир келиб тиқилди. Тўйчи полвон ич-ичидан бўзлади. Ҳамма йигласа ҳам полвон йигламасин экан.

Бир овоз азага чорлаётган жарчининг овозидай қулоққа ёмон келди: "Тўйчи полвоннинг орига чиқадиган борми? Қани, Қашқадарёдан келган полвонлар, нега нафасларинг чиқмай қолди?.."

Ҳамма бир-бирига қарайди. Ҳозир ер ёрилганида, биринчи бўлиб унга Тўйчи полвон ўзини отган бўларди. Бироқ ер жуда қаттиқ бўлди, осмон эса йироқдан-йироқ. Баковулнинг овози яна бир бор янгради. Оломон орасидан кимнингдир "Қўйинг, баковул, кўп қийнаманг, бечораларни бошқа пичоққа илинадигани қолмади" — деган масхараси эшитилди. Шу пайт даврага бир йигитча отилиб чиқди. Ёшининг ўн олти-ўн етти яшарлигини ҳисобга олмаса, бўй-бастига қараб уни "йигитча" деб бўлмасди.

— Тўйчи полвоннинг орига мен чиқаман! —

Унинг овози барчани ўзига қаратди. Ҳамма ҳайрон. Тўйчи полвон ҳам. Ҳайронлигини боиси, бу зуваласи пишиқ йигит қашқадарёлик полвонлар ўтирган тарафдан эмас, балки сурхондарёликлар қаторидан чиқиб келганди. Йигитча гапини бошқа такрорламади. Аслида бунга ҳожат йўқ эди. Даврага отилиб чиқётган пайтдаёқ унинг овозини ҳамма эшитиб бўлганди. Нормўмин полвон ҳам ажабланди. У йигитчага бошдан-оёқ разм соларкан, бу қарашдан "сен қолувдинг ўзи", деган маънони англаш қийин эмасди. Баковул полвон билан ҳалиги йигитни давра ўртасига етаклаб чиқди. Ҳамма баковулнинг оғзига қараган. Ҳамманинг қулоғи динг.

— Ўнг қўлимдаги — сурхондарёлик Нормўмин полвонга чап қўлимдаги манави полвон талаб солиб чиқди!

(Баковул йигитчага ўзингни таништир, дея қулоғини тутди.

— Сурхондарёдансан, шекилли, отинг нима?

— Йўқ, Қашқадарёданман. Отим — Эргаш.

— Халойиқ! Гинчланинглар! — баковул яна ҳаммани ўзига қаратди: — Чап қўлимда турган полвон — Қашқадарёдан Эргаш полвон, бу икки полвоннинг зоти бир туя, бир кўчқор, ўн минг пул бўлди. Ўртада ким ҳалоллаб йиқитса, зот шуники-и!

Кураш бошланди. Даврадагилар бир-бирига пичирлай бошладилар.

— Эй-я, бу элбаёнлик Маҳкам бригадирнинг ўғли-ку!

— Йўғ-э, Маҳкам бригадирнинг ўғли йўқ эди, шекилли.

— Тўғри, бу иккинчи хотинининг боласи. Онасига эргашиб келган.

— Эй-ҳа, бу ҳалиги Гулсанамнинг ўғли-да, Қашқадарё томонлардан келиб қолган.

Гап шу жойга келганда Тўйчи полвон шартта орқасига ўгирилиб қаради. У ҳаммасини эшитиб турганди. Охирги гап эса этларини жимирлатиб юборди. Пешонасига иссиқ тер қўйилди. Бу ҳаяжонми, севинчми, ғурурми — Тўйчи полвоннинг ўзига ҳам ноаён.

Тўйчининг отаси бир пайтлар катта полвон ўтган. Эргаш полвон, деса, чекка-чекка ҳудудларгача танишарди. Тўйчи полвон ўғиллик бўлганида онаси ҳаёт эди. Ўғлининг исмини момоси топган, неварам бобосидай полвон бўлсин деб, исмини Эргаш қўйган эди...

— Ё, отам! — Бу ҳайқириқ Тўйчининг хаёлини тўзғитиб юборди.

"Ҳалол!", "Отанга раҳмат!", "Эргаш полвон, зотингизни олинг!" Давра аҳли қийқириб полвонни олқишлашарди. Тўйчининг кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Эргаш полвон давра ўртасида қўлларини кўкка чўзганча бошини сарак-сарак қилиб, бармоқларини силкитиб-силкитиб, сакраб-сакраб ўйнади. Бу рақс шунчалик завқли эдики, у киндик қони тўкилган жойнинг орини оқлади.

Эргаш полвон ижросидаги рақс полвонлар ўйини, дейилади. Уни ҳеч ким полвончалик маҳорат билан ижро этолмайди. Бу ўйинни кўрган ҳар қандай кишининг ҳам энг шимариб, кураш тушгиси келади.

Тўйчи полвон ўз ўйинини таниб, ҳайратдан ёқа ушлади — қонига тортибди-да, ўзимга ўхшабди. Мана, қанча вақтлар ўтдики, кейинги пайтда Тўйчи полвон курашларда бундай яйрашни, бундай хузурни туймаган эди. У даврага югуриб чиқди.

— Ўғлим! — дея ҳайқириб, Эргаш полвонни бағрига босди. Сўнг қўлларини кўкка чўзганча, бармоқларини силкитиб-силкитиб, сакраб-сакраб ўйнади.





Вазира ШОДИЕВА

# Кўнглима ишқининг шуъласи тушди



## КЎНГИЛ ИШҚИ

Кўнглим дардига даво йўқ, ишқингда овораман,  
Улус аро йўқ тоқат дашт сари равонаман.

Алифдек қоматим дол, куйдиради-ку фироқинг,  
Ман ҳажрингда дилафгору ҳам дили садпораман.

Висолки ҳушдин айирмиш Лайлини Мажнун каби,  
Мен-ку, васлингда гадо бир фақир-бечораман.

Жаҳон кезганда кўнглим ватан сари тортадур,  
Ман кулбамга етолмасдин, жаннатда бегонаман.

Бошима келса ишқ тиғи, жоним нисор этгаймен,  
Андин ўзга йўқ бисотим, ман ғариб сайёраман.

Бир замон кўкдан кўнглима ишқинг шуъласи тушди,  
Исминг сеҳру шавқидин мен ҳануз девонаман.

Эй оишқлар, сиз Вазира ишқидин сўз очмангиз,  
Куйдирса ҳам ишқ аро ишқ ўтида парвонаман.

\* \* \*

Бу жаҳонда сенингдек, шарм айлагувчи бормикан,  
Тун зулматда ўзини шам айлагувчи бормикан.

Бу дунёда емоқлик бор биров ҳаққин хотиржам,  
Лек виждонан бошини ҳам айлагувчи бормикан.

Хайр этмак бор, Ҳотам каби юз кун бечораларга,  
Лек ҳалол нон-ла карам айлагувчи бормикан.

Бу оламда нафс йўлидин юриб йиққанлари самм,  
Савоблардин гуноҳни кам айлагувчи бормикан.

Ҳисоб кунни ҳама одам Машҳаргоҳда бўлур жам,  
Қўрқиб гуноҳдин кўзни нам айлагувчи бормикан.

Очмагай қалбин Вазира, барчадин кўрди ситам,  
Анга сендек ўзни маҳрам айлагувчи бормикан.

## РАШКИМ

Э.Воҳидов газалига назира

Агар ўнса сочларингни саболардин рашк қилурман,  
Юзларингга юзин қўйган ҳаволардин рашк қилурман.

Ишқидин номус айлаган анорларга лабинг тегса,  
Лабинг олин сўрган ҳатто гадолардан рашк қилурман.

Илқингдаги анор эмас, паймонаси тўлган хумча,  
Сени бағри қон хумчадек саҳболардан рашк қилурман.

Магар келсанг олов ёқиб дилларимни куйдиргали,  
Яна манга жафо тутсанг, жафолардин рашк қилурман.

Келиб айтсалар, сарвинозинг кўзларидин томди ашқ,  
Борсам, ашқин тутиб турса, ридолардин рашк қилурман.

Эй, рашким эй, Вазиранинг бағрин ёқиб изо этма,  
Сени рашк айлаган дили изолардин рашк қилурман.

## АЁЛ

Баҳор сўраб келди эй, аёл,  
Пойингга гуллола сочгани.  
Бинафшалар шошиб ундилар,  
Висолингга қучоқ очгани.

Шоирларинг сўзлари тотли,  
Фақат сени васф айлаганда.  
Аёл, хуснинг дунёларга тенг,  
Сочларингени бахт ҳидлаганда.

Орзуларинг бамисли уммон  
Осмонларга бўйлар хаёлинг.  
Хитоб айлай жаҳон мардига,  
"Фақат асра аҳли аёлинг".

Аёл — она, мушфиқа сингил,  
Жуфти ҳалол умр йўлинда.  
Аёл, эртақларга кўнгли берма, эй,  
Эрмак бўлма нокас қўлинда.



# ЖАЗИРАМАДАГИ ОДАМЛАР ҚИСМАТИ

XXI асрнинг дастлабки йилларида ўзбек адабиётида романнавис адиблар сафи нисбатан ёш ижодкорлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Улуғбек Ҳамдам, Луқмон Бўрихон, Тўхтамурад Рустамов, Исмоил Шомуродов каби адиблар бир ёки иккитадан романлар эълон қилишдики, улардан баъзилари адабий жамоатчилик орасида қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлмоқда. Юқоридаги ёзувчилар ижодида тасвир ва услубда ўзига хосликка интилиш кучли бўлиб, бу, албатта, адабиётимизда кечаётган янгиланиш ва изланишлар жараёни ҳосиласидир.

Кўп ҳолларда бирон-бир миллий адабиётнинг бўй-бастини унда яратилаётган йирик асарлар белгилагани учун романнависликнинг бугунги кунда тобора шиддатли тус олаётган тараққиёти адабиётнинг эртасига катта умид уйғотади. Шу жиҳатдан, айнан қайси романлар адабий жараёнга сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, муаллифнинг ва адабиётнинг ютуғи ҳисобланишини аниқлаш, айниқса, романлар сони кескин ошиб бораётган даврда янада долзарблик касб этади.

Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи тилга тушган ва қизиқиш билан ўқилаётган асарлардан бири. Роман ўтган асрнинг тақрибан 70-80-йиллари воқелигини акс эттирса-да, айни мавзудаги бошқа асарлардан ўзгача бир таровати билан ажралиб туради. “Жазирамадаги одамлар”, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг сўнг сўзида таъкидлиб ўтилганидек, чўл бағридаги 41-посёлка аҳлининг “нурсиз ва заволли ҳаёти” тасвирига бағишланган. Бу ҳаётнинг умумий манзараси куйидагича: “Одамлар тоғдагидан баттар укубатли тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетишган эди... Бора-бора ароқхўрлик, қартабозлик чўлқуварларнинг аввал эрмагига, сўнг чинакам маданий ҳаётига айланиб кетди”.

Ҳукуматнинг даъватига кўра ярим кўнгилли тарзда тоғдан ўзлаштирилаётган чўлга кўчган одамлар, гўёким, шафқатсиз синов майдонига тушиб қолгандек бўлишади. Фақат табиат эмас, мустабид тузум ва унинг сохта мафкураси ҳам одамларни жизғанак қилиб куйдириб, уларнинг кулидан бир хил қолипдаги нусхаларни яшашга зўр беради. Шундай нобоп бир шароитда ҳам “жавҳари” бутун одамлар кўзларини тўсган парда ортидаги ҳақиқат нури жилваларини кўнгили кўзи билан кўришгани, сохтакорликка қарши қурблари етганча исён кўтариб, ўзларининг табиий ва самимий истак-

майлларига кўра ҳаёт кечиришга, таъбир жоиз бўлса, кулдан чиққан қақнус каби ўз аслига қайтишга интилишлари романнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Романда турли ёш, турли машғулот ва турли хулқ-атворга эга ўнлаб персонажлар мавжуд. Баайни моҳир кўғирчоқбоз барча кўғирчоқларнинг ипини ўз кўлида ушлаб, томоша давомида сахнадаги ролига қараб, уларни ўйинга тортиб тургандай, роман муаллифи катта-кичик персонажларнинг биронтасини унутмай, турлича шароитда уларнинг ўз “мен”ини кўрсатишларига эътибор қаратади.

Муаллиф асар қаҳрамонларини кўпам таъриф-тавсиф қилмай, улар шахсиятини ўзларининг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, турли вазиятлардаги ҳолатлари, бошқа персонажларнинг уларга берган таърифлари орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Ҳикоячи ровий ўз отаси Эргашни куйидагича тавсифлайди: “Ҳа, отам ҳам эл қатори ичкиликка бесуяк эди... Ёлғиз ўзи бир шиша ароқни “майдалаб юборарди”. Одатда бу зормондадан уч-тўрт қултум ютганларнинг гап халтаси очилиб, эзмалиги тутиб қолади. Отам эса ичган сайин уни ўчиб, хира тортган кўзларини бир нуқтага тиккан кўйи хаёлларга фарқ бўлади, гоҳ хўрсиниб, гоҳ ихраб, узоқ-узоқ ўтириб қолади. Охири гўё ўкириб юбормоқчидай юз пайлари қимирлаб, бурун катаклари пир-пир уча бошлагач, онам уни оҳиста ётқизиб, апил-тапил кўрпага ўраб ташлайди”.

Ҳикоячи отасининг ушбу ҳолати сабаблари ҳақида бу ўринда ҳеч қандай изоҳ бермаса-да, китобхон Эргашнинг кўнгилида бир дард борлигидан воқиф бўлади ва унинг нималиги сўнгроқ ойдинлашади. Романнинг энг мустақил фикрли персонажи Абдулла Эргашнинг орият юзасидан институтдаги ўқишни ташлаб келганини эшитиб, бошқаларнинг уни “чала олим” деб ҳангома қилишларига эътибор бермай: “бутун одам экан Эргашбой” дейди.

Асарнинг бош қаҳрамони шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушган Лолахон. Шаҳарлик келин посёлканинг бир маромдаги туссиз ҳаётини гўёким сал мавжлантириб юборгандек бўлади. Зерикарли ҳаётда ҳар ким ўзига “байрам” излаганидек, Самад учун “байрам” Лолахон: “Лолахон келин келинмас, Тошбиби чечанинг эртақларидан чиқиб келган сулув ва оқила малика экан!” Бироқ Самадга Лолахон тенгсиз бир хилқат бўлиб туюлса-да, муаллиф уни





маънавий савияси ўртача оддий бир аёл сифатида тасвирлайди. Яъни, бош қахрамон тасвирида ҳикоячи Самад ва муаллиф бутун бирлик эмас! Лолахон қишлоқ кутубхонаси ва янги очилган музейга мудира этиб тайинланганида Самад билан унинг орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

“Янга, шаҳарда ҳам музей борми? — сўрадим мен. — Гиж-гиж, — деди Лолахон янгам. — Кўп кирганмисиз томошага?. — Э э... нима керак, мияни ачитиб...”

Асарда келтирилган қуйидаги иқтибосдан ҳам Лолахон образи Фузулийни муталаа қиладиган Кумушбидан андоза олиб яратилмагани аён бўлади: “ — Янга, китоб ўқишни яхши кўрасизми? — деб сўрадим стулардан бирини китоб-журналлар тахланган уч қаватли сўрича тагига кўтариб борар эканман. — Ҳа, — деди Лолахон янгам стул устига липпа чиқиб. — Қизиқ китоб бўлса ўқигим келади. Ну... вақт йўқ...”

Нафақат ўзи тушган хонадон, балки бутун қишлоққа суюкли келин бўлган, эрига “қўчқордай” ўғил ҳада қилган Лолахоннинг бахтли турмуши узоқ давом этмайди. Эри Ўроқ ҳарбий хизматга қақирлиб, аллақайси бир жангда ҳалок бўлгач, Лолахон ҳаётида фожиалар силсиласи бошланади. Аслида, келин-куёвнинг бахт тўйидаёқ келгуси фожиалардан бир огоҳлантириш бўлиб ўтгандай эди... Яъни, тўйхонада созандалар нўноқликлари туфайли “вальс” куйи ўрнига мотам маршини чалиб юборадилар: “Тобора авжланаётган мотам мусиқаси тўйхонадан-да тошиб-ошиб, олис-олисларга таралар эди”. Бу жумлада ҳам қишлоқ аҳлининг ҳаётий фожиаси, ҳам бош қахрамон Лолахоннинг фожиали қисмати, умуман, асарнинг фожиали руҳига, қолаверса, одамларни шу кўйга солган мустабид тузумнинг ҳалокатига бир ишора бордай туюлади. Албатта, муаллиф бу эпизодни шунчаки қизиқчилик учун келтирмай, унга муайян маъно юклаган.

Марҳум Ўроқдан қахрамон жангчи тимсолини ясаган тузум унинг беvasи, эндигина йигирма ёшга кирган Лолахондан садоқат тимсоли сифатида фойдаланиш учун санам ясашга киришади. Ҳали оддий инсоний ҳаётга чанқоқ ёш аёл кўнглида бундан ўз эрки учун хавф туяди. Лолахоннинг холасига ёзган мактубида унинг вилоят кенгашига фахрий депутатликка ўз номзоди тавсия қилинганидан катта хавотири яхши ифодаланган. Шу пайтгача кўп йиллар фахрий депутат бўлиб, энди “қариб чарчаб, ярамай қолган” бева кампир тимсолида у ўзига тайёрланаётган келажакни кўриб, сесканиб кетади. Ўзаро суҳбатда “ҳукумат қадрига этиб, ёзозлаб, мукофотлаган, яхши-яхши ишларни ишониб топширган” кампирнинг ҳам аслида бундай “фахри” қисматдан ич-ичида норизо эканлиги аён бўлади.

Лолахоннинг нажот истаб йўллаган мактубига “кўп китоб ўқийдиган холаси”дан келган жавоб, ўша давр руҳига ҳамоҳанг бўлиб, ғоят кўтаринки тусда: “ ... ахири, қайғу-ғамларинг эвазига Худойим сени мукофотлабди. Депутатлик ҳазилакам ишмас, жиянгинам. Шунақа вазифа дардида даста-даста пул кўтариб юрган нечча-неччасини кўрганман. Лолахон, азиз жиянгинам, бўш келма! ... Омадингни маҳкам тут”. Яқин кишисидан келган мактубни бурдалаб

ташлагани Лолахоннинг холасининг қувончига қанчалик “шерик” бўлганини кўрсатади. Шу тариқа Лолахон ўз ихтиёрига қарши тобора боши берк кўчага кира бошлайди. Унинг бу қисматдан қочишга заифгина интилиши, “тушунган” кишилардан умид билан имдод кутиши ҳеч бир натижа бермайди. Ҳеч ким уни англашни истамайди ва ёрдам қўлини чўзмайди. Ўзини “инсон юрагининг, айниқса, аёллар қалбининг муҳандиси” ҳисоблаган Шунқор Ҳобил бир неча кун кутубхонага танда қўйиб, қилган узоқ-узоқ суҳбатларидан сўнг Лолахоннинг “аллақандай айтар сўзи” борлигини сезади. Аммо буни эшитмасликни маъқул кўради. Чунки у ҳам Лолахоннинг садоқат тимсоли сифатида қолишини, “ор-номусли, инсон қадр-қимматини, шаънини кўз қорачигидек асровчи эл”га ҳамиша “муносиб” бўлиб юришини истайди. Лолахоннинг эл кўзидаги тимсолга унча мос келмайдиган юрак дарди, шахсий истаклари бўлиши мумкинлиги “қон томирининг бир учи шу халқ билан боғлиқлигидан” фахрланган Шунқор Ҳобилни унча безовта қилмайди.

Шўро даврида “илғор жамоатчи” аёллар ўз истак-интилишлари, фидокорона фаолиятлари туфайли кўпчилик ҳавас қиладиган тимсолларга айланишади, деган қарашлар устувор эди. Роман бу ҳақда жиддий мулоҳаза юритишга ундаб, баъзи аёллар ўз истакларига қарши ўлароқ, тақдир ўйинларида ўйинчоқ бўлиб, байроқ сифатида кўтарилганига ўқувчини ишонтиради.

Намуна сифатида кўз-кўз қилинадиган санамга айлангандиган Лолахоннинг ҳатто ўзи оқ фотиҳа берган келин-куёвлар тўйида ҳам эмин-эркин қатнашолмаслиги унга “сиғинган” одамлар: “у бўлса, бемалол ўйнаб-куллолмаймиз”, деб уни тўйхонага сиғдирмасликлари муштипар аёлни фожиа сари итарган сўнгги турткилардан бири бўлади. Лолахоннинг тақдири фожиали эмас, балки бошқача, рисоладагидек кечиши бемалол мумкинлигига бева қолган Файзулла аканинг қоп-қора, иприсқи, тул пистачи аёлга уйланиши, у хонадон бекаси бўлгач, мўъжиза юз бергандек, тароватли бир аёлга айлангани эпизоди орқали ишора қилинади. Ўз кўнгли майлига кўра оқилона иш тутиш Файзулла аканинг ўзини ҳам устма-уст келган ғам-алам исканжасида адо бўлишдан сақлаб қолади.

Романдаги йирик образлардан бири Лолахоннинг қайниси Ашурдир. “Ашур ... Сафармурод аканинг ибораси билан таърифлаганда совхозимиз ор-номуси” эди! Ўсиқ-қуюқ сочлари, митти, ўйноқи кўзлари, чайир-чаққон гавдаси урушқоқ, чапани феълидан дарак бериб турувчи бу азамат тўй-томошаларда кураш тушар, ҳатто ўзидан вазни хийла оғир унча-мунча атоқли полвонларни ҳам алланечук усулларга солиб, чалпақ қилиб уради, йиқитиб, чавандознинг юксак эътирофини юз фоиз оқлар эди”. Бу таъриф-тавсифдан аён бўладигани, кучи билагига сиғмаётган Ашурнинг ғайрати тўғри йўналишдаги ўзанга тушганда яхши натижалар бериши мумкин. Аммо уни йўлга соладиган бирон мураббий йўқлиги туфайли, у “текканга тегиниб, тегмаганга кесак отиб, жанжал-муштлашувлардан боши чиқмайдиган” кимсага айланади. Шунга қарамай, Ашурнинг “шавла кетсин, обрў кетмасин”

дея бор пулини шаҳарлик қизларга тутқазishi ишонarli бўлса-да, шу куннинг ўзидаёқ ширин сув сотувчисининг олдидаги пулдан ўмариши етарли даражада асосланмаган. Ахир, ҳар қанча безори бўлмасин, у майдонда кураш тушадиган полвон ҳам-ку!

Ашур янгаси Лолахон тақдирига катта таъсир кўрсатади. Бева янгасига совчилар келганида у: “Акажонимнинг руҳи покини топтаб, шундай ният билан келдиларингизми ҳали?!” дея уларни қувиб солади. Ҳикоячи Самад ҳам Ашурнинг бу ишидан “ички бир қониқиш” туяди. Бироқ ўқувчининг хаёлидан: “Агар унинг марҳум акасидан қаҳрамон яшашмаганида, яъни Лолахоннинг қайта эрга тегиши, гўёким, қаҳрамоннинг бевасига “номуносиб” бўлмаганида, Ашур шундай йўл тутармиди, сўнграқ янгасига паншаха билан ташланган бу йигит жиноятчидан кўра кўпроқ қурбонга ўхшамаяптими?”, деган саволлар ўтади.

41-посёлка аҳолиси ҳаёти тасвири баъзан тушкун қайфият уйғотса-да, албатта, одамлар ўзлари онгли равишда шундай ҳаётни хоҳлашмаган. Улар аслида бундан гўзалроқ ҳаётни орзу қилишгани ва бунга чиндан муносиб эканликларига таъкидлар мавжуд асарда. Муаллиф қаҳрамонлар бугунги кундаги “ароқхўр ва қартабозлар” ҳаётининг ўтмишдаги ёрқин дамларини романтика ва лиризмга йўғириб тасвирлайди. Сафармурод чавандоз Али мерганнигида тунаганида мезбон “Жангнома” қиссасини ўқиётиб, эски китобнинг бир жойига кўзи ўтмай, бўй етган кенжа қизини чақиради. Қиз саҳифани шаррос ўқиб беради ва Сафармуроднинг хаёлини ўғирлайди: “Қурғур, кенжа қизнинг хушрўйлиги етмагандай, эскича ёзувларни-да ўқийдиган отинлигини айтмайсизми?!” Хуллас, Сафармурод чавандознинг ўша тундан бошланган китобсеварлик касали, айниқса, эски “Жангнома”ларга ишқибозлиги, совчи қўйиб, Али мерганнинг отин қизи Тошбибига уйланиши билан яқунланади.

41-посёлка аҳлининг кўпчилиги зоҳиран жаҳолатга ботган, ҳукумат ва мафкурага кўр-кўрона итоат ва ўз шахсий манфаатидан бошқасини билмайдиган майда кимсалардек бўлиб туюлсалар-да, бот-бот уларнинг баъзилари унчалик ҳам анойи эмасликлари, муайян маънавий ва интеллектуал салоҳиятга эгаликлари, эҳтимол, бошқача бир шароитда улар тўлақонли шахс бўлиб шаклланишлари мумкинлиги англашилади. “Таниқли шоир, журналист, ёзувчи ва ҳоказо” Шунқор Ҳобилнинг ҳайкал ёнидаги тантанали маросимда нутқ сўзлагани ҳақида дўсти Самадга ҳикоя қилаётган Дурбекнинг сўзидан: “Отамни биласан, чакана китоб ўқимаган. Сенинг отанг ҳам китобхўр. Отам, бу гаплар анови машхур ёзувчининг гаплари-ку, деб пичирлади. Эргаш акам эса, қўявер, буларнинг бари тенг шерик,

бири ёзади, бери элга ёяди, деди. Иккови пиқ-пиқ кулишди”. Шу тариқа, муаллиф персонажлар шахсиятини “зиқналик” билан қисқа-қисқа чизгиларда кўрсатиши мутолаа давомида китобхондан анча диққатли бўлишни тақозо қилади.

Асар воқеалари юз бераётган пайтда ҳукмрон мафкурадан ҳеч кимга омонлик бўлмай, у болаларни ҳам ўз домига чирмаб олган. Шунга қарамай, кузатувчанлик ва тафаккурга мойил бола Тўлқин ишбилармонлиги туфайли бой-бадавлат яшайдиган Абдулла акага ҳавас қилади. “Уруш-уруш” ўйинида “қаҳрамонларча ўлиш” қоидасига риоя қилмай, дўстларига: “Менга унақа қаҳрамонлик керак эмас, ўлишни хоҳламайман... Абдулла акадек бой, зўр одам бўлмоқчиман” дейди. Тўлқиннинг сўзлари жазирама чўлда эсан салқин шабада каби умидбахш кайфият бағишлайди.

Муаллиф танлаган тасвир усули, яъни бутун асар ягона ҳикоячи томонидан нақл қилиниши, айниқса, роман каби катта жанрда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши муқаррар. Чунки ҳикоячи воқеалар содир бўлган барча жойда ҳозир бўлиши имконсиз. Шу сабабли бундай романлар камдан-кам ёзилади. Тахминан, ҳар юзта романдан биттаси шу тарзда ёзилса керак. Муаллиф воқеаларнинг бир қисми, яъни ровий ўз кўзи билан кўрмаганларини бошқа персонажларнинг ҳикоялари, мактублар, Шунқор Ҳобил битиклари, миш-миш ва овозалар орқали тасвирлайди. Тасвир воситалари орасида мутаносиблик сақланиб, ёзувчи Эркин Аъзам таъкидлаганидек, “бирон бир жойда зўриқиш, чираниш сезилмайди”. Қийин бир адабий вазифани қойилмақом уддалагани, ҳеч бир муболағасиз, бу йўлда ўрناق бўларлик роман ярата олгани Лукмоннинг ижодда катта маҳорат касб этиб, етуклик поғонасига қадам қўйганидан далолат беради.

Романнинг тили равон, оҳорли ва мароқли. Деярли ҳар саҳифада ўқувчини беихтиёр жилмайишга мажбур этадиган киноя-ю қочиримлар учрайди. Муаллиф ифодада муболаға ва бўрттириш йўсинидан унумли фойдаланади. Масалан, “садоқат тимсоли”га ҳавас қилган Шаҳинанинг севги мактубида шундай жумлалар бор: “Тўлқин! Агар армияга бориб, сиз ҳам нобуд бўлсангиз, Лолахон опамдай умрбод пок хотирангиз билан яшаб ўтмоққа қасам ичаман”.

Албатта, асар баъзи жузъий камчиликлардан холи эмас. Баъзан киноя меъёрдан ошади, жуфт сўзларнинг кўп ишлатилиши доим ҳам ўзини оқламайди. Ўз ўрнида қўлланилмаган сўзлар, таҳрирталаб жумлалар мавжуд.

“Жазирамадаги одамлар” ёш ёзувчининг тўнғич романи бўлса-да, муаллифнинг жиддий ютуққа эриша олгани қувонарлидир.



Муқаддас САЛОМОВА



# Дунёга келмоқда яна табиат

## БАҲОР

Олам ингроғидан саҳарлар толди,  
Осмоннинг юзида кўпайди доғлар.  
Шафақнинг бағри ҳам тўлишиб қолди,  
Мадад тилаб турар энага — боғлар.

Дод-фарёд қилгандай момақалдироқ,  
Осмону фалакни солди ларзага.  
Чидолмай дардига булутлар шу чоқ,  
Ёшларин тўқарди хўнграб бир зумда.

Тўлғоқ тутаётир она Ерни ҳам,  
Бағрида туғилар бир этак чечак.  
Чақалоқнинг ширин ингаси мисол,  
Дунёга келмоқда яна табиат.

Ортада қолиб кетди рутубатли тун,  
Суюнчига чиқар бойчечак илк бор.  
Бошиқача отади тонглар ҳам бу кун,  
Ўриқлар лабида уйғонар баҳор.

Майсалар қиқирлар заминда уйғоқ,  
Кўйиқ айта бошлар шўх ирмоқлар ҳам.

Оёққа туради бутун мавжудот  
Эртанинг ташвишин кўришга баҳам.

## ТОНГ ОТАИ

Энг баланд шохдаги сарғайган япроқ  
Тўкилмай яна бир тонгга очди юз.  
Биров янчиб ўтган майда ҳам бу чоғ  
Нурдай шифо топиб, кўкка тикди кўз.  
Тонг отди...

"Кўзимни очолмай қолсам, а?!" деган,  
Тун бўйи қўрқинчдай бўзариб бедор.  
Офтоб чиқишини кўрмоқ истаган,  
Ёғдудан кўзлари қамашган бемор  
Учун тонг отди.

Юракка азобли оғриқлар солган  
Туннинг андуҳлари сўкилар энди.  
Гина-қудуратлар ўрнини олган,  
Кўзлардан бир меҳр тўкилар энди.  
Тонг отди.

Очиқ дарвозадан кирди барака,  
Чиннидек ярқирар супаю кўча.

Саҳарги тилаклар бахтни яратар,  
Дуога қўл очар нуроний кекса.

Тонг бу — барака, тонг бу — шукрона.

## СЎЗСИЗ СЕВГИ

Қалблар тўқнашганда ёнар муҳаббат,  
Гулханга сув сепиб ўтаверамиз.  
Ортимиздан додлаб қарғайди тоқат,  
Боқмасдан бир кулиб кетаверамиз.

Яқинмиз шунчалар кўнгил йўлига,  
Бироқ бегонадек тутамиз ўзни.  
Ҳасратлар тўлса ҳам бу ғариб дилга,  
Ошкор айтолмаймиз бир ширин сўзни.

"Севдим" деган сўзни айтмоқлик учун  
Сизда ҳам йўқ журъат, йўқдир менда  
ҳам.

Севамиз-у, аммо, айтингиз, нечун  
Дардимизни бирга кўрмайман баҳам?



Хуришдбек МАМАЖОНОВ

# Ошар дилда гурурим



## ЎЗБЕКИСТОН

Она юрт Ўзбекистон,  
Сен оламда ягона.  
Фарзандларинг доврўғинг  
Таратар кенг жаҳона.

Аждодларим фахримдир,  
Жаҳонгир бобом Темур.  
Алишер тенгсиз даҳо  
Гурурим Мирзо Бобур.

Чўпоннинг ҳар сатрини,  
Ўқийман кўзга суртиб.  
Кумушга аза тутдим,  
"Ўтган кунлар"ни кўриб.

Бугун озод Ватансан,  
Юз тутарсан дунёга.  
Фарзандларинг изланар  
Меҳр қўйиб зиёга.

Сен жаҳон айвонида  
Бетакрорсан, суюксан.  
Аждодларим шаънидай  
Ардоқлисан, Буюксан.

## ВАТАНИМ

Ўзбекистон, она юртим,  
Сен оламда ягона.  
Таърифингни куйлаб шеърда,  
Довруқ солгум жаҳона.

Хур ўғлингман, бахтга ошно,  
Фахримсан, ягонаман.  
Гулзор, боғларинг жаннат,  
Бебаҳо дурдонаман.

Мадҳиянгни тингласам,  
Ошар дилда гурурим.  
Туғинг менга муқаддас,  
Она тилим — сурурим.

Сен менинг борлиғимсан,  
Ифтихорим жон Ватан.  
Уммондай жўшар илҳом,  
Мадҳинг куйлаб дафъатан.

## СИЗДАЙ ИНСОН БЎЛАМАН

### Бобом хотирасига

Бобожон, сиз суратдан,  
Менга хушхол боқасиз.  
Дилимга шеър ишиқини  
Гулхан қилиб ёқасиз.

Шеърларингиз ўқисам,  
Сиз-ла суҳбат қураман.  
Кимлигингизни эслаб,  
Фурурланиб юраман.

Шеърят бўстонида  
Сиз сабаб ораладим.  
Тунларни тонгга улаб,  
Кўп қоғоз қораладим.

Сиздай инсон бўлиб мен,  
Эл корига ярайман.  
Суратингизни ўпиб,  
Гуллар билан ўрайман.

# КОНФУЦИЙ САЪОҚЛАРИ

## БЕБАҲО САХОВАТ

Қадим замонда содда, раҳмдил бир деҳқон бўлган экан.

Бир куни у ер ҳайдаётган чоғ омочи қандайдир қаттиқ нарсага текканлигини сезибди. Деҳқон дарҳол кетмонини қўлга олиб ер кавлашга тушибди, ниҳоят бир бўлак тошга ўхшаш нарсани қазиб олибди. Топилдиқни қўлига олиб қуёш нури остида уни томоша қиларкан, деҳқон бирдан ҳайратланиб кетибди. Чунки илқидаги оддий тош эмас, балки бир бўлак сайқал берилмаган нефрит тоши экан.

Деҳқон топилдиқни ҳокимга бериш лозим дея қарорга келадию ўз вилоятининг ҳокими Зи Хан жанобларининг олдига ташриф буюрибди. У нефрит тошини қандай қилиб топиб олганлигини Зи Хан жанобларига айтиб берибди.

"Сиз бу вилоятнинг ҳокимисиз, илтимос, бу нефрит тошини ўзингизда сақлаб қўйинг!" дебди ҳурмат билан.

Зи Хан қўл силкибди:

"Йўқ, мен қандай қилиб бу бебаҳо тошни ўзимда сақлаб қоламан? Гарчанд эгаси йўқ буюм бўлса ҳам, сиз ўзингизда олиб қолинг!"

"Гарчанд эгаси йўқ бўлса ҳам, барчасини менга бериб юбормоқдасиз, лекин мен ҳам буни сизга тақдим этишни маъқул кўраман, илтимос, буни албатта ўзингизда сақлаб қолинг!" дебди деҳқон норизо.

Зи Хан жаноблари самимий кулибди.

"Биласизми, сизнингча бу бир бўлак қимматбаҳо нефрит тоши ҳисобланади, менимча эса, сизнинг бу тошингизни ўзимда сақлаб қолмасамгина ҳақиқатан ҳам қимматбаҳо ҳисобланади".

Содда деҳқон Зи Хан жанобларининг гапини тушунмабди. Кейинчалик Зи Хан жанобларининг ҳаракатлари халқ орасида овоза бўлиб, одамлар орасида ривоятга айланиб кетган экан.

Бу воқеага асосланиб Сун давлатининг қариялари тез-тез ёшларга панд-насиҳат қиладиган бўлишибди.

Конфуций эса ўз шогирдларига қуйидагича ўғит берган:

"Зи Хан мутлоқ қимматбаҳо зийнат буюмларни билмайдиган нодон бўлмаган. Масала шундаки, у ўзининг саховатини қадрлаган. Ҳар қандай буюм фақатгина уни қадрлаган одамнинг назарида баҳога эга, агар олтин тангалар билан ширинликни олиб ёш болага танлаш имконияти берилса, ёш бола албатта ширинликни олиб, олтин тангалардан воз кечади. Агар нефрит тоши билан олтин тангаларни олиб деҳқонга танлаш имконияти берилса, деҳқон осонлик билан олтин тангаларни танлайди, хулқ-атвори, ахлоқий хусусиятлари юқори бўлган одамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, нефрит тошлар ҳам, олтин тангалар ҳам, барча-барчаси унинг олдига қўйилса, у барибир хулқ-атвор, ахлоқий фазилатларни танлайди".

## УЗОҚ УМР СИРИ

Қадим замонда Янь императори узоқ умр кўриш сирини биладиган одам тўғрисида эшитиб қолибди. Хизматкорларга ўша одамни топиб келишни буюрибди.

Хизматкори кўп қийинчиликларни бошидан ўтказиб ўша яшовчан кимсанинг манзилни топибди. Бахтга қарши бу одам алақачон ўлган экан.

Янь императори қаттиқ газабланибди. Бу вазифани бажаришга юборилган хизматкорни чақиртириб, шундай муҳим ишни кечиктиргани учун уни қатл этишга маҳкум этибди.

Янь императорининг қошидаги бир мулозим императорга дебди:

"Олампаноҳ, жаҳлингиз чиқмасин! Ўлим, бу ҳамма одамларнинг тақдирида бор, ўша одам узоқ умр кўриш сирини биладиган киши деб ҳисоблардик. Лекин ҳатто ўзининг ҳаётини ҳам сақлаб қолмабди-ку? Бу усул исбот қилинмаган, бундай сир қабул қилина олмайди ҳамда бунинг ҳеч қандай ачинадиган жойи йўқ".

"Бу гапда жон бор!" дебди Янь подшоҳи ва ўша хизматкорга белгиланган жазони рад этибди.

Бу воқеага кўпгина одамлар турли хил фикрларни билдиришган.

Цизи исмли бир одам ёшлигидан узоқ умр кўришнинг сирли усулини ўрганишни хоҳлаган экан. Ўша хизматкор излаган одам ҳаётдан кўз юмганини эшитиб роса афсус чекибди.

Яна бир Фуци исмли одам Цизининг воқеасини эшитиб, Цизидан баттар нафратланибди, норози бўлиб дебди:

"Цизи қандай қилиб бу ҳақда орзу қилиши мумкин?! У даставвал одамлардан узоқ умр кўришнинг сирли усулини ўрганмоқчи эди, ҳатто буни ўрганган одам ҳам узоқ умр кўролмабди-ку? Шундай деб номланадиган сирли усулнинг қандай қиммати бор? Ўрганиш керак бўлган ҳақиқий илм тўғрисида ҳеч нарса билмас экан, бундай аҳмоқликнинг оқибати ҳақиқатан ҳам ачинарли бўлади!"

Конфуций бу воқеа тўғрисида эшитганидан сўнг ўз фикрини қуйидагича изоҳлаган:

"Фуцининг гапларида ҳақиқат бордек, аммо дунёдаги одамларнинг орасида кўпгина фарқли томонлар бор! Масалан бир турдаги одамлар бирор-бир қобилиятни эгалласалар ҳамки, уни амалиётда қўллай олмайдилар. Бошқа бир турдаги одамлар асл назариётни билмасалар ҳам уни амалиётда муваффақиятли қўллай оладилар. Шунинг учун ўша узоқ умр кечириб, ўлмайдиган сирли усулни биладиган одамни танқид қилиб бўлмайди. Ўша одам ўша сирни билса ҳам, лекин ҳеч ўзининг танасида синаб кўрмаган бўлиши мумкин!"

## КОНФУЦИЙНИНГ МУМ ТИШЛАШИ

Бир куни Конфуций узоқ саёҳатга чиққан экан, йўлда бир тўда болаларнинг йиғилиб турганлигини кўрибди.

Олдиларига бориб қараса, иккита бола алланарса ҳақида баҳслашаётган, бошқалари эса атрофларини ўраб олиб томоша қилишаётган экан.

Биринчи бола:

"Куёшнинг бизга энг-яқин пайти, бу — туш пайтидир" дебди.

Иккинчи бола эса:

"Куёшнинг бизга энг яқин пайти бу эрталабдир" дебди.

Рақиб бола тагин қаршилик кўрсатибди

"Нотўғри, умуман бундай бўлиши мумкин эмас!"

"Сеники нотўғри, барибир меники тўғри" дея бўш келмабди иккинчи бола.

Конфуций улардан сўрабди:

"Сизлар нима ҳақда баҳслашмоқдасизлар?"

Болалар Конфуцийни кўриб, ўқимишли одам деб ҳисоблаб, иккаласи ҳам қўлидан тортиб, ундан кимнинг фикри тўғри эканлигини ҳаққоний аниқлаб беришни сўрабдилар.

Конфуций уларга қараб ширин сўз билан:

"Сизлар ҳар бирингиз ўз фикрингизни сўзланг-чи, нима ҳақда баҳслашмоқдасизлар?" дебди.

Биринчи бола шошилиб дебди:

"Менинг фикримча, қуёш энди чиққанида бизга энг яқин пайти бўлади, унинг назарида эса, тушга келибгина куёшнинг бизга энг яқин пайти бўлар эмиш".

Конфуций кулибди:

"Унда ҳар бирингизнинг қарашларингиз нимага асосланган?"

Бир бола:

"Гап шундаки, қуёш ҳар куни эрталаб худди очилган соябон каби катта бўлиб кўринади, лекин тушга келиб эса тувак каби кичкина бўлиб кўринади. Одатда биз бирор бир нарсага қарасак, қанчалик яқин бўлса, шунча катта бўлиб кўринади, қанча узоқ бўлса шунчалик кичкина бўлиб кўринади, наҳотки исботлаб бўлмайдиган масала бўлса?" дебди.

Рақиб бола ҳам бўш келмай эътироз билдирибди:

"Унинг гапи нотўғри. Қуёш энди чиққан пайтида биз унча ҳам иссиқликни ҳис қилмаймиз, лекин тушга келиб, бизнинг ҳиссиётимиз бошқача бўлади, шу даражада иссиқ бўлиши мумкинки, ҳатто терлаб кетамиз. Ўйлаб кўринг, қўлимизни оловнинг ёнига яқинлаштирсак, иссиқ бўлади, оловдан узоқлаштирсак совуқлигини ҳис қиламиз, бу ҳақиқат эмасми?"

Конфуций кунт билан эшитибди, лекин ҳар қайсиси ўзининг фикрида туриб олганлигини кўриб, қандай ечим топишни билмай қолибди. Ёш болалар Конфуцийнинг мум тишлаган ҳолатини кўриб кулиб юборишган экан.

### КОНФУЦИЙНИНГ ҲАЁТ ВА ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Бир куни Конфуций ўзининг шогирдлари билан Вэй подшоҳлигига қараб йўл олибди. Бир буғдой экилган далага келиб, оқ сочли, бошини эгиб, белини букиб мошоқ тераётган қарияни кўришибди.

Бу қариянинг исми Лин Лей бўлиб, ёши юзга яқинлашиб қолган экан. Кўпчилик уни танир, қувноқ, иродали одам сифатида билар экан. Бир аср яшаб қўйган, оиласиз, ёлғиз бўлса ҳам, жуда қувноқ яшар экан. Қария жуда ҳам меҳнаткаш экан, одатда сават олиб ҳосил

йиғилган далалардаги мошоқларни териб оларкан, айрим пайтлари йўлда кетатуриб қўшиқ басталар экан.

Конфуций ёнидаги шогирдларига дебди:

"Анави оқсоч қарияни кўрдингларми? У деярли бир асрни яшаб қўйган, дунёдаги ишлар ҳақида, одамлар ҳаёти борасида жуда кўп нарсаларни билади, ким унинг олдига бориб ундан маслаҳат сўрамоқчи?"

Зи Ган Лю деган шогирди олдга чиқибди:

"Мен бораман, менда унга жуда кўплаб саволлар бор".

Зи Ган қариянинг олдига бориб, унинг саватидаги мошоқларга қараб сўрабди:

"Сизнинг ёшингиз шунчалик улуғ, нима учун бундай азобланасиз? Мен ҳақиқатан ҳам тушунмайман, чиндан сизга қайғураман, сиз ҳали ҳам тинмай меҳнат қиласиз, қўшиқ куйлайсиз, шу ҳақда нима деб ўйлайсиз?"

Қария ҳеч нарса эшитмагандек бошини эгиб, ҳам хиргойи қилар, ҳам диққатини бир ерга тўплаб буғдой бошоқларини терарди.

Қария олдинда кетарди. Зи Ган қария уни эътиборга олмаётганини кўриб, унинг орқасидан юраверибди, қария ниҳоят унинг саволига савол билан жавоб берибди:

"Ўзингда нима яхши-ю, мен ҳақимда қайғуряпсан?"

Зи Ган яна сўрабди:

"Мен ўйлашимча, сиз ёш бўлган пайтингизда аниқ ҳеч қандай муваффақиятга эришмагансиз, ҳозир эса ҳаётингиз оғир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ёшингиз шунчалик улуғ, умрингиз борган сари тугаб бормоқда, ёнингизда қариндошларингиз йўқ, ёлғиз ҳаёт кечирасиз, яна машаққат билан меҳнат қилиб ўзингизни боқошингиз керак, наҳот бу нарса одамнинг раҳмини келтирмайди?"

Лин Лей жавоб берибди:

"Мен ёш бўлган пайтимда ҳеч қандай тайёргарлигим йўқ эди, сабаби мана шу бўлса керак. Мен эндигина осон ва узоқ умр кечирмоқдаман. Ўлгандан сўнг, бошқа яхшироқ дунёга борсам керак!" деб жавоб берибди.

Зи Ган қариянинг сўзларини Конфуцийга етказибди, устози чуқур ҳўрсиниб:

"Қариянинг фикрларининг ҳаммаси ҳам тўғри эмас. Ҳаётда бахт ҳам, қайғу ҳам бўлади. Бор кучни ўқишга, меҳнат қилишга сарфлаш керак, ўшандагина умринг охирида хотиржам, тинч ўлади. Бу одам ҳозир ҳаётнинг ягона тўғри йўлидадир".



*Хитой тилидан  
Шарқиунослик  
институтининг 3-босқич  
талабаси Жасур  
ЁҚУБОВ таржималари*




**СОҒИНСАНГ АГАР...**

Ўзингдирсан содиқ йўлдошим, —  
Юрак! Тонгла бехуда ёнма,  
Бирга тоғдек ғовлардан ошдик,  
Бир арзимас гапга ўртанма!  
Биз манманлик ҳиссидан холи  
Ҳар одимда ўртандик-ёндик,  
Соч-овози майин Аёлни  
Девоналар бўлиб қизғондик!  
О! Кўрдик-ку биз қитмирларни, —  
Кун беришмас ҳатто узлатда...  
Бижғиган бу ичи қирларни  
Энди қаро гўр ҳам тузатмас!  
Ўзингдирсан содиқ йўлдошим —  
Юрак! Тунлар бехуда ёнма.  
Бирга тоғдек ғовлардан ошдик,  
Бир арзимас гапга ўртанма!  
Керак эмас бизга таҳсинлар,  
Учмасак бас пуч шонларига!  
Ҳақимизда не демасинлар —  
Ҳаволадир виждонларига...  
Омадсизлик қисмати бирла  
Энди бизни кўрқитолмаслар!  
Ёниб-чўққа айланган юрак  
Ҳисоб бермас тутаган хасга.

**МИТТИ ЮЛДУЗ**

Ўзбекистон Қаҳрамони  
Абдулла Ориповга

Фараҳ ила бошланмоқда  
Бизнинг кеча.  
Сўнаётир уфқнинг қирмиз  
Шафақлари,  
Бу кеч ойнинг балқишлари  
Бир ўзгача...  
Қара, кўкда митти юлдуз  
Чарақлади!

Ҳаял ўтмай шеър аршларни  
Тутиб кетгай  
Хира, ёрқин юлдузларнинг  
Жилвалари,  
Муштоқ элим! Ташина бағринг  
Гулзор этгай  
Юлдузлардан энган ашғор  
Шуълалари...

Сўнг истаган юлдузингни  
Танлайвергин:  
Назмий осмон нурларини  
Тамшианиб ич.

Илло, ойдин кечамизни  
Бошлаб берган  
Митти юлдуз жилваларин  
Унутма ҳеч!

\* \* \*

Кечган асрий азоблардан сўнг  
Боғландим қўл телефонингга!  
У қиш тонги айтганларимнинг  
Бирор сўзи йўқдир ёдимда.  
Эҳтимолким, мен ботинолмай  
Айтгандирман пала-партиш сўз...  
Аммо, у чоғ зарра тин олмай  
Гап суқарди Қалб мурасасиз,  
У, айт дерди, туйганларингни —  
Дардинг ичга ютдинг-ку йиллаб,  
Айтмайсанми, куйганларингни —  
Э! Хайф сенга мендек ёниқ Қалб!  
Бўл! Йўл бериб феврал қорлари  
Қотмишлар оқ булут шаклида,  
Қоқ чиллада ари баҳорланиб  
Кун балқмиш оқ умид шаклида!  
Айтгил! Ахир, чархи гардунда  
Абадиян яшамайсан-ку,  
Ул бокира хилқат дардида  
Тунлар бежиз гашиланмайсан-ку!..  
...Гулим! Бўзранг қор уюмидан  
Кўз узмай, Қалб сўзин тинглайман,  
Айтай десам — бу ёқимли дард  
Не эканин ўзим билмайман...

**ҚИШ СОНАТАСИ Ё ТУЙГҲН ВАСЛИ**  
Зулхумор Мўминовага  
эҳтиром

Қор аралаш сариқ-сарик  
Барглар ёғди,  
Сариқ барглар тунлар ёғди,  
Саҳар ёғди...  
Дарак бериб васли ишқу  
Тотли қишдан  
Юрагимга севги отлиғ  
Дардлар ёғди!

Гуллар ёққан баҳорларда  
Қайда эдинг,  
Юрганмидинг саҳроларда,  
Ойдаминг?  
Мени қулдек банди айлаб  
Пуч таивишлар. —  
Қўшилиб шод оқимларга  
Шодон оқдим...

Илло, мудом ноаниқ дард  
Қийнар эди,

Суюнганим-қордай бегард  
Уйлар эди...  
Тун ярмида қоқ бўлинса  
Оппоқ тушлар, —  
Мум тишлаган юлдузларга  
Ҳайрон боқдим.

Хурим! Қору сариқ барглар  
Ёққан чоғда,  
Юрагимни сариқ баргга  
Кўйдинг боғлаб!  
Толе илк бор кулган эди...  
Ёвуз қисмат  
Ҳисларимни хазонларга  
Кўшиб ёқди!

Қор аралаш сариқ-сарик  
Барглар ёғди,  
Сариқ барглар тунлар ёғди,  
Саҳар ёғди...  
Бахтиёрни жудо айлаб  
Тотли қишдан  
Юрагига ҳижрон отлиғ  
Дардлар ёғди!

**ПАРИЖГА ХАТ**

Ўғлим Шохруҳга

Тошкент баҳорини соғинсанг агар,  
Булон ўрмонига бориб ўлтирма!  
Ўғлим, кўнғироқ қил қировли саҳар,  
Менинг соғинч тўла овозим бирла  
Хонанга райҳону настарин борар!

Тошкент сувларини соғиниб қолсанг,  
Сена соҳилида ўйланиб турма!  
Ўғлим, кўнғироқ қил булутли шомлар,  
Менинг соғинч тўла овозим бирла  
Бўзсувнинг шарқироқ мавжлари борар!

Тошкент таронасин соғинсанг жуда,  
Телба оҳанларни тинглаб қайғурма!  
Ўғлим, кўнғироқ қил дилсиқар тунлар,  
Менинг соғинч тўла овозим бирла,  
Ўзбек тўйларининг авжлари борар!

Тошкент жомеъларин соғинган чоғлар  
Эйфел минорига асти бош урма!  
Ўғлим, кўнғироқ қил димоғинг чоғлаб,  
Менинг соғинч тўла овозим бирла  
Дўстларнинг дуойи ганжлари борар!

Тошкент майдонларин соғинган онинг  
Ғалаба аркида талх уйлар сурма!  
Ўғлим, кўнғироқ қил эрқдан қувониб,  
Сенинг гурур тўла овозинг бирла,  
Дилимдан ғуссаю ғам ариб борар!



Светлана ВАСИЛЕНКО



# Тиканли сымлар ортидаги ШАҲАР

Ҳикоя

Василенко Светлана Владимировна Астрахан областининг Капустин Яр қишлоғида туғилган. Горький номли Олий адабиёт институти ва Олий сценаристлар курсини битирган. Бир неча насрий китоблар муаллифи. 1998 йили "Тентак қиз" романи учун "Новый мир" журналининг мукофотини олган. Москвада яшайди.

Мен туғилиб ўсган шаҳарчага болалик даврим ҳақида ҳужжатли фильмни суратга олиш учун ҳарбий "газик"да киночилар гуруҳи билан кетмоқдамиз. Ўнг томонимизда — ҳарбий шинел рангидаги уфққа қадар чўзилиб кетган тап-тақир чўл, чапимизда эса Оқтепа — Ахтуба дарёсининг шошқин ўзани. Оқтепа эса, ўз навбатида, тўлиб-тошиб оқадиган улуғвор, барча Рус дарёларининг маликаси бўлмиш Волганинг бир тармоғидир. Яъни, у Волганинг қариндоши, балки сингиси, балки қизидир, фақат Оқтепанинг феъли мулақо Волгага ўхшамайди. Оқтепа тез оқади, ўзбошимча, шўх-шаддод, чўл эмас, тоғ дарёсидек бесабр. Гўё ана шу бебошлиги туфайли подшо саройидан қочиб кетгану, энди ўзича ёввойи ҳаёт кечирмоқда. Аммо у ҳам Волга билан ёнма-ён оқиб бориб, охир-оқибат Каспий денгизига қуйилади.

— Оқтепа... — ўйчан такрорлади режиссёр, гўё унинг таъминоти тоғиб кўраётгандай тамшанаркан. — Номи галати экан, а? Русча эмас шекилли?

— Русча эмас, — дея таъкидлайман мен ва ҳикоя қиламан. — Бир вақтлар, Ботухон бошчилигидаги мўғуллар бутун Осиёни эгаллаб бўлгандан сўнг айнан мана шу ерда, Оқтепа қирғоқларида тўхтаган. Ботухон кичкинагина дарёнинг бу қадар ўйноқи, бебошлигидан завқланиб кетган, балки бунда ўзини, ўз феълени ҳис этгандир. Теварак-атрофнинг гўзаллиги ҳам уни мафтун этган ва айнан мана шу ерда, Оқтепа қирғоқлари бўйида мўғул давлатининг Фарбий улусини ташкил этиб, унга Олтин Ўрда деб ном берган ва унинг маркази — Сарой шаҳрини қурдирган. Айнан мана шу ер, Олтин Ўрдадан туриб, мўғуллар Рус ерларига ҳужумлар уюштиришган, йўлларида дуч келган нарсанинг ҳаммасини ёққан, қирган, шаҳарлар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурган. Ана шу ердан туриб, мўғуллар Русни бўйсундиришган, Русни давлат сифатида йўқ қилишган. Айнан мана шу ерда, Олтин Ўрда марказига — Саройга, Рус князликларининг ишонган аёнлари амал дардида бош уриб келишган. Рус ерларининг вилоятларига хокимлар мана шу ерда тайинланган.

Мен, албатта, гапим ишонарли чиқиши учун унча-мунча кўшиб-чатиб, ёлғон аралаштириб гапиряпман. Ботухон ўз Олтин Ўрдаси Саройини бу ердан анча жанубда, Волганинг этакларида қурдирган. Кўп йиллардан сўнг эса бошқа бир хон Марказни бу ерга кўчириб келган экан. Гапинг ишонарли чиқиши учун ёлғон тўқишнинг айби йўқ ахир.

— Бир гал рус князи хоннинг Туба исмли қизини севиб қопти. Туба ҳам ўз навбатида йигитга кўнгил кўйипти. Кейин княз кетаётиб, бир йилдан кейин қайтиб келаман-да, сенга уйланаман, деб ваъда берипти. — Киночилар гуруҳига маҳаллий афсонани айтиб бердим. Қизнинг отаси бу гапдан хабар тоғиб қолиб, қизини қари, хунук қрим хонига беришга...

— Мункилаган! — гап қўшди тасвирчи Ира (Гап келганда айтиб қўяй, Ира Россиянинг энг яхши тасвирчиларидан бири.)

— ... қарор қилипти, — давом этдим мен.

— Унинг ўзи-чи, Туба? — қизиқиб қолди "газик" ҳайдовчиси, ёшгина аскар. — Тегиб кетаверишганими?

— Машинангни анави тош ёнида тўхтат, — дея илтимос қилдим ундан.

Машина кулранг, беўхшов бир ёдгорлик ёнида тўхтади. Ёдгорликнинг бетон деворида ҳарфлар изи. . Хойнаҳой, мис ҳарфларни маҳаллий "алюминчилар" ёки алкашлар қириб олиб, юз грамм ароққа алмаштириб юборишган кўринади. Режиссёр ёзувни ўқишга уринди. Удалай олмади-да, менга ўтирилди.

— Бу ерда нима ёзилган?

— Бу ерда Олтин Ўрда маркази Сарой шаҳри бўлган.

— Шу ердами?! — Режиссёр анг-танг ҳолатда теварак-атрофни кузатди. — Шу саҳрода-я?! Қатор-қатор саройлари, бозорлари, фонтанлари бўлган улкан шаҳар, бутун дунёнинг тенг ярми тақдирини ҳал қилган давлат маркази мана шу саҳрода қурилганми?

Қайтиб машинага ўтирдик. Мен режиссёрга болалик давримизда дўстлар билан кўплашиб келиб, саҳрода ер



қазиганимизни айтиб бердим. Олтин тулпорни излаганмиз.

— Яна қанақа тулпор? — салкам аччиқланиб сўради режиссёр. Гўё ҳозирданоқ орамизда ижодий раҳна бошланаётганга ўхшарди, сабаби ҳали ўзимизга-да аён эмасди. Биргаликдаги ижод даврида бу дарз кетиш албатта қаердадир сезилиб қолиши аниқ эди.

— Олтин тулпор деяпман-ку, — дея тўнғилладим мен ҳам унга жавобан. — Ботухон ўлаётиб, ўзида бор тиллаларнинг ҳаммасини куйдириб, олтин тулпор ясапти-да, саҳрога, яширин бир жойга кўмдирибди. Ушандан бери ҳамма ўша жойни излайди. Олтин тулпор эса ҳар йили бир марта, энг ойдин тунда мана шу саҳро бўйлаб югуради. Кўплар унинг туёқлари дупурини эшитишган. Ана шунақа афсона бор.

— Афсона устига афсона, — дея режиссёр пичинг қилди. — Ҳеч нарса қолмади. Фақат афсоналар.

— Биз, маҳаллий аҳоли учун булар афсона эмас, — дедим мен секин.

— Нима бўлмаса?

— Аниқроқ айтадиган бўлсам... бу ҳаётини ҳақиқат. Биз ана шу ҳақиқатлар билан туғилганмиз, ана шу ҳақиқатлар билан яшаймиз.

— Ҳар қалай, энди ҳеч ким олтин тулпор илинжида саҳрони қазиб ётмаётгандир? — минғирлади режиссёр. — Энди эртақларга ҳеч ким ишонмай кўйган-ку.

— Сени ўзинг ҳаётдан фақат афсоналар қолади, дединг-ку, — дея унинг фикрига кўшилмадим мен.

— Биз фильмимиз учун сенинг афсоналарингни суратга олмаймиз-ку ахир! — деди режиссёр, норози оҳангда. — Биз ҳаёт ҳақидаги фильмни суратга олишимиз керак. Хужжатли фильм. Тушундингми?

Бир-биримиздан норози бўлиб, машинага ўтирдик. Бетлари қизарган аскар бола машинани ўт олдираётиб, болаларча нигоҳини менга тикди.

— ...Кейин нима бўлган? Хон қизи Тубани айтаяпман? Сиз охиригача айтмадингиз.

— Ўша куёвдан, қрим хонидан тўй маҳали қочиб кетган. Дарёга қочиб бориб, ўзини ўзи фарқ қилган.

— Уў-ў! — Аскар бола ҳайратга тушди.

— Воқеани эшитган хон, қизнинг отаси дод-вой солибди. Ах, Туба, Туба, нима қилиб кўйдинг, деб йиғлапти. Шундан бу дарёнинг номи Ахтуба — Оқтепа бўлиб қолган экан.

— Кейин-чи? Кейин нима бўпти? — аскар бола воқеага тобора қизиқиб борарди.

— Кейин қиз сув парисига айланипти...

— Вой худойим! Мен жинни бўлиб қоламан, — режиссёр йиғламсиради. — Ҳайда машинангни.

Машина ўрнидан кўзгалди.

Сарайдан мен туғилиб ўсган шаҳаргача эллик километр.

Бу ҳарбий шаҳар кўп йиллар давомида тиканли симлар билан ўраб олинган эди. Унга кириш ва чиқиш фақат махсус назорат-тафтиш пунктлари орқали махсус рухсатномалар билан амалга оширилди. Бу шаҳар ҳақида айтиш ва ёзиш мумкин эмас. Бу шаҳар узоқ йиллар давомида дунё харитасида ҳам кўрсатилмаган. Ҳозир ҳам йўқ. Шаҳарнинг номи ҳам ҳарбий сир эди. Кассадан билет олаётиб: "фалон шаҳаргача" дейилмасди. Душман эшитиб қолиши мумкин эди-да. (Гапингни панада писиб эштаётган душман айғоқчиси сурати — плакатлар шаҳарнинг ҳамма жойига илиб, ёпиштириб ташланганди. "Менга саксон бешинчи разведга қадар билет беринг", дейиш керак бўларди. Шаҳарнинг номи кўп эди. Бу, душманни алдаш, унинг айғоқчисини чалғитиш ниятида ўйлаб топилган бўлса ажаб эмас. Уни Байроқдор, Ўнинчи Майдон, ёки оддийгина Ўнинчи деб ҳам аташарди. Юқориди айтилган саксон бешинчи развед, Шаҳарча ва ҳатто Москва-400... Ҳозир ҳам мазкур номларни санаётиб, беихтиёр болаларча ишонувчанлик билан "тагин ҳарбий сирни ошкор этмаётганмиканман", деган

ваҳима ичимга ўрмалади). Аммо шаҳар аҳолиси ўз шаҳрини қадимги Аштархон яқинидаги қишлоқ Капустин Яр номи билан аташарди. Ёки қисқартиниб Кап-яр.

Эллигинчи йилларнинг ўрталарида шу ерда туғилишни Худо менга раво кўрган экан.

Жудаям қадим замонларда бу ерда Каспий денгизи бўлган. Денгиз чекиниб, икки юз қадам пастга тушиб кетган. Бизнинг шаҳар денгизнинг ана шу қуриб қолган тубида жойлашган. Тепасида булутларсиз кўм-кўк осмон ястаниб ётарди. Биз гўё қопқоғи беркилган банка ичида яшардик. Тунлари Янги йил арчасидаги ўйинчоқлардай, юлдузлар шаҳарга қулаб кетадиган даражада осилиб турарди гўё. Айнан ана шу хислати, салкам йил давомида бу ерда ҳаво очиқ бўлишини инobatга олиб, бу ерда ҳарбий машқлар ўтайдиган жой — полигон қуришган.

Мен туғилган жой — ракета-ядро полигодини бўлиб, айнан шу ерда ракета ва ядровий қуролларнинг энг янгиларини синовдан ўтказишарди. Капустин Ярда эса мана шу полигон хизматчилари, ҳарбийлари, уларнинг oilалари истиқомат қиларди. Полигонда 1946 йили асос солинган.. Улуғ Ватан урушидаги галабамиздан кейиноқ, Германиядан олиб чиқилган ФАУ-1, ФАУ-2 ракеталарини шу ерга олиб келиб, улар асосида ўзимизникилар ўзимизникини ясашган. Бахтимизга Рейх олимлари бу қурилмаларни охирига етказишга улгуришмаган, Гитлер ундан фойдалана олмаган. Айтмоқчи, худди шу даврда дунёнинг бошқа бир бурчагида — Америкада, ана шу ракеталарнинг бошқа бўлаклари асосида биринчи америка ракеталари яратилган. Аждарнинг ерга экилган тишлари мисол, гитлер ракеталари дунёнинг барча бурчақларида иккинчи ҳаётини бошлаган. Ва икки улкан давлат Америка ва СССРнинг қарама-қаршилиги вужудга келган. "Совуқ уруш" бошланган.

Мана шунақа шаҳарда биз ҳужжатли фильмни суратга олишимиз керак эди

Назоратчилар ҳужжатларимизни, рухсатномаларимизни ва Ҳарбий Мудофаа вазирлиги, Генштабдан олган бошқа йўл-йўлакай қоғозларимизни текширувдан ўтказгандан сўнг ҳам бизни ичкарига киритишмади. Бизни ўтказмаган аскарларга, зобитларга дўқ урдик, биз кўларидан махсус рухсатнома билан келганмиз, кўзларингга кўрсатиб кўйишимиз мумкин дея ваҳима қилдик, у-бу ерларга сим қоқдик, аммо уларга ҳеч нарса таъсир қилмасди. Қўриқчилар бизнинг ахволимизга мутлақо парво қилмай, безрайиб туришарди. Ғалати эди бу. Қайта қуриш даврида махфийлик пардаларига дарз кетган бўлса... Шаҳарда аллақачонлароқ полигонга мутлақо алоқаси йўқ одамлар ҳам яшай бошлаганди. Аммо шаҳарда яшаш бошқая, шаҳар ҳақида фильмни суратга олиш — мутлақо бошқа нарса экан-да. Гўё Шаҳар бизга ишонқирамаётганди. Шаҳарнинг барча ҳимоя воситалари бизга қарши иш бошлаганди. Биз нотаниш, бегона, балки душман кишилар эдик. Нима қилмоқчилигимиз номаълум эди. Шу сабабли Шаҳар типратикон мисоли тиконларини хурпайтириб олганди. Унга қўл тегишимизни истамасди. Очилишни истамасди. Ичкарига киритмасди. Режиссёр бошини тошларга урадиган даражага етди.

Ана шунда мен масалани ҳал қилдим. Ҳушёр қўриқчилар кўз ўнгида мен ўт-ўланлар, смородиналар ўсиб ётган тарафга, гўё шунчаки, балки энгил ҳожат чиқардиган жой излаб юра бошладим. Қўриқчилар — ёш-ёш аскарлар — мени ўнғайсиз аҳволга солмаслик учун оқилона юз ўгирдилар. Мен энгил юриб, назорат доирасидан чиқдим-да, салгина билиниб турган, аммо болалигимдан менга таниш ёлғизоёқ йўлак бўйлаб юрдим ва бетон деворлар орасидаги одам ўтадиган тешикка етиб бордим. Тиконли симлар ўрнини энди ана шу бетон деворлар эгаллаган эди. Тешик орқали шаҳарга рухсатномасиз кираверса бўларди. Ҳамма шунақа ичкарди: "Кетдик, тешикдан кирамиз". Мен энгилгина ичкарига кирдим. Мен ахир шу шаҳар фуқаросиман, бу тешиклардан юз марталаб ўтганман. Мен Совет Армияси кўчасидан чиқдим. Кўчада қатор бир қаватли фин уйлари





жойлашган. Мана бу уйда биз онам билан яшаганмиз, онам шу уйда мени кутяпти. Москвадан, боряпман деб, телефон қилганман. Аммо мен уйга бурилмай, тўпш-тўғри гарнизон штабига кириб бордим.

Киногуруҳ аъзоларини ноқулай аҳволдан олиб чиқиш керак.

Штабда бизни генерал билан таништиришди.

— Ҳайлайманки, сиз шахримиз шаъни ва ҳамшаҳар қизимиз номига мос келадиган, арзирли фильмни суратга оласиз, — деди генерал майин ва босиқ овозда режиссёрга.

Кейин бизни бир полковникка рўбарў қилишди. Бу ўзимизнинг қишлоқ боласи Юра Данилов эди. Болаликда икковлон муз қирлардан бирга тойиб тушардик. Биз фильм олиш учун болаларни танлашимиз кераклигини тушунтирдик. Битта ўғил бола ва иккита қиз бола. Қизларнинг бири менинг болалигимга ўхшаши керак. Қолган иккови эса менинг дўстларим ролини ўйнайди. Бадиийлаштирилган ҳужжатли фильм бўлади. 1962 йил. Мавзу — Кариб кризиси. Шаҳарда ва қишлоқда суратга оламиз. Бизга; қайси жойларни суратга олиш мумкин, қайси жойлар мумкин эмас, қайси жойлар учун фақат ёзма рухсатнома кераклигини тушунтиришди. Махфий иш жойлари, масалан, ҳозир биз ўтирган штабни суратга олиш — мутлақо маън этилади.

— Ракеталар учирилишини олиш мумкинми? — сўради режиссёр.

— Рухсатномангиз борми?

— Йўқ.

— Демак, рухсат йўқ.

Мен аччиқланиб режиссёрга ўқрайдим. Ракеталар учирилишини "тириқлай" суратга олиш масаласи — режиссёрнинг бўйнидаги гуноҳ. У Мудофаа вазирлигидан махсус рухсатнома (махфийлик тамғаси) олишни истамади, чунки шундай қилса, бир неча йил мамлакатдан чиқиш имкониятидан маҳрум бўларди. Бу эси паст чет элга, Канн кинофестивалига ошиқиб турарди.

— Лекин бизда киноархив бор. У ерда ракета учирилиши ҳақида ленталар кўп, — дея бизга таскин берди полковник.

Суратга олиш даври учун бизга текинга ҳарбий автобусни битта майор билан биргаликда топширишди. Майор ташкилий ишларни бажариши, бизга ёрдам бериши, шунингдек, ҳушёр кўзларини биздан узмаслиги лозим эди. Майорнинг юзи бояги қўриқчиларники мисол безрайган, безбет эди. Хайрлашаётиб, фильм учун болаларни ўзимиз топшимизни маълум қилдик.

— Қалайсан ўзи? — сўради мендан полковник, расмий савол-жавоблардан сўнг.

— Яхшиман. Кўриб турганингдай, фильм олаяпман, романлар ёзаяпман...

— Ҳа, қандай ёзаяпсан.

— Ҳазинг-чи?

— Мен ҳам доимгидай, — жавоб берди Юра. — Кўриб турганингдай, полковникман. Ярим йилдан сўнг — пенсияга чиқаман... — у ногоҳ менга қийиқ қараб, кўз қисиб, кулимсиради. Мен ҳам кулимсирадим. Мен уни ана шу ҳолатда хотирамда сақлаб қолган эдим. Болаликда муз қирларда биргаликда сирпанчиқ ўйнаганимизда у мени кучоқлаб олиб, лабларимдан ўпарди. Мен ҳикояларимдан бирида бу ҳолатни тасвирлаганман: "Унинг сўлақлари худди меники каби тоза эди". Қирдан пастгача бирга кучоқлашиб сирпаниб боргач, биз ўрнимиздан турардик-да, бир-биримизга қарамай, худди маст одамлар каби тебраниб, яна тепага, қирга — бошқатдан ҳаммасини такрорлашга — шошардик.

Бу воқеани фақат иккимиз биламиз.

— Лёша, қара, мана бу М ҳарфи. Бу эса А. Ёз: МА-МА... — Амакисининг қизи Инна Лёшага ўқиш-ёзишни ўргатарди. Лёша ўн бешга кириб қўйган бўлса-да, туриши

болакайни эслатарди. Сочлари калта қирқилган, эгнида бировнинг кир кўйлаги, нуқул бурнини ковлаб, кейин бармоқларини сўради. Иннага нима кераклигини у тушунмайди. У зерикарди. У бошқа бир нарса билан машғул бўлишни истарди. У стол устидаги юмронқозиқ қамалган симтўрга қўл тикиб, хо-холади.

— Мен сенга ёз деяпман! — қичқирди чиройли кийиниб олган чиройли кўшни қизалоқ Катя. — Аҳмоқсан!

— Ҳазинг аҳм... — хафа бўлди Лёша. У гапларини тўғри ва охиригача талаффуз этолмасди. Ўн беш кириб ҳалигача ўқиш ва ёзишни билмасди. У етим, онаси бир неча йил бурун вафот этган. Эртаю-кеч ичиб, сасиб ётадиган отаси билан яшарди. У ақлан заиф. Халқ орасида бунақаларни эркалаб "жиннивой" деб аташади...

Лёша, Катя, Инна фильмни суратга олиш учун биз танлаган болалар. Учовиям мен илгари онам билан яшаган кўча болалари. Иннанинг келбати қандайдир менинг қизалоқлик давримга ўхшаб кетарди. Уни бош ролга тасдиқладик.

— Зўр саҳна! — дедим режиссёрга. — Хоҳла, ҳозир суратга ол.

Режиссёр бошини кўтариб менга, кейин бизнинг соямизга айланган майорга қаради. Майор дераза олдида ўтирганча лоқайд кўзларини ташқарига тикиб ўтирарди. Гўё унинг биз билан мутлақо иши йўқдек.

— Юр-чи ташқарига, — менга ўтирилди режиссёр. Ташқарига чиққандан сўнг норозилигини яшириб ўтирмади. — Фильмимиз йўққа чиқаётганини тушуняпсанми, йўқми?

— Сабаб?

— Мана бу майор биз камерани ишга туширишимиз билан ҳаммасини тушуниб етади.

— Ишончинг комилми?

Режиссёр афсус билан бош чайқади. Биз жимгина бир-биримизга тикилиб қолдик.

Гап шундаки, биз романлар ёзиб, ўз шахрини машҳур қилган адиба қизнинг болалиги тўғрисидаги фильмни суратга олишни ҳеч қачон хаёлимизга келтирмаганмиз. Бу биз ўйлаб топган аҳмоқона ниқоб бўлиб, ҳарбий шаҳарчада суратлар олиш учун баҳона эди холос. Аввал бошда биз нуқул бурнини ковлаб, бармоғини сўрадиган, биронта ҳарфни танимайдиган, зўрға чала гапирадиган, ақлан заиф бола ҳақида фильм қилмоқчи бўлдик. Мана шу кўзлари кўм-кўк, Худо билан гаплашадиган замонавий руҳоний ҳақида! Тентак ҳақида! Ахир мана бу махфий, жиддий ҳарбий шаҳар, демак, бутун дунё шундайлар ҳисобига тик турибди. Аммо Шаҳар бизга бунақа фильм олиш учун рухсат берармикан? Тентак кўзлар назари билан Шаҳарга қарашга рухсат берармикан?

Биз гўё айёрлик билан шаҳарга кирган, энди очиққўнгил шаҳарликларни шарманда қилишга уринаётган душман айғоқчиларига ўшардик.

— Йўли топилди, — дедим мен. — Иккита фильм оламиз, мен ҳақимда ва у ҳақда. Мемера суратга олишни мендан бошлайди, кейин унга ўтирилади. Шу йўл билан майорни чалғитамиз.

— Қийин иш бу, — деди ишонқирамай режиссёр.

— Ҳечқиси йўқ, худдалаймиз. Энг асосийси, плёнканг етса бўлди.

— Сценарийни қайтадан кўриб чиқишингга тўғри келади. — Режиссёр умид билан менга тикилди.

Мен бош силкиб, далдали, аммо бир қадар совуқ кулимсирадим. Чунки мен ўзимни икки томонлама сотқин ҳисоблардим. Мен фақат ўз шахримнигина алдаб қолмай, уни, режиссёрни ҳам алдаётгандим. Чунки мен биламанки, худди Китеж шаҳридек кўзга кўринмас учинчи фильмни ҳам суратга оламиз. Бу ҳақда режиссёр ҳеч нарса билмайди.

Шаҳар ҳоҳлардики, у ҳақда яхшигина ҳужжатли фильм олинса, фильмда Шаҳарнинг кўзга кўринарли жойлари, ғалабалари кўрсатилса, камчиликлари ҳам бир қадар айтилса. Хуллас, чидаса бўладиган ҳақиқатга яқин фильм олинса.

Режиссёрга эса инсон ҳақида бадиий ҳақиқат керак эди. Менга эса ҳаётимиз, турмуш тарзимиз ҳақда афсона керак. Чунки замонлардан фақат афсоналар қолади.

Мен режиссёр билмайдиган битта ҳарбий сирни биламан. Режиссёр учун бу ер шунчаки: баланд-баланд тераклари саф тортган марказий кўчаси, Ленин ҳайкали, штаби, Зобитлар уйи, дўкони, ресторани, ҳаммоми, бозори мавжуд бўлган кўлаб шунақа ҳарбий шаҳарчаларнинг бири эди. Мен учун эса одатий уйқусираган одам ниқобидоғи бу шаҳар бекиёс Ларзалар Шаҳри эди. Айнан шу ерда, 1962 йили, Кариб кризиси даврида, СССР ва Американинг ўзаро ядровий уруши бошланиши хавфи арафасида, дунё соч толасидай омонат бўлиб қолган даврда, мен, олти ёшли кизалоқ, Охирзамон қандай бошланишига гувоҳ бўлганман...

Ўша кеч, 1962 йил 28 октябр куни сирена бутун шаҳарга аянчли ва ваҳимали қичқирганда биз, болалар боғчасининг суткабай тарбияланувчилари, ошхонада кечки овқатни танавул қилиб ўтирдик. Сиреналарга ўрганиб қолгандик. Охири ой давомида тунлари бир неча марта лаб ўқув сиреналари вой-войлар эди. Аммо бутунги вой-войлаш бутунлай бошқача, бутунлай ваҳимали эди. У тўхтамай, охирзамондан дарак бераётгандай йиғи қиларди.

— Уруш! — йиғламсираб қичқирди бизни овқатлантираётган энағамиз. — Уруш бошланди!

У қандай бошланганини биларди: айнан мана шунақа, ҳаво ҳужумлари бошланиши олдида сиреналарнинг йиғламсираб вой-войлаши... У яна билардики, Америка СССРга ултиматум қўйган, муддат бугун туяпти. Агар СССР Куба оролимдан ўз ракеталарини йиғиштириб олиб чиқиб кетмаса, Америка ядро ҳужумини бошлайди. Америка ракеталари биринчи навбатда СССРнинг ракета-ядро қуроллари базаларини нишонга олади. Демак, биринчи навбатда бизнинг полигон, бизнинг Шаҳар, бизнинг шаҳар одамлари, оталаримиз, оналаримиз, бизлар нишонда турибмиз. Ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди. Бизларга тезлик билан кузги пальтолариимизни кийгизиб, кўчага чиқардилар-да, иккитадан сафга турғиздилар. Мен Наташа Березкина деган дугонам, — бир кўчада яшайдиган қўшним, оқида, бўйдор қиз — билан олдинма-орқа бир сафда турардим. Уни жуда яхши кўрар, ҳатто бошқаларга рашк қилардим. Биз бир хил, яшил пальтоларда эдик. Чунки биз опа-сингиллардай эдик, фақат мен кичкина, қорачагина, у эса бўйдор, оппоққина. Биз бир хил қўйлак киярдик, бизларга бир хил кўғирчоқлар совға қилишарди, сочимизга бир хил лента тақардик. Ва мана шунақа фурсатда бирга турганимиз менга анча таскин берарди. Биз бирга бўлсак бизга бир нима бўлиши мумкин эмасди. Биз — аввал ўқув тревогасида ўрганганимиздек, — чопқиллаб Галаба кўчасига, 232-мактабга етиб бордик. Биз учун бу шунчаки бир ўйин эди. Онаминг айтишича, уруш бошланганда бизлардай кизалоқ бўлган экан, уруш ҳақидаги хабарни шунчаки бир ўйин сифатида қабул қилган, худди олти ёшли Светлана Василенко каби. Хурсанд, қийқириб, қишлоқни бошларига кўтариб югуришган. Қоронғи тушди, лекин қўл чирокларини ёқишмади. Биз томон одамлар югуриб келишарди, асосан аскарлар, зобитлар, ҳарбийлар. Улар автобусларга, юк машиналарига ўтиришганча, жўнаб кетишарди. Ленин ҳайкали қад ростлаган майдонда фуқаролар — шаҳримизда ҳарбийларга алоқаси бўлмаган эркакларни, ёш болаларни, қарияларни шундай аташарди, — ўзларини у ёқдан-бу ёққа уришарди. Мегафон тутган одам томоғи хириллар даражада одамларни осойишта, тартибли равишда сабрили бўлишга чақирар, ҳозир автобус келиб, ҳаммани бехатар жойга элтишини тушунтирарди. Бу тунда Ер юзиде бехатар жой бормиди ўзи?!

Биз икки кишилашиб қўл ушлашганча, кўчалар бўйлаб югурдик. Зобитлар уйи ёнидан югуриб ўтдик. Бу ерга арча байрамига, кулаган учувчиларнинг азасига неча бор келганмиз. Кейин бизнинг Шаҳримизни қурган кичкина, кал, жуда оққўнғил генерал Василий Иванович Вознюкнинг катта ҳовлиси ёнидан югуриб ўтдик. Унинг томорқасини

ўраган деворга чиқиб, ҳовлисидаги гилосларни ўғирлаб еганмиз. "Саноатчилар"нинг кенг меҳмонхонаси ёнидан югуриб ўтдик. Бу ерда Москвадан, бошқа мудофаа заводларидан ракеталарни учишга шайлаш учун келган мутахассислар дам олишарди. "Серёжа тоға" шу ерда бизни машинасига миндириб, "катайса" қилдирган. Кейин билсак, у ракеталарнинг Бош Конструктори Королёв экан Наташалар яшайдиган ўнинчи рақамли, биз яшайдиган саккизинчи рақамли фин уйлари ёнидан ҳам югуриб ўтдик. Отам биздан алоҳида, Черняховский номли кўчадаги тош уйда яшарди. Биз Тўпчилар маҳалласи бўйлаб югурибмиз, манов ерда фильтрлаш станцияси бор. Онам ўша ерда сувни таҳлил қилади. Касби шунақа. Авиация кўчасидамиз. "Навбатчи" дўкон ёнидан ўтаёلمиз. Шу дўкондан қора ноннинг бир килосини 14 тийиндан, оқ нонни — 20 тийиндан сотиб оламиз. Оқ нонга тез-тез, нон четини қўшиб беришарди, уни уйга етгунча еб битирардик. Дўкон ёнида катта, қоп-қора, чуқур ўра қазилган, унда сув қувурини тузатишади. Биз торгина, хатарли йўлакча бўйлаб, ўрани айланиб ўтдик... Ҳар йили биз байрам намойишига чиқадиган Ленин кўчасидан ҳам ўтдик. Ҳаммом қад ростлаган 9-май шоҳқўчаси, Аскарлар истироҳат боғи... Шу ерда сув тўплагич минора бор. Пиллапоясидан теласига чиқсанг бутун шаҳар, қишлоқ, қишлоқ ичидан ўтадиган Подстепка дарёчаси оёқларинг остида ястаниб ётган бўлади. Минорадан тарвуз тўла полиз далалари, Оқтепаннинг бир чети ва узоқ-узоқларда — осмонларга туташган Волга — ҳамма-ҳаммаси кўринади. Мен югурар ва шаҳар билан хайрлашардим.

Бизни мактаб ҳовлисида саф тортиришди, ҳар биримизга егуликлар беришди ва автобусларга чиқаришди.

Биз Наташа билан бирга автобусга ўтирдик. Ва ногоҳ мактаб ҳовлисида Надькани кўрдим. У бизнинг кўчада яшарди. У аҳмоқ қиз эди. Уни ҳамма аҳмоқ-Надя деб чақирарди. Унинг юзидан ҳеч нарса биллиб бўлмасди. У ҳеч кимга керак эмасди. Кўчадаги болалар ва менинг дугонам Наташа унинг устидан кулиб юришарди. Надя эса менга жудаям боғланиб қолганди, чунки у билан фақат мен ўйнардим, фақат мен унга ачинардим. Надя мен билан бирга остонада ўтирганча, овоз чиқариб алланарсаларни мулоҳаза қилар, мен ҳайрон бўлиб, унинг юзига боқар, аммо ҳеч нарсаи англай олмасдим. Тушунардимки, у аҳмоқ эмас, балки оқида, балки оққўнғил. Фақат унинг фикрлаш доираси кичкина болалик даврида қолиб кетган, ривожланмаган. Кейин, кўп йиллар ўтиб, мен у ҳақда ўз асарларимда: ҳикояларимда, қиссаларимда, романларимда ёздим. У менинг ҳаётимдаги энг улғу одам бўлиб қолган ва қолади.

Надька маъносиз юзини у ёқдан-бу ёққа урар, қайси автобусга чиқшини билмасди. Ҳамма уни нарироқ ҳайларди. Мен уни чақирдим. Мени кўриб у қувониб кетди. Автобусимизга чиқаётган ҳам эди, аммо ҳушёр тарбиячимиз уни ҳайлади:

— Ўзингни қаёққа урайсан? Кўрмайсанми, жой йўқ! Тагин, сен бизнинг гуруҳдан эмассан...

Мен эшик олдида турганча қўлимни чўздим. Надька менга тармашди. Тарбиячимиз газабланди:

— Бизнинг рўйхатда у йўқ! Тинчимасанг сени ҳам тушириб қолдираман.

Наташа қўлимни оғритиб, туртди: — Тез жойингга ўт, юр, шу тентак туфайли тушириб қолдиришлари ҳеч гап эмас.

Тарбиячи Надькани эшик тутган жойидан итариб юборди. У ерга йиқилиб тушди ва ажабланган қўйи менга тикилди. Мен эса жим эдим.

Кўп йиллардан сўнг ўқитувчим менга айтди: "Қандай қилиб шу даражадаги телбабор романларни ёзсан?" Тушунмайман. Ахир сен ҳаммани мўмин-қобил қиз эдинг!"

Надька менга қарар, мен эса жим эдим. Чунки мен мўмин-қобил қиз эдим.

Автобусда болалар бири олиб, бири қўйиб, гап талашарди: "Биринчи ракета ҳужумидан сўнг энг аввал шаҳарда қолганлар ҳалок бўлади. Бизга иккинчи зарбадан



сўнг навбат етади. Кейин бизнинг ракеталар ҳужум бошлашади ва Американи йўқ қилишади..."

Бизни чўлга келтиришди. Машиналар чирогода иккита қуриб қолган терак кўзга ташланди. Мен Наташанинг биқинига туртдим:

— Таниш жойлар-ку. Иккинчи майдонча.

Баҳорда биз Наташа билан бу ерга лола теришга келганмиз. Велосипедларда етиб келдик. Кўрдикки, чўл қип-қизил, лолаларга бурканган, телбавор маст ҳолатга етиб, шоша-пиша лолаларни узардик. Велосипедларимиз олдига қип-қизил лола гарамларини уйдик. Кейин велосипед қошида дам олишга ўтириб, чарчаганимиз туфайли, баҳор қуёшига аллаланди, ухлаб қолибмиз. Бутун чўл бўйлаб бизларни ўшанда вертолётда излашган. Чўлда адашган одамни вертолётда излаш жуда қийин экан, ўрмонда адашгани топишдан ҳам қийин экан. Бизни кечга томон топиб, ҳарбий автобусда Шаҳарга олиб келишди. Лолаларни биз кичкина Ленин ҳайкали оёқлари остига қўйдик. Шаҳримизда иккита Ленин бор: бири катта, майдонда, иккинчиси кичкина, одам бўйи баробар, Зобитлар уйи ёнидаги истироҳат боғида. Биз лолаларимизни ўша ерга қўйдик. Ленин гўё тиззаларига қадар қонга ботиб турарди. Жуда чиройли манзара эди.

(Узоқ йиллар қорасини кўрсатмай кетган Наташа яқинда менга сим қоқиб, мени туғилган куним билан табриклади-да, сўради: бизнинг қизил лолаларимизни эслайсанми? Ва биз завқ билан ўша саёҳатнинг икки-чикирларигача эсладик. Бошқа шаҳардан туғилган кунимга келган бошқа бир дугонам рашк билан бизнинг телефондаги ҳангомамизга қулоқ солди ва дастакни жойига қўйганимдан сўнг ичикиб кетди: "Бизнинг дўстлигимизда ҳам кўплаб яхши жиҳатлар бор! Образли қилиб айтадиган бўлсам, бизда ҳам қизил лолалар бўлган". "Ҳа, яхши жиҳатлар кўп, — дедим мен. — Аммо лолалар фақат Наташа билан бирга бўлган".)

Бутун чўл болаларга тўлиб кетган эди: уларни болалар боғчаларидан, мактаблардан олиб келишган. Қоронғиликда гоҳ у ердан-гоҳ бу ердан қийқириқлар, кулгилар, ҳангомалар эшитиларди. Олов ёқиш таъқиқланди. Спутникда пойлаб ўтирган америкаликлар билиб қолиши мумкин экан. Қоронғида мен яйдоқ ерга пальтомни ёздим. Наташа икковимиз маҳкам кучоқлашиб, унинг пальтосини ёпиниб ётдик. Ўлсак бирга ўлишга аҳд қилиб, ҳар эҳтимолга қарши видолашдик. Надька ҳақидаги ўйлар менга тинчлик бермасди. Уни қолдириб келганимиз мени азобларди. "Тентак-ку у, — деди Наташа оқилона, — ҳатто у ўлса унга камроқ ичинг ачийди". Мен Наташанинг кучоғидан чиқдим. Кейин ухлаб қолибмиз. Тунда уйғониб ваҳимага тушдим. Бир вақтлар, катта одам бўлиб етишган Лев Толстойнинг Арзамасдаги ўлим ваҳимасига. Ҳамон эсимда, ўлим ҳақида катталардек фикр юритардим, гўё руҳим улғайиб қолгандек эди. Бу ўйлардан жинни бўлиб қолишим ҳеч гап эмасди. Ҳатто сочларим тик туриб кетди. Ахир теварак-атрофим қоп-қоронғи, зим-зиё. Охир замон келди шекилли, деб ўйлардим мен. Мен киприк қоқмай, тонг отишини кутардим. Уйкуда нариги дунёга равона бўлиб кетишдан кўрқардим. Агар ўладиган бўлсам, ўлаётганимни билиб ўлишни истардим. Ўйлардимки, ҳамма ўлади, одамизот қурийдди, аммо бу ўй мени ташвишга солмасди, чунки у битта менга алоқадор эмасди. Охир замон ҳар бир одамга алоҳида-алоҳида келади. Эрталаб мен Надькани изладим. Унинг бошқа бир автобусга осилиб келганига ишонишни истардим. Надька йўқ эди. Тушундимки, мутлақо ҳимоясиз, ҳеч нарсани тушунмайдиган Надька бир ўзи ўлим билан юзма-юз шаҳарда қолган. Уни мен бу ҳолатда қолдирдим, дея ўйлардим мен. Мени титроқ туғди. То қуёш чиқиб, ҳужум вақти тугагани, демак уруш бўлмаслигини эълон қилишгача титрайвердим.

Бир неча йиллардан сўнг отам айтдики, бошқа тунлар каби, ўша тунда ҳам отам майдончада эди, ва умуман олганда, бутун дунёни остин-устун қилиб юборадиган тугмачани отам босиши мумкин бўлган. Мен отамдан сўрадим: "Сиз ана шу тугмачалар ёнида ўтирганда нималар қилдингиз, нималарни ўйладдингиз?" Отам ўйлаб турди-да, деди: "Преферанс ўйнадик". Мен жудаям гаройиб, гайриоддий бир нарсани кутгандим, ахир отам бутун одамизотни қириб юборадиган тугмачани босиши керак бўлган одам эди-да. Кейинроқ тушуниб етдимки, ҳаммаси худди ана шундай, оддийгина бўлиши керак бўлган ва бўлади, ва бўлаверади. Чеховдаям худди шунақа: қаҳрамонлари бир-бирининг пешоналарига ўқ узиш олдидан преферанс ўйнашади.

Қариб кризисидан сўнг менинг отам, — бежирим, қувноқ, давралар гули, гўзаллар орзуси, 33 ёшида майорлик даражасига етган ҳарбий, — ногоҳ ишдан бўшаиш тўғрисида ариза бериб, онам билан мени ташлаганча, шаҳардан бир умрга кетиб қолди.

Онам ҳозирга қадар: отанг ўша тунда жинни бўлиб қолган, дейди.

Мен эса ўша тунда ҳаммамиз — бутун шаҳар аҳли жинни бўлиб қолганмиз, деб ҳисоблайман.

Биз режиссёр билан биргаликда ана шу ғалати шаҳарда қаҳрамонимиз қандай омон қолиши ҳақида фильм олиш устида бош қотирамиз. У ахир камбағал оиладан, етим.

Дастлабки кўринишни Зобитлар уйи ёнидаги истироҳат боғида суратга олдик. Майор — одамнинг дўсти, дея ҳазил қилади тасвирчи Ира. Биз ҳатто майорнинг исмини билишга ҳам қизиқмадик. Мен чалғитувчи ҳаракатлар қиламан. Қулочларимни ёйиб, танда майдончасини кўрсатаман-да, даладл гапираман:

— Мана шу ерда оркестр мусиқа чаларди. Шу ерда ўйин, рақс бўларди. Отам онам билан шу ерда танишишган... — ва мен қачон отамнинг белида бўлганман, қачон онамнинг қорнига ўтганман, барчасини бир бошдан ҳикоя қиламан.

Майор кўл соатига қарайди ва телефон будкаси тарафга жўнайди.

Ана шу дақиқада режиссёр билдирмасдан Лёша-ахмоқни юзага чиқаради. У одатий тарзда боғда бўшаган бутилкаларни тера бошлайди. Буларни Лёша учун суратга олиш олдида режиссёр яшириб чиққан. Кейин биз Лёша бу бутилкаларни топшириши ва ўрнига бир бутилка сут сотиб олиши жараёнини суратга олдик. Ира тезлик билан камерани мендан ўтириб Лёшага бурди.

— Ўргилдим қоровулимиздан, — деб қўяди Ира, саҳнани суратга олиб бўлгандан сўнг майор томонга қараб олиб, — сичқонларга мутлақо қарамай қўйди бу мушук.

Биз аскарлар чўчка ҳам боқадиган ёрдамчи хўжалик жойлашган Чўчка яйловдамиз. Режиссёр ҳаётини лавҳа излапти. Лёша бўм-бўш осмон остида ёлғизоёқ йўлда кетиб бораётган бўлиши керак. Мен унга Илонқирни кўрсатаман.

— Нега номи Илонқир? Яна афсонами? — гижинади режиссёр.

— Йўқ. Шунчаки баҳор келганда иссиқда тобланиш учун илонлар қирнинг жанубий этакларига сирғалиб тушишади.

— Шуниси етмай турувди, — деди режиссёрни қалтироқ тутиб. — Бўпти, уриниб кўрайлик-чи. Умид қиламанки, кеч кузда илонлар ухлаганга етишган?

Лёша бўм-бўш осмон остида ёлғизоёқ йўлда велосипед рамасини судраб кетяпти.

Майор автобусда ўтирганча лоқайдлик билан мутлақо бошқа томонларни томоша қиляпти. Ҳатто уни алдашга уриниш ҳам шарт эмас. Режиссёр имо қилгандан сўнг Ира Лёшани суратга туширди. Пленкани иқтисод қилиш керак.

(Давоми 45-бетда)

МУСАЛЛАМБОНУ

# Кўзимга инмоқда кенгликлар

Ғамлар юрагимни увададек  
титди беармон.  
Ҳар ёнга улоқтирилган  
кўнгил парчаларидан,  
Яланглаб келмоқда  
Шеърнинг овози.

\* \* \*

Тушимга Дарахтлар  
киради ҳар тун  
Донишманд чоллардек  
Турар мунғайиб.  
Бу хароб, бу мажруҳ  
Дамни унутиб,  
Шу лаҳза одамдай  
Яшамоқ мумкин.

\* \* \*

Ўттизимда ўтин бўлмадим,  
Тафти самони куйдиргувчи,

Тугалмас Дардга айландим,  
Қоп-қора бағирдан  
оппоқ шеърлар туғдим  
Умри билан берган бўлсин.

\* \* \*

Севгимнинг тахти бузилди,  
Қулади минг йиллик иморат.  
Ўзимни қаён уришни билмадим,  
Тўрт томонга югурдим зир, зир.  
Товонимни қонатди,  
Тошойнанинг синиғи.  
Юрагимга йиқилди  
Етти осмон девори.

\* \* \*

Учқизда уч мингга ҳажр тош ясаб,  
Уч мингта гулимни чопдинг бешафқат.  
Тонгдек кўзларингда уйғонган эдим,  
Бугун кучоғингда ўлмоқлигим шарт!



\* \* \*

Бу совуқ симларда  
армон михланган  
Уйғонмай жон берган  
Олий туйғулар.  
Анаву минг йиллик  
Темир тирқишлар  
Ҳеч қачон тотмаган  
Озодлик таъмин.

\* \* \*

Юзимда табассум, кўзларим чақноқ,  
Ҳеч қачон сезмайсиз жароҳатларим.  
Балки ўлгандирман, балки ҳаётман,  
Унсиз айтиб кетдим Ҳақиқатларим!

Нурмуҳаммад ҲАЙДАРОВ

## Марғилонимсан

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

Ал-Марғинович юртисан, Марғилонимсан,  
Гўзал Фарғонам кўркисан, Марғилонимсан,  
Бертаю Тамара, Марҳабодир қизларинг,  
Хуру гўзаллар шаҳрисан, Марғилонимсан.°

Шаҳрим, сен келину куёвлар бахтисан,  
Кумушу Увайсий, Юлдузхонлар шаҳрисан,  
Ҳофизу аскиячи, шоирлар юртисан,  
Шаҳри азимсан, гўзалсан, Марғилонимсан.

Қизларингга совчилар келар турли ёндан,  
Отабек Кумушни топди-ку Марғилондан,  
Дарманд даво топар Олтиариқ, Чимёндан,  
Сен парилар маконисан, Марғилонимсан.

Доимо гуллаб-яшнайсан, шаҳрим ўзинг,  
"Янти-япти" чиройлидир шеваги сўзинг,  
Аллоҳ ўзи бергандир сенинг ризқу рўзинг,  
Мард паҳлавонлар юртисан, Марғилонимсан.

Авлиёлару алломаларнинг шаҳриёрисан,  
Қизу жувонлар айтган ўлан, гулёрисан.  
Янги авлодлар таронаси — алёрисан,  
Гавҳархонимлар юртисан, Марғилонимсан.

Мана яна очилар, Марғилон, юзларинг,  
Ҳурматингни қилар чолу ўғил, қизларинг,  
Доимо омадли келсин ёзу кузларинг,  
Гўзал маликалар шаҳрисан? Марғилонимсан.

Жондан суйганим, маконим, Марғилонимсан,  
Хонатмас, адрасга коним, Марғилонимсан,  
Сен суйган азим шаҳрим якка-яғонамсан,  
Иссиқ оби, ширмой ноним? Марғилонимсан.

Сени алқаб дуо айлар доим Нурматинг,  
Будир билсанг, гўзал шаҳрим, сенинг ҳурматинг,  
Доим таъзимдадир барча элу умматинг,  
Ўзинг хурлиқолар юртисан, Марғилонимсан.



Бугун бахтли кун. Лёшка остонада отаси билан ўтирган сахнани суратга олдик. Отаси Лёшкадан сўради:

- Осмонда нима бор, Лёшка?
- Нима бор экан?
- Юлдузчалар. Ортимдан такрорла. Юлдузчалар.
- Юлду-ла, — такрорлайди Лёшка.
- Куёш.
- Қ-ё...
- Ой.
- О-о...

— Яна нима бор, Лёшка? — сўрайди отаси. Спиртли ичимликдан заҳарланиб бўлган мияси бошқа нарсани тополмайди. — Яна нима бор эди?

Лёшка жимиб қолади, ногоҳ юзи жиддий қиёфага киради ва аниқ-тиниқ айтади:

— Худо...

Отаси кўрқиб кетиб Лёшкага, кейин осмонга қарайди.

Биз халақит беришдан чўчиймиз. Ира суратга туширди. Биз режиссёр билан қучоқлашиб, бир-биримизни табриклаймиз.

Мазкур сахнани Ира ўйлаб топди. Суратга олиш арафасида ўлиб қолган куёнчасини Лёшка дафн этади. Қор ёққан. Совуқ. Биз қишлоққа, Подстёпка дарёси қирғоғига томон борамиз. Лёшка музлаб қолган ерни белкурак билан қовлапти. Мен совқотиб қолганим туфайли жавоб сўраб кетдим. Майор мен билан бирга исинишга жўнади. У ҳатто мен ҳақимдаги фильм нега менсиз суратга олинаётганини ҳам сўраб ўтирмади. Афтидан, у ҳеч нарсани тушунмасди. Худога шукр! Бир соатлардан сўнг режиссёр биз ўтирган иссиқ жойга кириб келди. Хурсанд. Кўзойнаги ялтираб, майорга ҳикоя қила кетди:

— Зўр бўлди. Биласизми, куёнчасини дафн этиб бўлгандан сўнг у нима деди?

Майор режиссёрга тескари ўтирилди.

— Нима деди? — майорнинг ўрнига мен сўрадим.

— Бир умр ўйлаб ҳам тополмайсизлар. У қабрча устига тошчалар сепди-да, деди: "Мана шунақ!"

Режиссёрнинг кайфияти ёмон.

— Сен ёмон сценарий ёзгансан, — даъво қилади у менга. — Эпизоддан эпизодга чўкиб боряпмиз, ҳеч нарса чиқмаяпти.

— Агар ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса чиқмаса-чи? — дея ўзимни ҳимоя қиламан, аммо режиссёр ҳақлигини ич-ичимдан тан оламан. — Бир ғурбат излаб топамизми, а!?

Икковлон — икки ёвуз — қахрамонимиз бошига қандай ғурбат ёғдирсак экан, деб ташвишга ботамиз. Режиссёр менга қараб кулимсирайди:

— Мен битта ифлосликни ўйлаб топдим... — дейди у ва совуқ кулади. Кулгисидан тананг музлаб кетади.

Лёша, Инна ва Катя тўп ўйнашяпти. Улар ўша тешик орқали шаҳардан чиқиб, қишлоқ томон бордилар ва биз Юра билан бир вақтлар сирпанчиқ ўйнаган қирга чиқдилар. Мен ҳар эҳтимолга қарши майорни чалгитиш учун тетик овозда мазкур қир ҳақидаги матнни ўқийман. Кейин Катяга яқинлашаман-да, дейман:

— Сен унинг аччигини чиқар.

— Лёшканингми? Қандай?

— Аҳмоқ де! Каллаварам де, касал де. Ишқилиб бир нарса де...

— Бу яхши эмас, — деди Катя тўмсирайиб. — У хафа бўлади.

— Сценарий бўйича шундай қилиш керак. Қани, бўл.

— Хў-ўп, — рози бўлди Катя истамайгина, ерга қараб. Кейин Иннага учиб бориб, қулоғига нимадир деди. У хурсанд ҳолда бош силкиди.

Улар ўйинни бошладилар. Катя Лёшкага ёқади. У Катяга тўпни узатади. Катя тўпни қайтариб узатади. Тўп Лёшканинг қўлидан тушиб кетади. Қизлар — кеча режиссёр кулгани каби — этни совуқ жимирлатиб куладилар. Катя билан Инна тўпни янада нарироқ ва

нарироққа иргитаверадилар. Лёшка аччиқланади. Нимадир юз бераётганини у сезиб қолади. Ахир ҳаммаси яхши бошланган эди-да. У Катя билан Иннага бармоғи билан ўқталади

Биринчи бўлиб Инна чидамайди:

— Аҳмоқ! — бор овози билан чинқирди у.

— Ни-а? — Лёша қотиб қолди. Юзи аянчли қалтираб кетди. — Ни-а дединг?

— Телба! — қиқирлади Катя ҳам.

Лёша қулоқларига ишонмай, унга томон ўтирилди. Ахир шу қизни ёқтирарди.

— Касал! Ақли заиф! — бақирарди Инна.

— Жиннивой! — уни кўшқўлади Катя.

Лёша ногоҳ ердан таёқча олиб, гўё мазкур ҳужумдан ҳимояланиб, турган жойида айлана бошлади. Қизлар чинқирдилар. Аммо энди, — ҳеч қандай жазо олмасдан кишини ҳақорат қилавериш мумкинлигини англаган ҳолда, — улар жон-жаҳдлари билан бир-биридан ҳақоратли сўзларни Лёшанинг юзига ёғдиришарди. Лёша тентак бўлиб қолди, таёқчани отиб юборганча, ерда ётган эски резина шлангни олиб, Катяни қувиб етди, ва бир зарб билан қулатди, ва ёввойиларча, ҳайвонларча қиқчириб, уни ура кетди. Тасвирчи Ира камерани ташлаб, кўзларини қўли билан тўсди.

— Суратга ол! — қиқирди режиссёр.

Ира рад жавобини бериб қўл силкиди. Режиссёр камера олдига етиб бориб, ўзи тушира бошлади. Мен югурганча етиб, Лёшани ушладим-да, четга судрадим. Лёшка ўзини ерга ташлаб, узоқ, ваҳимали тарзда телбавор хо-холаб кулди. Катя йиғлаганча тешик томон югуриб кетди. Мен ортидан бордим. Излаб, қоронғи саройнинг бир бурчагига қамалиб, йиғлаётган ҳолида топиб, юпатмоқчи бўлдим. У менга қиқирди:

— Тегманг менга! Кетинг. Ёмон кўраман сизни!

— Вой Худойим-эй! Нима қилиб қўйдиг-а! Энди бир умр эслаб қолади бу қизалоқ...

Мен қайтиб келдим. Ҳамма ҳали суратга олиш майдонида. Бир-биримизга қарамай асбоб-ускуналаримизни йиғиштирдик.

Автобусда режиссёр менга секин, аммо кўнгли тўлиб, деди:

— Бўлди! Зўр фильм бўлди! Мен тасаввур қиялпман.

— Тур-э! Фильминг бошингдан қолсин! — жавоб бераман мен. Ва узоқ вақт оддий халқона иборалар билан у қаёққа туриб кетиши кераклигини тушунтираман. Ва нигоҳимнинг бир бурчи билан майор биринчи бор мени ғоят катта қизиқиш билан қузатаётганини англайман.

Биз режиссёр билан киноархивга кирдик. Киномеханик менинг собиқ кўшним. Бир кўчада яшаганмиз. Шурик Саплин. Болалигимда ундан сира ажрамасдим. У мени синглисидай етаклаб юрар, ардоқларди. У мендан саккиз ёш катта эди. Ҳазил-ўйин тарзда бизни унаштирган бўлдилар. Мен ўн ёшдалигимда у ҳарбий хизматга кетди. Мен ўзимни гўё келинчақдай ҳис қилиб, уни кутган, ҳатто хатлар ёзган эдим. У мени эсдан чиқариб, ҳарбий хизматдан уйланган ҳолда қайтиб келди. Шу тахлит Шуриikka унаштирилганимга қолиб кетганман.

Шурик эртадан кечгача киноплёнкаларни кўрсатди. Биринчи ер йўллоши. Белка ва Стрелка — итлар космосда. Биринчи ракеталар учирилиши. Мана булар замонавий ракеталар. Аммо нимадир етишмасди.

— Шурик, нимадир етишмаяпти, — дедим мен.

— Нима?

— Охирзамон, — дедим мен телбаларча кулимсираб.

Шурик менга маънодор қараб қўйди-да, қаёққадир кетди. Кейин Бойкўнғир космодромида ракета учираётган портлаш юз бергани туфайли генерал Неделин ҳалок бўлиши ҳақидаги фильмини кўтариб келди. Ўша пайтда бизнинг ҳам кўплаб зобитларимиз ҳалок бўлишган. Ахир Кап-Яр билан Бойкўнғир ака-ука эдилар, бир-бири билан

борди-келди қилиб турардилар. Бир-бирига мутахассис жўнатардилар. Ўша кунлари Шаҳримизда бир қанча вақтгача йиғи-сиги тинмади, аза устига аза бўлаверди.

Фильм бошлангандан биз маънос тортиб қолдик. Ядро ҳалокати офатларини тошдай қотиб томоша қилдик. Бу ахир, бор, содир бўлган воқеа борлигича суратга олинган ҳужжатли фильм эди-да. Экранда — Охир замон. Қанчалар жирканч бўлмасин, бизга айнан шу керак. Режиссёр билан кетишга отланамиз.

Шурик мени тўхтатади. Қўлида яна битта фильм.

— Мана буниям кўр. Атайлаб сен учун олиб келдим.

Режиссёр кетди. Мен қолдим.

Ўн беш йил бурунги кунлар. Қайта қуриш бошланапти. Капустин Яр полигониди Совет Иттифоқининг энг зўр ракеталарида бири СС-20 ни йўқ қилишяпти. Ракета қирғоққа чиқиб қолган кит каби чўл ўртасида ётибди. Атрофида одамлар уймалашяпти. Зобитлар ракетани ишдан чиқаришга ҳозирлашяпти. Гўё футбол ёки парадни томоша қилгани келгандай, трибунанинг биринчи қаторларида чет эллик кузатувчилар ва мухбирлар, уларнинг ортида театрга борган каби ясан-тусан кийинган зобитларнинг хотинлари. Мана, юзлари тошдай қотган зобит. У кулоғининг орқасини ушлаб кўради, гўё бу тизимми, ўнгимми, дегандай. Мен уни танийман. Синфдошим Саша Воронин. Ишни охирига етказувчи зобит. Яъни заводдан келтирилган ракеталарнинг ҳолатини охириги даражага етказувчи, учирлишга ҳозирловчи. Яна бир синфдошим, яна бир ракетага Сергей Капьярский кулган эди: "Саша ракетанинг сиртини худди қиз болани эркалаётгандай силаб-сийпайди. Ракета ҳам ўз навбатида Сашага шу тахлит жавоб қайтаради. Саша учирган ракеталар ҳамини нишонга тегеди. Улар маъноли бир тарзда, айланиб, худди тирик жондай, нишонни қувиб етади. Улар жуда чиройли учеди! Саша гений! У ракеталар Моцарти! Ва Моцарт каби беўй, маишатпараст". О, мен Москвадан Шаҳарчага келиб, синфдошлар йиғилганимизда, бизнинг ҳовлимиз боғчасида биргаликда қанчалар телбабор, унутилмас лаҳзаларни бошдан кечирганимиз. У гитара чаларди, тинмай ҳазил қиларди, тинмай куларди! Онам эҳтиётсизлик билан боғчада қолдирган, уч литрли банкаларга тайёрлаб қўйган гилос виноларининг қанчаларини ичиб тутатганимиз! Оқтепага балиқ овига бориб, неча пакирлар балиқларни қовуриб еганимиз! Бир гал августда, юлдузлар ярқираган тунда қанчалар истакларимиздан фол очганимиз! Биз иккимиз дўст ҳам эмасдик, ўйнаш ҳам эмасдик, бизни бир-биримизга ҳеч нарса боғлаб турмасди. Биз фақат синфдошлар эдик, шунинг учун рассом хатосиз равишда бошқа рассомни танлагани каби, ҳаётдан завқланиш учун у мени ўзига йўлдош қилиб танлаганди.

Аммо ҳозир мен уни таний олмасдим.

У жуда галати ҳаракат қиларди, гўё вужудида қандайдир ларзалар юз бераётгандай. У гоҳ керак бўлмаган ҳолатда қўлини кўтарар, гоҳ керак бўлмаган ҳолатда у ёқдан-бу ёққа буриларди. У ракета қошига бориб, уни ишдан чиқариш учун портлатадиган асбобни шунчалар азадор бир ҳолатда ўрнатардики, гўё ўз онасини портлашга ҳозирлаётгандай. Ёки фарзандини дафн этаётгандай.

Ҳамма нарса портлатишга тайёр. Шу фурсат кадрга улкан алвонранг куюқ булут кириб келади. Табиатда бунақа булут йўқ. Кадрда эса бор. Даҳшатли, жудаям даҳшатли чақмоқ чақди. Момақалдироқ гумбурлади, яшин чақнади. Кучли жала қуя бошлади. Трибунадаги журналистларни плаш-палаткаларга ўрашди. Зобит хотинларини соч турмаклари эшакнинг думидай осилиб қолди. Саша Воронин қўлини кўтарди. У портлашга раҳбар. Қўлини силкиди. Портлаш юз бердими, момақалдироқ гумбурладими... Теварак-атрофни мислсиз даражада ваҳимали ёритиб, улкан чақмоқ осмонни иккига бўлиб ташлади. Бир дақиқага яшин нури

Сашанинг ўликниқиди сўниқ юзини кўрсатди. У йиғларди.

Мен гўё унга ёрдамга бормоқчидай, шошилиб ўрнимдан турдим. Бунақа ҳолга тушганлар ўз жонларига қасд қиладилар.

Фильм тугади.

— Кейин у ичкиликка берилиб, охир-оқибат ўзини ўзи осди, — деди Шурик лентани жойига ўраркан.

— Ким? — сўрадим тушунмай.

— Ким бўларди? Саша Воронин... Танимадингми?

— Қачон юз берди бу?

— Яқинда бир йил тўлади.

— Менга ҳеч ким айтмаганди.

— Айтадиган бўлмай қолди ўзи. Ҳозир шаҳарчада бирин-кетин ўзларини... — Шурик тушунарли тарзда ўзларини нима қилишаётганини кўрсатди. — Мен Сашкани тушунаман. Иш йўқ. Энг асосийси, умид йўқ. Бир йилда битта, иккита ракета учирлишади, холос. Шуям ишми? Бўпти, келинчак, юр қани! — деди у.

Мен қалтираб кетдим. Наҳотки эсида бўлса?

— Ҳа, эсидан чиқариб юборган деб ўйлаганидингми? Ажи-бужи хатлар жўнатардингми-ку менга? — деди Шурик ўзидан кўнгли тўлиб. — Ҳалигача қаерлардасиз ётибди. Кейинроқ Сотбис аукциониди қиммат нархда сотаман...

Режиссёр ўз фильмини суратга олиб бўлди. Мен эса йўқ. Менга ҳали яна бир саҳна керак..

— Сени тушунолмай қолдим, — деди режиссёр. — Биз жуда кўп нарса тўпладик...

— Йўқ, — дейман мен. — Ҳали кўрасан, ана шу саҳнасииз фильм фильм бўлмайди.

Яхшиси қўшиб қўйиш керак: Охирзамон саҳнасииз фильм кўнгилдагиди чиқмайди.

Савдогар уйининг чолдеворлари орасида суратга оляпмиз. Инқилобдан сўнг уни НКВД ўзига идора қилиб олган. Қайта қуриш даврида иморатга ўт қўйишди.

Лёша чолдеворлар оралаб ҳуштак чалганча, тентираб юрипти. Қушлар билан гаплашяпти. Қушлар унинг ҳуштагига жавоб беришяпти.

— Сенга нима керак ўзи? — сўрайди мендан режиссёр. — У нима қилиши керак?

Менга нима кераклигини ҳали ўзим ҳам билмайман, аммо нимадир етишмаётгани аниқ.

Лёшка хас-хашакларни йиғиб, ўт қўйди, ўтда совуқ қотган қўлларини иситди. Қизил, катта қўллар, худди Надьяка-аҳмоқнинг қўлларидек.

— Тўхта! — дейман юрагимни босиб. — Тўхта!

Топдим. Охир замон юз бериши керак бўлган тунда Надьяка нима қилганини биласизми? Унинг бир ўзини Шаҳарчага ташлаб қочганимизда? У албатта олов ёққан бўлиши керак. У ахир олов ёқиш мумкин эмаслигини билмаган-ку. Ўша тунда ҳам совуқ эди. Олов ёққан ва қўлларини иситган.

— Олдик, — дедим мен.

Мен ўз Шаҳрим ҳақидаги афсонани суратга олиб бўлдим.

Энди қайтсак ҳам бўлавереди.

Нон олиш учун дўконга боряпман. Дўкон олдида умр бўйи қачон қарама — қавланган ўра. Яна сув қувури тешилипти, яна уни таъмирлашяпти. Йиқилишимга сал қолиб, тор йўлак бўйлаб ўрани айланиб ўтаётиб, энг хатарли жойда Надьяка-аҳмоққа дуч келдим. Қўлтиғида бир буханка нон. Иккимиз чуқур ўранинг икки томонида турибмиз. Надьяка мени кўриб хурсанд бўлиб кетди. Мен у билан нима ҳақда гаплашишни билмайман. Ўттиз йилки шу аҳвол, у билан нима ҳақда гаплашишни билмайман, шу сабабли кўришаман-да, ўтиб кетаман. Аммо энди нимагадир тўхтаб қолдим. Мен унинг маъносиз юзига, маъносиз, бўм-бўш кўзларига боқиб, негадир одатий саволни бераман: "Аҳволлар қалай, Надя?" Ва одатий:



"доимгидай, яхши", деган жавобни олишга шайланаман. Аммо у ногоҳ оҳ тортади, гўё бу саволим унинг бошига гурзи бўлиб тушгандай ва энди мияси бирдан яхши ишлаётгандай. Унинг кўзлари чақнади, ақли жойига тушди, у менга синовчан назар ташлади ва юрагимни эзиб ташлар даражада жавоб берди: "Ҳар хил, Света! Баъзан ўзимни қўйгани жой тополмай қоламану, ўзимни ўзим осгим келади. Баъзан... эл қатори... яшаймиз ишқилиб..."

Вой худойим-ей, қай биримиз тентакмиз, дея ўйлайман мен. Биз ўранинг тепасида турибмиз. Менинг бошим айланди, тушундимки, тез ажрамасак, мен ўрага кулаб тушаман.

— Урадан нарироққа ўтайлик, йўқса, кулаб тушамиз. Надька чуқурга, унинг тубига қаради ва деди:

— Мен ўша тунда шу ерда яшириниб ётганман.

Эсингдами, америкаликлар бизни бомбардимон қилган тунни?

Менинг юрагим парчаланиб кетди.

— Қаерда яшириндинг? — сўрайман бўғиқ овозда.

— Шу чуқурдами?

— Ҳа-а, шу ерда, — деди Надька. — Мени автобустга олишмади. Уйга югуриб бордим, қоронғи экан, кейин йўлда шу ўрага кулаб тушдим.

— Тун бўйи шу ерда ўтирдимми?

— Аввал бақирдим, — деди у ва жимиб қолди.

— Кейин-чи? Кейин нима бўлди? — сўрайман мен.

У жавоб бермайди. Яна унинг юзидаги шуур сўнди. У менга маъносиз, бўм-бўш кўзларини тикди. Юрагим қинидан чиқиб кетар даражада урапти. Мен эҳтиёткорона уни айланиб ўтаман-да, дўконга қираман. Мен йиғлаб кетяпман: нега бу ерга келдим? Нега бу фильмни олаёпман? О Худойим, ўзинг кечир! Надькага нисбатан қилган гуноҳим учун ўзинг кечир! Илтимос!!! Мен ўтирилдим. Надька ҳамон ўранинг тепасида қимирламай маъносиз нигоҳини менга қадаб, қотиб турарди

— Надя... — дедим мен.

Унинг кўзларида тагин учкун чақнади.

У мен томон бир қадам қўйди, мен ўтирилиб, унинг истиқболига югурдим. Уни кучоқладим. У йиғидан ҳўл бўлган юзини менинг йиғидан ҳўл бўлган юзимга босди. У ўпишишним билмасди. Лаблари билан эмас, бутун юзи билан, менинг юзимдан ўпарди.

— Мен ўшанда бу ерда ЖУДА қаттиқ қўрқдим. — Надька кўзлари қири билан ўрага ишора қилди. — Бир ўзим... сенсиз...

Мен унинг йиғидан қизарган юзига қарадим ва ўзимни йўқотиб, дедим:

— Биладан, Надя... Надя, мени кечир...

Ва ўзим ногоҳ тушуниб етаманки, ўшанда Худо бизни эмас, уни асраган. Агар ҳақиқатан ҳам ядро уруши бошланганда яйдоқ чўлда ётган бизлар биринчи зарбаноқ ҳалок бўлардик. Надька эса чуқур ўрада жони омон қоларди. Балки одамизот ичра ёлғизгина у омон қоларди.

Қайтиш олдиан режиссёрнинг юраги санчиб қолди. Қаттиқ ишлаганимиз таъсир қилди шекилли. Полковник Юра билан хайрлашиш учун ёлғиз ўзим штабга бордим.

Полковник хонасида бир ўзи ўтирганча нимадир ёзаяпти. Менинг саломимга бош кўтармай, тўнғиллаб алик олди.

— Қайтаяпмиз, — дедим мен. — Хайрлашишга келдим.

Юра ниҳоят хўмрайганча бошини кўтарди.

— Хўш, — деди еб қўйгудай ўкрайиб. — Аҳмоқларинг тўғрисидаги фильмни суратга олиб бўлдиларингми?

Мен ўзимни йўқотдим.

— Юра! Биз менинг болалигим ҳақидаги фильмни суратга олдик, — дедим мен эҳтиёт бўлиб.

— Йўқот! — Юранинг юзи тундлашди. — Ўргилдим сендақа зиёлилардан! — ва у онамнинг авра-астаригача ағдариб, роса сўқинди. Мен кетиш учун ўгиридим. — Бу ердагиларнинг ҳаммаси қўйми, сенингча? Ҳеч нарсани тушунмайми? Айғоқчиларимиз ҳали ишлаяпти. Биринчи кадрни олганларингдаёқ мақсадларингни тушунгандим... — деди у орқамдан.

— Унда нега бизни ушлаб бермадинг? — ғазабланган ҳолда унга ўтирилдим.

У жим бўлди. У менга бахтсиз кўзларини тикди.

— Э, билганларингни қилмайсанларми? — деди у ҳорғин. — Бари бир Шаҳар тугаган. Кулаб битди, — ва алам билан ёниб давом этди: — Светка, нима, сен тушунмайсанми?! Биз ахир давлатни бой бердик! Шундай давлатни-я?!..

Биз ярашиб хайрлашдик. У менга қийшиқ тикилиб, ногоҳ ўнғайсизланиб сўради:

— Ҳар қалай, музғалоқ эсингдадир? Зўр учардика!

Бу ерда, бу Шаҳарчада ҳамма болалигидаги ҳамма нарсани ёдида сақларди. Ва Худо бизни ўз ёнига чорлаганда биз кичкина болалар бўлиб унинг қаршисида тизиламиз ва ўз болалигимизни гапириб берамиз: қизил лолалар терганимизни, муз тепаликлардан пастга сирганиб учганимизни, яйдоқ чўлда ётиб, ўлимимизни кутганимизни. Унга фақат болалигимизни айтамыз. Чунки бошқа нарсаларни эсдан чиқарганмиз. Ва балким, ўшанда Худо бизни кечирар?

— Юра, музғалоқ учганимиз бутун умр ёдимда қолган, — дедим мен.

— Ҳаёт... — хўрсинди Юра, — бунчалар тез ўтиб кетяпти-я!

— Ҳаётдан фақат афсоналар қолади, — дедим мен.

— Хуллас, бўпти, сен бизни киноингда мутлақо... кўмиб ташлама. Сен ҳар қалай ҳамшаҳримизсан. Кап-ярликсан. Ҳеч бўлмаса, одамларда умид қолсин, — деди у менинг кўзларимга тикилиб. Ва бутунлай бошқача оҳангда оҳ урди: — Эҳ! Тезроқ қарисам эди, Светка! Бу тартибсизликларни кўрмасам эди...

Мен чиқиб жўнадим. Ўлик шаҳар бўйлаб кетяпман. Ўлик мамлакат бўйлаб кетяпман.

Биз ўша "газис"да қайтаяпмиз. Ўша, бетлари қизарган ёшгина аскар бола рулда. Мен унинг ёнида ўтирипман. Орқада киногуруҳ қувноқ оҳангда ҳангома қиляпти, солдат кружкаларига спирт қуйиб ичяпти. Мен касал бўлиб қолдим, шу сабабли ичмаяпман. Иссиғим баланд.

Биз Олтин Ўрда ёдгорлиги олдига келдик. Киногуруҳ машинани тўхтатиб, суратга тушиш учун ёдгорлик томон кетди. Мен машинада қолдим. Ёдгорликни ўраган кузги чўл даласи тракторда ҳайдаб ташланган. Ёдгорликка етиш учун шудгор оралаб ўтиш керак.

Шу ердаги бекатда бир мужик қуритилган вобла сотарди. Киногуруҳ қайтиб келди. Режиссёр мужикдан вобла сотиб олди-да, унга арз қилди:

— Ёдгорликка яқинлашиб бўлмайди. Бирон нарса экишмоқчимиз?

— Чўлда қ...ни экишармиди? — жавоб берди мужик.

— Унда нега ҳайдаб ташлашди?

— Олтин тулпорни излаяпти. Ботухон қаергадир шу атрофга кўмган экан, — дея мужик болакайга тушунтирган каби жавоб берди режиссёрга. Худди кечаги воқеани айтаётгандай.

"Новый мир" журналининг 2006 йил 5-сонидан  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ таржимаси.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Gulruh A'ZAMOVA

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 1 (212) 2007 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

## MUNDARIJA

### MUHARRIR MINBARI

Yilning mazmuni ..... 1

### NASR

Erkin A'ZAM. Zabarjad. Kinoqissa ..... 2

Mirzo AHAD. Hajviy hikoyalar ..... 18

### KELAJAK OVOZI

Nosir BOYMIRZAYEV. Polvoncha raqs. Hikoya ..... 22

### NAZM

Tursun ALI. Borayapman yuragim sari ..... 16

Abduazim QOBILOV. Hayot sharobin tutib ..... 20

Yusuf XUDOYQUL. Ko'zing qarog'ida quyoshning tafti .... 21

Baxtiyor BOBONOV. Toshkent taronasi ..... 33

Musallambonu. Ko'zimga inmoqda kengliklar ..... 39

Nurmuhammad HAYDAROV. Marg'ilonimsan ..... 39

Mahmud TOIR. Oshiq ohi. Doston ..... 43

### BIRINCHI UCHRASHUV

Vazira SHODIYEVA. Ko'nglim ishning shu'lasini tushdi ..... 25

Muqaddas SALOMOVA. Dunyoga kelmoqda yana tabiat .... 30

Xurshidbek MAMAJONOV. Oshiq dilda g'ururim ..... 30

### ODAM VA OLAM

Konfutsiy saboqlari ..... 31

### QARDOSHLAR ADABIYOTI

Svetlana VASILENKO. Tikanli simlar ortidagi shahar .... 34

### ADABIY TANQID

G'ulom KARIM. Jaziramadagi odamlar qismati ..... 27

### TAQRIZ

Suvon MELIEV. Badiiy obraz — mahorat mezonini ..... 31

### Muqovalarimizda

1-betda: Alisher NAVOIY tavalludining 566 yilligi.

2-betda: "Kelajak ovozi" ko'rik-tanlovi.

3-betda: Taniqli yozuvchi va publisist G'affor HOTAMOV.

4-betda: Bahor eshik qoqyapiti.

**Manzilimiz:** Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy.

**Telefon:** 393-08-23, **E-mail:** yoshlik\_xattlar@rambler.ru

Bosishga 23.02.2007 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi

tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 18

**Manzil:** Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.